

№7-8 (11)  
Ноябрь-Декабрь

20  
20



ISSN 2181-0567

# IQTISODIYOT: TAHLILLAR VA PROGNOZLAR

ЭКОНОМИКА:  
АНАЛИЗЫ И ПРОГНОЗЫ

ECONOMY:  
ANALYSIS AND FORECASTS

“Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли  
саломатлигини мустаҳкамлаш йили”

2021



Журнал Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни  
кискартириш вазирлиги билан ҳамкорликда нашр этилмоқда

ISSN 2181-0567



9 772 181 056 008



**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг  
Олий Мажлисга Мурожаатномасидан:**

БАРЧА ТУМАН ВА ШАҲАРЛАРДА, ҲАР БИР МАҲАЛЛАДА ЭҲТИЁЖМАНД ОИЛАЛАР, АЁЛЛАР ВА ЁШЛАР БИЛАН МАНЗИЛЛИ ИШЛАШ БЎЙИЧА МУТЛАҚО ЯНГИ – “ТЕМИР ДАФТАР” ТИЗИМИ ЖОРИЙ ЭТИЛДИ. ҚИСҚА МУДДАТДА БУ ТИЗИМ ОРҚАЛИ 527 МИНГ ФУҚАРОНИНГ БАНДЛИГИ ТАЪМИНЛАНДИ.

БУНДАН ТАШҚАРИ, ЎЗИНИ ЎЗИ БАНД ҚИЛГАН АҲОЛИ УЧУН СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ БЕРИЛИШИ ҲАМДА МАВЖУД ЧЕКЛОВЛАРНИНГ БЕКОР ҚИЛИНИШИ ТУФАЙЛИ 500 МИНГ НАФАР ФУҚАРО МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИНИ ҚОНУНИЙ ТАРЗДА ЙЎЛГА ҚЎЙДИ.

ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИГИ ВА ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИГА 300 МИЛЛИАРД СЎМ ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ ВА СУБСИДИЯ АЖРАТИЛГАНИ ҲАМ ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИНИ ИЖТИМОЙ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШДА ЯНГИ Йўналишга айланди.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ, АНДИЖОН, ЖИЗЗАХ, ҚАШҚАДАРЁ, САМАРҚАНД, СИРДАРЁ ВА ФАРҒОНА ВИЛОЯТЛАРИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН “IT-ПАРКЛАР”ДА 500 ДАН Ортиқ ЗАМОНАВИЙ КОМПАНИЯЛАР ИШ БОШЛАДИ.



# IQTISODIYOT: TAHLILLAR VA PROGNOZLAR

**ЭКОНОМИКА:**  
АНАЛИЗЫ И ПРОГНОЗЫ

**ECONOMY:**  
ANALYSIS AND FORECASTS

№7-8 (11),  
Ноябрь-Декабрь 2020

**ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:**

- Ж.Қўчқоров** – Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири, таҳрир ҳайъати раиси
- И.Норқулов** – Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирининг биринчи ўринбосари, таҳрир ҳайъати раиси ўринбосари
- А.Ортиқов** – Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирининг биринчи ўринбосари, таҳрир ҳайъати раиси ўринбосари
- Ш.Шуқуров** – Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти директорининг биринчи ўринбосари, таҳрир ҳайъати раиси ўринбосари
- Т.Ахмедов**, и.ф.д., проф. – Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти директори ўринбосари – Илмий марказ директори
- З. Халдаров**, PhD – Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти директори ўринбосари
- О.Олимжонов**, и.ф.д., проф. – Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти лойиҳа раҳбари
- Д.Курбанова**, и.ф.н., доц. – Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти Илмий котиби
- Д.Муинов**, и.ф.н., доц. – Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти лойиҳа раҳбари
- Д.Каримова**, и.ф.д., проф. – Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти лойиҳа раҳбари
- Н.Расулов**, и.ф.н., доц. – Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти лойиҳа раҳбари
- Н.Ибрагимова**, PhD – Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти лойиҳа раҳбари
- Ё.Файзуллаев**, и.ф.н. – Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирилик бўлими бошлиғи

**ТАХРИРИЯТ:**

- Бош муҳаррир – **О. Олимжонов**
- Масъул муҳаррир – **А. Юлдашев**
- Техник муҳаррир – **И. Одашев**
- Компьютер графикаси дизайнери – **И. Саидов**
- Нашр учун масъул – **Н. Примов**

**Журнал Олий аттестация комиссияси докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.**

Журнал Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 2019 йил 17 октябрда 1043-сонли гувоҳнома бўйича рўйхатга олинган.

ISSN 2181-0567. Формат 84/60, 1/8, 17 б.т.

Чоп этишга 28.12.20 йилда рухсат этилди.

Офсет усулда босилди.

Журналнинг «Matbuot tarqatuvchi» АК обуна каталогидagi индекси – 1360.

Журнал ойда бир марта чиқади. Баҳоси келишилган нархда.

«Iqtisodiyot: tahlillar va prognozlar» журналидан кўчириб босиш фақат тахририятнинг ёзма розилиги билан амалга оширилади.

Тахририят фикри муаллифлар фикрига мос келмаслиги мумкин. Мақоладаги далилларнинг ҳаққонийлигига муаллифлар шахсан масъул.

Тақдим қилинган мақолалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

**Тахририят манзили:**

100000, Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30. Тел.: (+998 71) 244-01-77. E-mail: info@ifmr.uz

Тарқатиш бўлими телефони: (+998 71) 244-01-77

Зафар АХМЕДОВ

**Солиқ тизимини  
рақамлаштиришнинг  
солиқ йиғилувчанлигига  
таъсири**

**-4-**

Авазбек СОДИҚОВ,  
Шерзод ОТАБОЕВ

**Худудлар  
ривожланишини  
давлат томонидан  
тартибга солиш  
(Ўзбекистон тажрибаси)**

**-8-**

Баҳодир ТЎРАЕВ

**Ўзбекистон иқтисодиёти  
учун таркибий ислоҳот  
кўрсаткичларининг  
таҳлили ва аҳамияти**

**-18-**

Джахонгир МУИНОВ,  
Ольга АРХИПОВА

**Методические  
подходы определения  
отраслей-драйверов  
долгосрочного развития  
промышленности**

**-23-**

Саида АБДУРАХИМОВА

**Инвестиция  
жараёнларини  
макроиқтисодий тартибга  
солишнинг илмий  
назарий асослари**

**-29-**

Нодирбек РАСУЛОВ,  
Бунёд КАРИМОВ

**Развитие женского  
предпринимательства в  
Узбекистане:  
общие тенденции  
и проблемы  
совершенствования**

**-36-**



Temur MAKHKAMOV

**The role of Corporate  
Governance transparency  
in poverty alleviation**

**-42-**

Эльвира МАМАДАЛИЕВА

**Региональная  
экономическая  
диагностика: тенденции и  
выводы для регионов  
Узбекистана в условиях  
пандемии**

**-46-**

Мақсуджон ОЛИМОВ

**Наманган вилоятининг  
саноат ишлаб чиқариши:  
жорий ҳолат таҳлили ва  
истиқболли йўналишлар**

**-50-**





Shavkat ALIMBEKOV

**The importance of digital technologies in the period of the global pandemic in Uzbekistan**

**-56-**

Раҳмонжон  
ЭГАМБЕРДИЕВ

**Иқтисодий ўсишни барқарорлаштиришда рақамли иқтисодиётни йўлга қўйиш истиқболлари**

**-61-**

Санобар ИСМОИЛОВА

**Маҳаллий бюджет маблағлари молиявий назорати ва унинг сарфланиши самарадорлигини баҳолаш**

**-69-**

Мадина  
МИРЗАМАҲМУДОВА

**Аёллар ўртасида камбағаллик даражаси ва уни бартараф этиш йўллари**

**-74-**



Шоирахон НУРДИНОВА,  
Фунда РАНА АДАЧАЙ

**Бахтиёрлик иқтисодиёти нуқтаи назаридан Туркия хотин-қизлари бандлигининг ижтимоий-иқтисодий таҳлили**

**-80-**

Нилуфар САФАРОВА

**Тиббий туризмни ривожлантиришда соғликни сақлаш тизимининг ўрни: таҳлил ва тавсиялар**

**-87-**

Раҳмон ПАЙГАМОВ

**Қишлоқ туманларида тадбиркорликни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари**

**-91-**

Дарья ИЛЬИНА

**Конкурентоспособность плодоовощной продукции Узбекистана на мировом рынке**

**-96-**

Хадича ХУРАМОВА

**Агрокластерлар самарадорлигини оширишда инновацион технологиялардан фойдаланиш масалалари**

**-102-**

Ибодуллохон СОЛИЕВ,  
Камолиддин  
СИРОЖИДДИНОВ

**Агросаноат мажмуасида маркетинг имкониятларидан фойдаланиш**

**-106-**

Дилдора ИБРАГИМОВА,  
Дарья ИЛЬИНА,  
Алексей КИМ

**Рост цен на импортную плодоовощную продукцию в период пандемии в Узбекистане (на примере цитрусовых) и его причины**

**-113-**

Хикматилла  
САЙДАХМЕДОВ

**Совершенствование методических подходов оценки минерально-сырьевого потенциала регионов страны**

**-119-**

# Солиқ тизимини рақамлаштиришнинг солиқ йиғилувчанлигига таъсири



**Аннотация:** ушбу мақолада давлат солиқ маъмурчилигини амалга оширишда – замонавий ахборот технологиялар кенг қўллантирилиши ёритилган. Иқтисодиёт, молия ва солиқ йўналишларида рақамлаштириши жараёнларини пухта ва оқилона тарзда тезлаштириши зарурлиги, вазирлик ва идоралар ўртасидаги электрон маълумотлар алмашувини кенгайтириши кераклиги кўрсатилган.

**Калит сўзлар:** солиқ, ахборот технологиялари, иқтисодиёт, электрон маълумотлар алмашуви, рақамлаштириши.

**Аннотация:** в данной статье освещаются вопросы широкого применения современных информационных технологий в деятельности налоговых органов. Показана необходимость продуманного ускорения процессов цифровизации в экономике, финансовых и налоговой системах, расширения электронного обмена данными между министерствами и ведомствами.

**Ключевые слова:** налоги, информационные технологии, экономика, электронный обмен данными, цифровизация.

**Abstract:** this article highlights the issues of wide application of modern information technologies in the activities of tax authorities. The necessity of thoughtful acceleration of digitalization processes in the economy, financial and tax systems, expansion of electronic data exchange between ministries and departments is shown.

**Keywords:** taxes, information technology, economics, electronic data exchange, digitalization.

Зафар АХМЕДОВ,  
Иқтисодий тараққиёт ва  
камбағалликни  
қисқартириш вазирлиги,  
Ташқи иқтисодий фаолиятни  
таҳлил қилиш  
ва прогнозлаш бошқармаси  
бошлиғи

Бугунги даврдаги рақамли инкилоб кундалик ҳаётимиз ва жамиятимизни мисли кўрилмаган даражада ўзгартирмакда. Янги технологияларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётига изчил суръатларда жорий қилиниши барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда муҳим ўрин тутди.

Дунё иқтисодиётида ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) нинг жадал ривожланиши таъсирида инновацион тизимда ишлайдиган компьютерлар, мобил телефон ва Интернет технологияларининг пайдо бўлиши натижасида, рақамли иқтисодиёт ва унга асосланган бошқарув усулларининг амалиётда кенг қўлланилиши жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг асосий омилларидан бирига айланди. Агар, ривожланган давлатларнинг

ялли ички маҳсулотига рақамли иқтисодиётнинг улуши 2010 йилда 1,2 %ни ташкил этган бўлса, 2018 йилга келиб, ушбу кўрсаткич 5,5 %га етди (Халқаро телекоммуникация бирлашмаси ҳисоботи, 2018)<sup>1</sup> ва бу ҳолат айниқса пандемия даврида ақл бовар қилмас даражада ўсмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида жадал суръатларда рақамли иқтисодиётни шакллантириш, ривожлантириш ҳамда ижтимоий-иқтисодий соҳаларга кенг жорий қилиш зарурлиги, керакли инфратузилмани яратиш лозимлиги, рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш яқин 5 йил-

<sup>1</sup> Measuring the Information Society Report. Volume 1. 2018 / ITU Publications. Statistical reports. International Telecommunication Union. Place des Nations. CH-1211 Geneva Switzerland.

ликдаги энг устувор вазифалардан бири этиб белгиланганлиги<sup>2</sup> алоҳида таъкидланди.

2020 йилга “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодий ривожлантириш йили”, деб ном берилиб, ҳукуматга “Рақамли Ўзбекистон–2030” дастурини ишлаб чиқиш вазифаси юкланиши ҳам мазкур масаланинг долзарблигини кўрсатади.

### Асосий қисм

Бугунги кунда солиқ йиғилувчанлигининг юқорилиги солиқ тизимининг қай даражада рақамлаштирилганлиги билан бевосита боғлиқ. Шу нуқтаи назардан, ҳар бир соҳада бўлгани каби давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ маъмурчилигини амалга оширишда замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш ишлари жадал амалга оширилмоқда.

Хусусан, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳобчаларида аҳоли билан амалга оширилган ҳисоб-китоблар тўғрисидаги маълумотларни давлат солиқ хизмати органларига онлайн режимида узагиб бориш функциясига эга бўлган маълумотлар алмашинуви

2 Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 й. 24 январь // president.uz.

платформаси – онлайн назорат-касса машиналари ҳамда виртуал кассаларни жорий этиш белгиланди<sup>3</sup>.

Ушбу тизимининг жорий этилиши тадбиркорларга қуйидаги қулайликларни беради.

Биринчидан, амалиётчи-кассир томонидан назорат-касса дафтари юритиш ҳамда иш куни якунида назорат-касса машинасининг кунлик ҳисоботини чиқариб олиш мажбуриятлари бекор қилинади.

Иккинчидан, фойда солиғи, ягона солиқ ёки қатъий белгиланган солиқ суммасини онлайн-НКМни 2021 йил 1 январга қадар солиқ органларида рўйхатга қўйиш шарти билан, унинг ҳар бирини харид қилиш, ўрнатиш ва ишга тушириш билан боғлиқ харажатлар суммасига камайтириш ҳуқуқи берилади.

Учинчидан, жисмоний шахсларнинг банк пластик карталари ёки чегирма (дисконт) карталарига оммавий оферта шартлари асосида

3 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги “Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги ҳисоб-китоблар тизимига замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш ҳамда ушбу соҳада жамоатчилик назоратини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-5813-сон Фармони, // lex.uz.

ўтказилган бонуслар шаклидаги маблағлар (cashback) жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи базаси сифатида қаралмайди.

Айни пайтда онлайн назорат-касса машиналари ёки виртуал кассадан тўлиқ фойдаланишга ўтган тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим қилинган чеклардаги QR-код ёки фискал белгилар асосида ютуқли ўйинлар ташкил этилмоқда ва бу ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Шунингдек, Солиқ кодексида ҳисобварақ-фактуралар қоида тарихида электрон шаклда бўлиши, 2020 йил 1 январдан бошлаб товар(хизмат)ларни сотишда хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобварақ-фактураларни электрон шаклда тақдим этиши ва қабул қилиши<sup>4</sup> шартлиги қайд этилди.

Жорий йилнинг 7 август ҳолатига, қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) тўловчилари сони 102 532 тани ташкил этиб, шундан 96 883 таси ёки 94,5 фоиз электрон ҳисобварақ-фактуралардан фойдаланган (1-жадвал)<sup>5</sup>.

4 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 июндаги 522-сонли қарори, // lex.uz.

5 Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумоти

### 1-жадвал

#### Электрон ҳисобварақ-фактуралардан фойдаланиш бўйича маълумот.

Ҳудуд номи	ҚҚС тўловчилар сони	ЭҚФдан фойдаланган сони	Фоиз
Республика бўйича	102 532	96 883	94,5
Қорақалпоғистон Рес.	5 893	5 666	96,1
Андижон вил.	7 050	6 275	89,0
Бухоро вил.	7 821	7 298	93,3
Жиззах вил.	4 494	4 443	98,9
Қашқадарё вил.	9 996	9 731	97,3
Навоий вил.	3 350	3 369	100,6
Наманган вил.	5 751	5 352	93,1
Самарқанд вил.	7 682	7 026	91,5
Сурхондарё вил.	5 600	5 569	99,4
Сирдарё вил.	3 489	3 615	103,6
Тошкент вил.	8 375	7 849	93,7
Фарғона вил.	7 551	6 981	92,5
Хоразм вил.	4 772	4 507	94,4
Тошкент ш.	19 947	18 460	92,5
Йирик солиқ тўловчилар	761	742	97,5

**Манба:** Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумоти.

Шунингдек, ҚҚСнинг ўрни қопла- ниши лозим бўлган суммани солиқ тўловчининг банк ҳисобварағига қайтариш бўйича давлат солиқ хизмати органларига жорий йил- нинг 1 августидан 14 сентябрига- ча ҚҚСни қоплаш суммаси 2 208,9 млрд.сўмни ташкил этган жами 1711

та аризалар келиб тушган бўлиб, шундан 1 032 таси (1 958,7 млрд. сўм) кўриб чиқилган<sup>6</sup>.

Кўриб чиқилган аризаларнинг 625 та (602,1 млрд.сўм)сида ёки 60,5

6 <https://soliq.uz/press-services/news/show/qqs-summasini-qoplash-qaytarish-davom-etadi>

%ида хато-камчиликлар аниқлан- ганлиги сабабли, аризалар қаноат- лантирилмаган.

ҚҚСни қоплаш суммаси 1 272,8 млрд.сўм бўлган 407 та ариза қано- атлантириш учун Молия вазирлиги- га юборилган.

## 1-расм

### ҚҚС суммасини қоплаш (қайтариш).



**Манба:** Давлат солиқ қўмитасининг <https://soliq.uz> веб сайтидан олинди.

Қайд этиш лозимки, амалдаги қо- нунчиликка асосан<sup>7</sup>, ҚҚСни қоплаш ариза тушган санадан эътиборан 60 кундан, алоҳида ҳолатларда (йи- рик солиқ тўловчилар; дипломатик ваколатхона вакиллари; маҳсулот тақсимотига оид битим иштирокчи- лари; экспорт операциялари; солиқ мониторинги иштирокчилари) эса, 7 кундан кечиктирмай қайтарилиши лозим.

Бунда, қайтарилиши лозим бўл- ган ҚҚС суммасининг асосланган- лиги юзасидан солиқ органи томо- нидан 50 кунгача бўлган муддатда Камерал солиқ текшируви ўткази-

лиши, унинг натижаси бўйича солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўрин- босари) томонидан солиқ суммаси- ни қоплаш ёки уни рад этиш тўғри- сида қарор қабул қилинади.

Бундан ташқари, аризага вазир- лик ва идоралар ўртасидаги электрон маълумотлар алмашинувини йўл- га қўйиш орқали олинishi мумкин бўлган маълумотларни ҳамда амалда маълумотлар интеграцияси орқали олинadиган маълумотларни ҳам ило- ва қилиниши назарда тутилган.

Хусусан, экспорт операцияла- ри бўйича солиқ суммаси ўрнини қоплаш тўғрисидаги аризага контракт (1); божхона органининг товарларни Ўзбекистон Республикаси божхона худудидан олиб чиқиш учун белгиси қўйилган божхона юк декларацияси (2); божхона органининг товарлар белгиланган мамлакатга жўнатил-

ганлигини тасдиқловчи белгиси қўйилган, товарга илова қилинади- ган ҳужжатлар (3); валюта маблағла- ри тушганлигини тасдиқловчи банк маълумотномаси (4) каби ҳужжатлар илова қилиниши лозим.

Ваҳоланки, ушбу маълумотлар Давлат солиқ қўмитаси, Марказий ва Давлат божхона қўмиталари томони- дан фойдаланиладиган Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимидан (ушбу тизимни янада такомиллаштириш орқали) со- лиқ тўловчининг ортиқча овозагар- чилигисиз олинishi мумкин.

Солиқ тўловчининг аризаси юқорида қайд этилган ҳужжатлар- ни илова қилмасдан тақдим этил- са, ушбу ариза солиқ органи то- монидан кўриб чиқилмаган ҳолда 5 кун мобайнида солиқ тўловчига қайтарилади.

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 августдаги "Қўшилган қиймат солиғи ҳамда чет эл юридик шахслари билан боғлиқ солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 489-сонли қарори



Жорий йилнинг 14 сентябрь ҳолатига ҚҚСни қоплаш суммаси 250,2 млрд.сўмни ташкил этган жами 679 та аризаларнинг аксарияти аризаларга қайд этилган ҳужжатлар илова қилинмаганлиги сабабли, солиқ органи томонидан кўриб чиқилмаган ҳолда қайтарилган бўлса, кўриб чиқилган 625 та (602,1 млрд.сўм) аризаларнинг аксарияти қайтариллиши лозим бўлган ҚҚС суммасининг асосланганлиги юзасидан солиқ органлари томонидан 50 кунгача бўлган муддатда Камерал солиқ текшируви ўтказилишида аниқланган хато-камчиликлар асосида қанотлантирилмаган.

Қайд этиш лозимки, “Бизнес юритиш” (“Doing business”) халқаро рейтингда солиқ йўналиши бўйича кўрсаткичларни ҳисоблашда, давлат солиқ хизмати органи томонидан солиқ тўловчининг ҚҚСнинг ортиқча суммасини қайтаришга кетадиган вақт ҳам ҳисобга олинади.

Хусусан, Жаҳон банкининг “Бизнес юритиш -2020” ҳисоботи бўйича Ўзбекистон ҚҚСни қайтаришда ариза учун сарф қилинган вақт субиндикатори бўйича 100 баллдан “0” баллни; ҚҚСни қайтариш учун сарфланган вақт субиндикатори бўйича ҳам 100 баллдан “0” баллни олган.

Ушбу кўрсаткичлар мос равишда Грузияда 57 ва 86,6 баллни; Озарбойжонда 85 ва 52,9 баллни; Арманистонда 70,5 ва 50,9 баллни ташкил этган.

Юқорида қайд этилган жараёнлар тадбиркорлик субъектларининг ҳужжатларни тайёрлашга кетадиган вақти ва маблағларининг сунъий равишда ошишига олиб келмоқда. Бунга асосан, қуйидаги ҳал этилиши лозим бўлган масалалар, хусусан:

Биринчидан, назорат ва мониторинг тизимига чакана савдо тармоғида амалга оширилаётган транзакциялар ва бошқа маълумотларни таҳлил қилишга мўлжалланган товар айланмасини назорат қилишнинг замонавий технологиялари жорий этилмаганлиги;

Иккинчидан, сотув ва харид маълумотларини йиғиш ва таҳлил қилиш, маълумотлар базасини таҳлил қилиш орқали ҚҚС ва электрон ҳисобварақ-фактураларни ҳисобга олиш бўйича замонавий электрон дастурлар жорий этилмаганлиги сабаб бўлмоқда.

#### **Хулоса ва таклифлар.**

Жамият ҳаётининг барча жабҳаларини рақамлаштиришнинг самарали технологиялари билан қамраб олиш, замонавий АКТ дастурларини ишлаб чиқиш, давлат бошқаруви, ижтимоий-иқтисодий соҳалар, хусусан, иқтисодиёт, молия, солиқ йўналишларида рақамлаштириш жараёнларини пухта ва оқилона тарзда йўлга қўйиш зарур. Жумладан:

Биринчидан, назорат ва мониторинг тизимига чакана савдо тармоғида амалга оширилаётган транзакциялар ва бошқа маълумотларни таҳлил

қилишга мўлжалланган товар айланмасини назорат қилишнинг замонавий технологияларини жорий этиш;

Иккинчидан, сотув ва харид маълумотларини йиғиш ва таҳлил қилиш, маълумотлар базасини таҳлил қилиш (автоматик равишда Камерал назорат, шу жумладан электрон ҳисобварақ-фактуралар ва онлайн НКМ маълумотлари таҳлилин аналга оширувчи электрон дастурни ишлаб чиқиш ва жорий этиш) орқали ҚҚС ва электрон ҳисобварақ-фактураларни ҳисобга олиш бўйича замонавий технологияларни жорий этиш;

Учинчидан, Республиканинг маълумотлар базасини интеграциялашувида ягона миллий платформани яратиш;

Бунга мисол тариқасида Эстония тажрибасини келтириш мумкин. Эстонияда иқтисодиётни рақамлаштириш натижасида давлат харажатларини ЯИМнинг 2, 3 фоизигача камайтиришга эришилган.

Тўртинчидан, солиқ ва солиққа тортиш тизимида бугунги иқтисодий ва молиявий ҳолатдан келиб чиққан ҳолда “Big Data”, сунъий интеллект (AI – artificial intelligence), блокчейн-технологияларини яратиш;

Бешинчидан, аҳоли кенг қатламларининг рақамлаштириш борасидаги саводхонлигини ошириш, бунда, таълим ва оммавий тарғиботда рақамлаштириш жараёни билан боғлиқ бўлган содда ва қулай ўқув-дастурларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси (янги таҳрири) // lex.uz.
2. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 й. 24 январь // president.uz.
3. Measuring the Information Society Report. Volume 1. 2018 / ITU Publications. Statistical reports. International Telecommunication Union. Place des Nations. CH-1211 Geneva Switzerland.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги “Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги ҳисоб-китоблар тизимига замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш ҳамда ушбу соҳада жамоатчилик назоратини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5813-сон Фармони, // lex.uz.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 январдаги “Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва иқтисодий сиёсат самарадорлигини оширишнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5614-сонли Фармони // lex.uz.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 августдаги “Қўшилган қиймат солиғи ҳамда чет эл юридик шахслари билан боғлиқ солиқ маъмуричилигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 489-сон қарор
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 июндаги “Ўзаро ҳисоб-китоблар тизимида электрон шаклдаги ҳисобварақ-фактуралардан фойдаланишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 522-сонли қарори
8. <https://www.soliq.uz>
9. <https://www.lex.uz>



## Худудлар ривожланишини давлат томонидан тартибга солиш (Ўзбекистон тажрибаси)

Авазбек СОДИҚОВ,  
и.ф.д., Ўзбекистон Миллий  
университети кафедра мудири,  
Шерзод ОТАБОЕВ,  
PhD, Прогнозлаштириш ва  
макроиқтисодий  
тадқиқотлар институти  
етакчи илмий ходими

**Аннотация:** мақолада Ўзбекистонда худудларни ривожлантиришни тартибга солишда қўлланилаётган дастаклар тизимли гуруҳларга ажратилган, уларнинг натижадорлиги ва фойдаланилганлик даражаси баҳоланган, яқин ва ўрта муддатли истиқболда худудий ривожланишни тартибга солишнинг устувор йўналишлари ва дастаклари асослаб берилган.

**Калит сўзлар:** худудий ривожланиш, давлат томонидан тартибга солиш, тартибга солиш дастаклари, бюджет-солиқ ва инвестиция сиёсати, дастур, стратегия, концепция, махсус зона, кластер, маҳаллий ҳокимлик.

**Аннотация:** в статье инструменты регулирования регионального развития, используемые в Узбекистане, разделены на системные группы, дана оценка уровня их использования и результативности, обоснованы приоритеты и инструменты регулирования регионального развития на краткосрочный и среднесрочный периоды.

**Ключевые слова:** региональное развитие, государственное регулирование, инструменты регулирования, бюджетно-налоговая и инвестиционная политика, программа, стратегия, концепция, специальная зона, кластер, местное управление.

**Abstract:** in the article, the instruments for regulating regional development used in Uzbekistan are divided into systemic groups, the level of their use and effectiveness is assessed, priorities and instruments for regulating regional development for the short and medium term are substantiated.

**Keywords:** regional development, government regulation, regulatory instruments, fiscal and investment policy, program, strategy, concept, special zone, cluster, local government.



Мамлакатимизда ислохотларнинг янги босқичида маҳаллий хомашё, ишлаб чиқариш ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш асосида ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш миллий иқтисодиётнинг изчил юқори ўсиш суръатларини таъминлаш ҳамда аҳоли турмуш даражасини оширишнинг муҳим омили сифатида қаралмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали ва оптимал фойдаланиш” устувор йўналиш сифатида белгиланган<sup>1</sup>.

Чунки, ҳозир республикамизнинг аксарият минтақаларида иқтисодий ўсиш суратлари паст даражада қолмоқда. Натижада уларнинг ривожланиш даражаси ўртасидаги фарқ ортиб бормоқда. Айниқса, қишлоқ маъмурий туманлари ва кичик шаҳарлар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси ўртасидаги фарқларнинг катталиги асосий муаммо бўлиб турибди.

Бунинг асосий сабабларидан бири турли даражадаги ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишини тартибга солиш бўйича самарали механизм шаклланмагандир. Мамлакатимизнинг ягона илмий асосланган ҳудудий ривожланиш концепцияси ишлаб чиқилмаган. Натижада, тармоқ ва ҳудудий дастурлар ишлаб чиқишда минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси ўртасидаги тафовутлар ва уларнинг сабаблари етарли даражада эътиборга олинмаган.

Ислохотларнинг янги босқичида мамлакатимизда ҳудудлар иқти-

содиётини ривожлантириш ва уни тартибга солишда сифат жиҳатидан янги босқич бошланди. Туманлар ва шаҳарларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда турли дастаклардан, масалан, маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини кенгайтириш, махсус зоналар ташкил этиш, ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш ва кластерлар ташкил этиш каби замонавий усуллардан кенг фойдаланиш йўлга қўйилди.

Маълумки, дунёнинг барча мамлакатлари ҳукумати ўзининг ҳудудий бирликларини комплекс ва барқарор ривожлантиришни таъминлашда турли даражада иштирок этади. Давлатнинг иштирок этиш

қўлами иқтисодиётнинг ривожланганлик даражасига, ислохотлар даврийлиги ва уларнинг натижаларига бевосита боғлиқдир. Ҳудудлар барқарор ривожланишини таъминлашдаги давлатнинг аралашуви умумий макроиқтисодий барқарорлик ва умумий иқтисодий ривожланишнинг таъминлашдаги иштирокига қараганда бирмунча кучлироқ бўлади.

Ўзбекистонда ҳудудларни комплекс ва барқарор ривожлантиришни давлат томонидан тартибга солишда бирқанча дастаклардан фойдаланилмоқда. Уларнинг қўлами ва амалиётда қўлланилганлик даражаси ўтган йилларда турлича бўлиб, ислохотларнинг янги босқичида жадаллашди (1-жадвал).



1 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. <https://lex.uz/docs/3107036>

## 1-жадвал

Ўзбекистонда ҳудудларни мутаносиб ривожлантириш дастакларидан фойдаланиш<sup>2</sup>.

№	Давлат томонидан тартибга солиш дастаклари	Йиллар		Яқин ва ўрта истикболда
		1991-2015	2016-2019	
<b>I. Иқтисодий-молиявий</b>				
1	Бюджет-солиқ сиёсатини амалга ошириш	+++	++	+
2	Инвестиция дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш	++	+++	+++
3	Экологик вазият мураккаб, ривожланиш даражаси паст ҳудудларни қўллаб-қувватлаш	+	++	+++
<b>II. Ташкилий-ҳуқуқий</b>				
4	Худудий дастурларни қабул қилиш	+	+++	++
5	Худудий ривожланиш концепция ва стратегияларини қабул қилиш	–	+	++
6	Махсус зоналар ташкил қилиш	+	+++	+++
7	Кластерлар ташкил этиш	–	++	+++
8	Худудий бошқарув тизимида институционал ўзгаришларни амалга ошириш	+	+++	+++
<b>III. Маҳаллий давлат бошқаруви органларининг роли</b>				
9	Маҳаллий ҳокимликлар фаолияти натижадорлигини ошириш	+	++	+++
10	Маҳаллий бюджетларнинг даромадлар базасини мустаҳкамлаш, хорижий инвестициялар жалб қилишда ваколатларни кенгайтириш	–	++	+++
11	Худудий ривожланиш дастурларини маҳаллий ҳокимликлар томонидан тасдиқлаш	+	+	+++
<b>Изоҳ: фойдаланилганлик даражаси:</b>				
“–“ – фойдаланилмаган;		“+” – паст даражада;		
“+++” – ўрта даражада;		“+++” – юқори даражада.		

**Бюджет-солиқ сиёсатини амалга ошириш ва уни эркинлаштириш.**

Бюджет солиқ сиёсати ҳудудларни ривожлантириш, аҳолининг турли қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш, маҳаллий ҳокимликларнинг харажатлар қисмини қоплаш, умуман олганда ҳудудларни мутаносиб ва барқарор ривожлантиришдаги аҳамияти муҳим ҳисобланади. Ушбу жараёнлар мажбурий тўловлар ва солиқдан тушадиган маблағларнинг қайта тақсимланиши ва бюджетлараро муносабатлар орқали тартибга солинади. Бозор муносабатларига ўтиш даврида ҳудудлар харажатларининг асосий қисмини республика бюджетидан қайта тақсимланган маблағлар ҳисобига келиб тушадиган трансфертлар ҳисобига қоплаган, яъни аксарият туманлар давлат бюджетидан ажратиладиган дотация ҳисобига кун кўрган.

Ислохотларнинг янги даврида бюджет-солиқ сиёсатини тако-

миллаштириш ва эркинлаштириш мақсадида маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини ошириш, солиқларнинг аксарият турларини ҳамда белгиланган прогноз кўрсаткичларининг орттириб бажарилган қисмини маҳаллий бюджетда қолдиришга қаратилган қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бу эса маҳаллий ҳокимликлар томонидан ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларни молиялаштириш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини қўллаб қувватлаш, маданий тадбирларни ўтказиш, ижтимоий соҳа объектларини жорий таъмирлаш имкониятини кенгайтирмоқда. 2018 йилдан бошлаб маҳаллий бюджетларнинг даромадлар базасини ошириш мақсадида айрим солиқ турларини маҳаллий (ягона солиқ тўлови), туман ва шаҳарлар (жисмоний

шахслар учун мол-мулк ва ер солиғи) бюджетларида қолдириш тартиби жорий қилинди<sup>3</sup>.

Иқтисодий ислохотларнинг давоми сифатида, маҳаллий бюджетларнинг даромадлар базасини янада мустаҳкамлаш ва унинг барқарорлигини таъминлашга қаратилган сиёсат такомиллаштирилиб, 2019 йилдан бошлаб эса маҳаллий ва туман

2 Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиш, таҳлил ва мониторинг қилиш асосида эксперт баҳолаш усулидан фойдаланган ҳолда муаллифлар томонидан тузилди.

3 Постановление Президента Республики Узбекистан «О прогнозе основных макроэкономических показателей и параметрах государственного бюджета Республики Узбекистан на 2018 год» от 29.12.2017 г. №ПП-3454. Национальная база данных законодательства, 31.12.2017 г., № 07/17/3454/0484 (<http://www.lex.uz/docs/3480354>).




(шаҳар) бюджетларида қолдирилади-  
ган солиқ турлари кенгайтирилди<sup>4</sup>.

Юқоридаги чора-тадбирлар-  
нинг амалга оширилиши маҳаллий  
ҳокимликлар фаолиятини эркин-  
лаштириш, ҳудудларни комплекс ва  
барқарор ривожлантиришда давлат-  
нинг тўғридан-тўғри иштирокини  
камайтириш ва маҳаллий ҳоким-

ликларнинг ролини ошириш имко-  
нини бермоқда. Ушбу тенденция  
яқин ва ўрта келажакда ҳам сақлаб  
қолинади.

**Инвестиция дастурларини ишлаб  
чиқиш ва амалга ошириш.** Ҳудуд-  
лардаги ижтимоий инфратузилмани  
яхшилаш, ушбу соҳада тўпланиб  
қолган муаммоларни самарали ҳал

қилиш, ишлаб чиқариш инфратузил-  
масини мақсадли ривожлантиришда  
инвестиция дастурларининг аҳамия-  
ти муҳим. Мамлакатимизда бугунги  
кунга қадар, яъни ислохотларнинг  
дастлабки босқичида инвестиция  
дастурлари бир йилга тасдиқланиб,  
қатор йўналишларни ўз ичига олган  
эди (1-расм).



1-расм. Бир йилга мўлжалланган Давлат инвестиция дастурининг асосий йўналишлари<sup>5</sup>.

**Ҳудудлардаги ижтимоий  
инфратузилмани яхшилаш,  
ушбу соҳада тўпланиб  
қолган муаммоларни  
самарали ҳал қилиш,  
ишлаб чиқариш  
инфратузилмасини  
мақсадли  
ривожлантиришда  
инвестиция  
дастурларининг  
аҳамияти  
муҳим.**

Ислохотларнинг янги босқичи тала-  
бларини инобатга олиб, бошқарувда  
янги усулларни қўллаш, ўрта ва узок  
муддатли режалаштиришга ўтиш  
шароитида инвестиция дастурини  
шакллантиришдан тортиб, унинг  
мониторингини амалга ошириш жа-  
раёнларини такомиллаштириш, унга  
замонавий ахборот-коммуникация  
технологияларини жорий қилиш эх-  
тиёжи туғилди.

Юқоридагиларни инобатга олиб,  
инвестиция дастурларида белгилан-  
ган лойиҳаларни самарали амалга  
ошириш, унга масъул бўлган тур-  
ли даражадаги давлат ва хўжалик  
бошқаруви органлари, маҳаллий  
ҳокимликлар раҳбарлари жавобгар-  
лиги ва манфатдорлигини ошириш  
мақсадида, 2020 йилдан бошлаб  
мамлакатимизда ҳар йили тасдиқла-  
наётган инвестиция дастурларини 3  
йилга тасдиқланиши жорий этилди.  
Бунда ҳудудий концепциялар,  
дастурлар, тармоқ дастурлари ва Ўз-

бекистон Республикаси Президенти  
ва ҳукумати қарорларида белгилан-  
ган топшириқларни ҳисобга олган  
ҳолда дастурга кирган лойиҳа ва  
чора-тадбирларни янгилаб бориш,  
инвестиция дастури лойиҳасини ша-  
кллантириш ва уни тасдиқлашнинг  
янги тартиби жорий этилди (2-расм).

4 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида”ги ПҚ-4086-сонли Қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 27.12.2018 й., 07/18/4086/2354-сон (<http://lex.uz/ru/docs/4131684>).

5 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4067-сонли қарори асосида муаллифлар томонидан тузилди. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.12.2018 й., 07/18/4067/2354-сон (<http://lex.uz/docs/4117465>).



2-расм. Уч йиллик Давлат инвестиция дастурларини шакллантириш ва тасдиқлашнинг янги тартиби<sup>6</sup>.

Янги жорий қилинган тартиб, ҳудудларни ривожлантириш концепцияларини тўлақонли амалга ошириш, улардаги ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилма ҳолатини яхшилаш, туман ва шаҳарларни мутаносиб ва комплекс ривожлантириш ва режалаштириш имкониятини ярадади.

Экологик вазият мураккаб, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси паст бўлган ҳудудларни қўллаб-қувватлаш. Давлат томонидан олиб борилаётган ҳудудий сиёсатнинг муҳим йўналишларидан бири ривожланганлик даражаси паст ҳудудларни қўллаб-қувватлаш, кўшимча молиявий ресурслар ажратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Масалан, иқлим ва экологик шароити мураккаб ҳудудларни (Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти) қўллаб қувватлаш, улар аҳолисининг турмуш шароитлари ва сифатини яхшилашга йўналтирилган 2017-2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш Давлат дастури қабул қилинган бўлиб,

у қуйидаги йўналишларни ўз ичига қамраб олган:

- ҳудуд иқтисодиётига инвестициялар жалб қилиш, янги иш ўринлари яратиш;

- сув таъминоти тармоқларини янгидан қуриш ва модернизация қилиш;

- соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш;

- арзон уй-жойлар қуриш бўйича чора-тадбирларни жадаллаштириш ва зарурий коммуникациялар билан таъминлаш;

- қурилиш ишларини комплекс олиб бориш, болалар ва спорт майдончалари қуришни назарда тутиш;

- аҳоли пунктларини зарур инфратузилма билан таъминлаш ва уларнинг сифатини ошириш ва бошқалар<sup>7</sup>.

Ушбу ҳудудларни ривожлантириш, Давлат дастурида белгиланган вазифаларни сифатли бажариш мақсадида ҳар йили тасдиқланган давлат бюджети параметрларида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 2019 йилда ушбу мақ-

садлар учун жами 320,0 млрд сўм маблағ йўналтирилиши ҳамда 279 та объектни қуриш ва реконструкция қилиш белгиланган<sup>8</sup>.

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурини шакллантириш ва амалга оширишнинг сифат жиҳатидан янги тизимга ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5717-сонли фармони (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.05.2019 й., 06/19/5717/3132-сон, <http://lex.uz/docs/4336166>) асосида муаллифлар томонидан тузилди.

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 январдаги “2017-2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш Давлат дастури тўғрисида”ги ПҚ-2731-сонли Қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 4-сон, 49-модда, 20-сон, 354-модда, 35-сон. <http://lex.uz/docs/3099705>

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4067-сонли қарорининг 9-илоvasи. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.12.2018 й., 07/18/4067/2354-сон (<http://lex.uz/docs/4117465>)

Умуман олганда, яқин келажакда ҳам қолақ худудларни қўллаб-қувватлаш давлат худудий сиёсатининг муҳим йўналиши бўлиб қолади.

**Худудий ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш<sup>9</sup>.** Мамлакатимизда худудларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан тараққий эттириш, уларнинг алоҳида тармоқ ва соҳасини ривожлантиришга йўналтирилган дастурлардан кенг фойдаланиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган худудларни ривожлантиришга қаратилган дастурлар 2 та, яъни худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва уларнинг алоҳида тармоқ ёки соҳаларини ривожлантириш йўналишларида қабул қилинган. Ислохот йилларининг дастлабки босқичида (1991-2015 йиллар), асосан, худудларнинг алоҳида тармоқ ва соҳаларини ривожлантиришга қаратилган дастурлар қабул қилинган (жами худудий дастурларнинг 70 фоизи). Ушбу даврда худудларнинг саноат салоҳиятидан оптимал фойдаланиш ва уни ривожлантиришга кўпроқ эътибор қаратилган. Масалан, 2008-2012 йилларда Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш, 2009-2012 йилларда Наманган вилоятида саноат, кичик бизнес, тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш, Наманган ва Фарғона вилоятларида автомобилларга бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш, Навоий ва Жиззах вилоятининг минерал хомашё салоҳиятидан самарали фойдаланиш, 2013-2015 йилларда Хоразм вилоятининг саноат салоҳиятини ривожлантириш, енгил автомобиллар ишлаб чиқаришни ташкил этиш, Қашқадарё вилоятида тўқимачилик маҳсулотларини ва Тошкент вилоятида тиббиёт маҳсулотлари

ишлаб чиқаришни ташкил этиш, 2015-2017 йилларда Сурхондарё ва Сирдарё вилоятларининг саноат салоҳиятини ривожлантириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг қатор қарорлари қабул қилинди.

Ушбу босқичда худудларнинг туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш, ички ва ташқи туризмни янада ривожлантириш мақсадида Тошкент, Хоразм, Қашқадарё вилоятларида ушбу соҳага кенг имкониятлар яратиш мақсадида бирқанча чора-тадбирлар амалга оширилди.

Мазкур даврда мамлакатимиз худудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган дастурлар, чора-тадбирлар ҳам қабул қилинди. Жумладан, 1998-2000 йилларда Наманган вилояти, 1999-2001 йилларда Хоразм вилояти, 2008-2012 йилларда Сурхондарё вилояти, 2009-2010 йилларда Навоий вилояти, 2011-2012 йилларда Пискент ва Охангарон туманлари, 2015-2018 йилларда Оролбўйи минтақаларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилган қатор ҳукумат қарорлари қабул қилинди.

Ушбу дастурларнинг энг катта камчилиги, уларни ишлаб чиқишда тизимли ёндашилмаган. Минтақаларнинг ўзига хос ресурс салоҳияти, маҳаллий ўсиш имкониятлари ва ихтисослашуви, худудлараро иқтисодий алоқалар ва кооперация масалаларига етарли даражада эътибор қаратилмади. Лекин ушбу дастурлар 2016 йилдан бошлаб худудий дастурларни ишлаб чиқиш орқали уларни ривожлантириш янги босқичга чиқди, яъни дастурлар ишлаб чиқиш ва уларни қабул қилиш жадаллашди. Худудий ривожланиш дастурларининг давомийлиги ўрта муддатларга (3-5 йил) мўлжалланган. Ш.М.Мирзиёев мамлакатимиз Президенти этиб сайлангандан кейин, сайловолди дастурларида белгиланган вазифаларни бажариш ҳамда аҳоли билан учрашувларда кўтарилган муаммоларни самарали ва тез ҳал қилиш мақсади-

да ислохотлар янги даврнинг дастлабки йилларида Қорақалпоғистон Республикаси, ҳар бир вилоят ва Тошкент шаҳри бўйича ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Дастурлар худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга доир кўшимча чора-тадбирларни ўз ичига олган бўлиб, 2017-2021 йилларни камраб олган.

Бундан ташқари, 2016-2019 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда алоҳида туманлар ва шаҳарлар бўйича уларни комплекс ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ёки уларнинг алоҳида тармоқларини ривожлантиришга қаратилган 110 дан ортиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукуматининг қарорлари қабул қилинди.

**Худудларни ривожлантириш концепцияси ва стратегияларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.**

Мазкур дастак стратегик режалаштиришнинг муҳим воситаси ҳисобланиб, худудларни узоқ муддатли стратегик тасаввурлар, устувор йўналишлар, мақсадли кўрсаткичларни белгилаш ва шу орқали комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожланишини бошқариш ва тартибга солишга йўналтирилган. Мамлакатимизда ислохот йилларининг дастлабки босқичида узоқ муддатга мўлжалланган худудий концепция ва стратегиялар ишлаб чиқишга деярли эътибор қаратилмади. Айрим худудларни (Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Сурхондарё, Қашқадарё, Хоразм, Тошкент вилоятлари) ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегиялари Прогнозлаштириш ва макро-иқтисодий тадқиқотлар институти томонидан хорижий ташкилотлар ҳамкорлигида ва бошқа ҳамкорлар иштирокида ишлаб чиқилди. Бироқ, улар ҳуқуқий ҳужжат шаклида қабул қилилмади. Ислохотларнинг янги босқичида худудий сиёсатга давлат сиёсати сифатида қаралаётгани натижасида худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожланти-

9 Бунда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Ҳукумати томонидан қабул қилинган 150 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ўрганилди.

риш концепцияси ва стратегияларини ишлаб чиқиш жадаллашди. Бундан ташқари, инвестиция дастурларини шакллантиришда, биринчи навбатда, худудни ривожлантириш концепциясига кирган лойиҳаларни инобатга олиш вазифаси қўйилди<sup>10</sup>. Худудларни узоқ муддатли ривожлантириш концепция ва стратегияларининг мавжудлиги қуйидагиларга кенг имкониятлар яратади:

- туман ва шаҳарларнинг ривожланиш тенденциялари аниқланади, улар иқтисодийнинг устунлик, камчилик, имкониялари ва хавф-хатарлари, табиий-иқтисодий салоҳияти, вилоятнинг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни ва ҳолати баҳоланади;

- хорижий инвестициялар ҳамда халқаро грантларни худуд иқтисодиётига кенг жалб қилишни жадаллаштиради;

- давлат ва хусусий сектор вакилларида худуд иқтисодиёти ҳолати, салоҳияти ва келажиги тўғрисида умумий тасаввур пайдо бўлади;

- республика даражасида ва ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган лойиҳалар, чора-тадбирларни танлашга асос яратилади;

- худуд иқтисодиётини бошқариш, ижтимоий-иқтисодий ва мутаносиб ривожланишини тартибга солиш, худудий сиёсатни амалга оширишда муҳим восита бўлиб хизмат қилади ва бошқалар.

### **Махсус зоналар ташкил қилиш ва ривожлантириш.**

Ишлаб чиқаришни ташкил этиш худудлар имкониятидан самарали фойдаланиш ва ривожлантиришнинг амалиётда кенг фойдаланиладиган усуллардан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда махсус зоналарнинг 2 шакли, яъни эркин иқтисодий

зоналар ва кичик саноат зоналари кенг қўлланилмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда жами 20 дан ортиқ эркин иқтисодий зоналар фаолият олиб бормоқда, уларнинг умумий ер майдони 15,2 минг гектарни ташкил этиб, қиймати 1,2 млрд АҚШ доллари бўлган 200 га яқин лойиҳалар ишга туширилган. Натижада уларда 13,6 мингга яқин иш ўринлари яратилиб, аҳоли турмуш даражасини яхшилашга хизмат қилмоқда.

Ислохот йилларида ташкил этилган эркин иқтисодий зоналарни таҳлил қиладиган бўлсак, дастлабки босқичда уларнинг сони фақат 3 тани ташкил этган. Ушбу босқичда улар фаолият юритишининг ҳуқуқий асоси яратилган. 1996 йил 25 апрелда “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниб, мазкур зоналарнинг фаолият юритиши, уларни ташкил этиш, тугатиш ва бошқариш тартиби ва бошқа ташкилий ва амалий ишлар тўғрисида кенг маълумотлар келтирилган<sup>11</sup>.

2016 йилдан бошлаб худудлар салоҳиятидан оқилона фойдаланиш ва юқори технологиялар асосида саноат ривожланишини жадаллаштириш мақсадида эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари ташкил этиш ва уларни ривожлантиришда янги босқич бошланди. Мазкур зоналар фаолиятининг ҳуқуқий асослари-

11 “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 220-сонли Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг ахборотномаси, 1996 йил, 5-6-сон, 58-модда. <http://lex.uz/m/acts/2046>  
12 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 октябрдаги “Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари фаолияти самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3356-сонли Қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.10.2017 й., 07/17/3356/0179-сон. <http://lex.uz/docs/3392861>; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 декабрдаги “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5600-сонли Фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 21.12.2018 й., 06/18/5600/2357-сон. <http://lex.uz/docs/4117767>

ни такомиллаштириш ва бошқариш тизимини соддалаштириш ҳамда қўшимча имтиёзлар бериш бўйича ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди<sup>12</sup>. Натижада, мамлакатимизда фаолият юритаётган эркин иқтисодий зоналар сони 20 дан ошди, кичик саноат зоналари сони эса 168 тага етди. Кичик саноат зоналарида умумий қиймати 8,7 трлн сўм бўлган 2 мингга яқин лойиҳалар жойлаштирилди.

Кластерлар ташкил этиш ва ривожлантириш. Худудлар иқтисодиётини ривожлантириш, уларнинг қишлоқ хўжалик салоҳиятидан самарали ва тўлиқ фойдаланиш, шу жойдаги аҳоли бандлигини таъминлашда ташкил этилаётган кластерларнинг ўрни муҳим, албатта. Амалиётда кластерларнинг агрокластер, курилиш материаллари кластери, балиқчилик кластери каби шакллари кенг тарқалган. Бугунги кунда мамлакатимизда агрокластерлар ташкил этилиб, уларнинг фаолияти ривожланиб бормоқда. Кластерларнинг пахта толасини ўзимизда тўлиқ қайта ишлаш, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларни экспорт қилишдаги ўрни хусусида Президентимиз Ш.Мирзиёев 2018 йил 12 сентябрда ўтказган йиғилишда “...шунинг учун кластерлар фаолиятига ҳар томонлама ёрдам беришимиз зарур. Пахтачиликда қишлоқ хўжалигининг келажиги, унинг иқтисодий самарадорлиги кластерлар билан боғлиқ. Кластерлар аграр соҳани жадал ривожлантиришнинг “локомотиви” бўлиши керак...”<sup>13</sup>, деб алоҳида таъкидладилар.

Мамлакатимизда, 2019 йил 1 июль ҳолатига жами 126 та агрокластерлар фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, уларга 642,5 минг гектар ер майдонлари ажратилган. Уларнинг асосий қисми пахта-тўқимачилик (71 та ёки 56,3%) соҳасида ташкил этилган бўлиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда катта аҳамият касб этмоқда. Мамлакатимиз

13 <https://president.uz/uz/lists/view/2024>

10 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурини шакллантириш ва амалга оширишнинг сифат жиҳатидан янги тизимига ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5717-сонли фармонининг 1-банди. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.05.2019 й., 06/19/5717/3132-сон.



худудларида 46 та мева-сабзавотчилик кластерлари ҳам ташкил этилган бўлиб, улар томонидан тайёр маҳсулот етиштириш, сақлаш ва экспорт қилиш ишлари амалга оширилмоқда (2-жадвал).

2-жадвал

**Мамлакатимизда фаолият юритаётган агрокластерлар (2019 йил 1 июнь ҳолатига)<sup>14</sup>.**

Т/р	Худудлар номи	Агрокластерлар			ш.ж. пахта-тўқимачилик		
		Сони	Ер майдони, га	Иш ўрни, нафар	Сони	Ер майдони, га	Иш ўрни, нафар
Although the positive impacts of Uzbekistan's digital transformation have been apparent during the COVID-19 pandemic, there are also multiple directions for improvement. Internet access is uneven across Uzbekistan, while the digital economy contributes just 1.8% to the national GDP. 70% of 700 government information systems are not integrated with the e-government platform, and only 27 agencies provide services through the national public service delivery framework<sup>2</sup>.

Currently, Uzbekistan has low access to information and communication technologies, in terms of the use of ICT Uzbekistan in 2017 is the 95th country in the world among 176 countries in the ranking according to the ICT Development Index (IDI). According to the Telecommunications Infrastructure Index, Uzbekistan is ahead of only Turkmenistan and Tajikistan among the CIS countries, and with an indicator of 0.3307 it lags behind Russia, Belarus and Kazakhstan by almost 2 times<sup>3</sup>.

**Although the positive impacts of Uzbekistan's digital transformation have been apparent during the COVID-19 pandemic, there are also multiple directions for improvement. Internet access is uneven across Uzbekistan, while the digital economy contributes just 1.8% to the national GDP. 70% of 700 government information systems are not integrated with the e-government platform, and only 27 agencies provide services through the national public service delivery framework.**

The low degree of development of the telecommunications infrastructure in the Republic of Uzbekistan (the Internet speed in the country is 4 times lower than in Russia - the leader among the CIS countries, insufficient broadband Internet coverage, low level of mobile Internet penetration) hinders the widespread use of electronic services by the population and business, efficiency and the effectiveness of innovation.

There are also legislative problems. Thus, the lack of a digital base of international treaties leads to the fact that their provisions are not always taken into account when developing legislative acts. In turn, the undeveloped telecommunications infrastructure and shortcomings in the digitalization of the legislative framework impede business access to legislative acts and hamper the creation of innovative management systems, marketing, manufacture of new and unique products.

The digital progress of the country, according to experts, is constrained by a low level of public confidence in digital documents and services, lack of highly qualified specialists in the field of digital technologies, inefficiency and insufficient government funding for digital projects.

Despite above mentioned obstacles, Uzbekistan has been actively digitalizing most of industries. With an eye to the current situation, along with other adopted regulatory documents, in March 2020, President Shavkat Mirziyoyev signed a Resolution "On measures for the widespread introduction of digital technologies in the city of Tashkent." The document provides for the priority attraction of residents of the Technological Park of Software Products and

2 UNDP. (2020, September 18). Discussion of Uzbekistan's digital potential in view of the pandemic outbreak. Retrieved from <https://www.uz.undp.org/content/uzbekistan/en/home/presscenter/pressreleases/2020/09/discussion-of-uzbekistans-digital-potential-in-view-of-the-pande.html>

3 Кутбитдинов Ю., Узбекистан оцифровывается. Экономическое обозрение, 10 (238), с. 61-67. [Kutbitdinov Yu., Uzbekistan is being digitized. Economic Review, 10 (238), P.61-67.]// Retrieved from <https://review.uz/post/uzbekistan-otsifrovivayetsya>





Information Technologies (IT-Park), which has incorporated 350 domestic enterprises, to the implementation of the comprehensive program Digital Tashkent. The program is aimed at digitalizing municipal services management, creating an integrated information environment for social facilities, industrial, road transport and utilities infrastructure, with the subsequent spread of successful experience to other regions of the republic.

The Digital Tashkent program is a follow-up of the initiatives the President put forward in his Address to the Oliy Majlis on January 24, when he announced 2020 as the Year of Science, Education and Digital Economy. The initiative has turned out to be unprecedentedly forward-looking and timely when a month later the world was gripped by a pandemic, and digitalization strategies for the economy, especially education and health, became the only way to keep

working, protect the population, and save people.

Innovative projects under the Digital Tashkent program 2020-2021 cover key areas, including health, education, public administration, utilities, trade, tourism, urban geosystems, construction, and even environmental protection. The program is ambitious - it is planned to introduce e-government, e-polyclinics and hospitals, medical appointments and prescriptions, digitize registration of patients and medical staff, a Mahalla system, air control system, price control in the markets, and many other innovative solutions.

Having quickly navigated in an unprecedented situation, Uzbekistan is now fully applying distance education, electronic accounting of utilities, electronic banking, the list of electronic public services for citizens (currently 130 types) is updated monthly, ministries and departments daily interact with each other through videoconferencing.

According to UzDaily the number of Internet users has grown to 22 million, including 19 million mobile Internet users. The number of users using Internet services through fixed communication systems is 3 million<sup>4</sup>.

Moreover, as of October 1, 2020, the number of mobile subscribers in Uzbekistan made up 24.8 million<sup>5</sup>. However, the share of IT-specialists among the employed population was 0.5% in 2019, which is almost seven times less than, for example, the average for the EU countries (3.7%). At the same time, the demand for IT-specialists in the country is growing rapidly, and the shortage of personnel in this area can lead to

4 UzDaily. (2020, April 20). Demand for Internet services grows in Uzbekistan. Retrieved from <https://uzdaily.uz/en/post/56253>

5 Uzreport. (2020, November 11). Number of mobile subscribers in Uzbekistan up by almost 7%. Retrieved from <https://uzreport.news/society/number-of-mobile-subscribers-in-uzbekistan-up-by-almost-7->

negative consequences both for the private sector and for effective public administration.

Studying foreign experience in digitalization, along with other developed countries, Chinese experience worth to mention, which, with its huge human and financial resources, claims the status of an innovative power and technology leader through active promotion of digital economy at the state level over the past years. Digitalization in China is a key driver of national economic development today<sup>6</sup>.

It is digital technologies that have made ample contribution in curbing coronavirus in China. To combat the epidemic, the authorities of the Celestial Empire triggered the latest IT products. A system of quantitative analysis of medical images by means of artificial intelligence was developed to help diagnose pneumonia caused by the new coronavirus. The artificial intelligence system has also been a help for recognizing people with fever or without a medical mask. The country has launched a mobile application that identifies if the user has been in close contact with a carrier of the deadly virus over the past 14 days, and if a user has symptoms of coronavirus infection. Patrol robots and sprayer robots service the streets, self-driving vehicles deliver food and medicines, and drones treat houses with antiseptics. COVID-19 has accelerated digitalization in China's medical and industrial sectors as the country recovers from the virus outbreak<sup>7</sup>.

According to experts the speed with which China has mitigated the impact of COVID-19 – from the identification of the first case, to outbreak, to containment, to the resumption of “normal” way of life—is

unprecedented. Digital business models and new technologies have played and continue to play an important role in the country's success<sup>8</sup>.

Moreover, in today's rapidly changing realities in the context of a pandemic, many countries have switched to active use of artificial intelligence, which is considered the best indicator of digital development. Therefore, in some countries, creation of smart cities begins with digitalization of the government itself, and then proceeding with programs and initiatives on the transition to a digital form of information transfer to other areas of life. For instance, in the UK, Denmark and Singapore, where the process of interaction between business, public and government agencies is almost 98 percent maintained through online services, mobile applications and innovative software.

President Shavkat Mirziyoyev's Decree on October 5, 2020 has approved countries Strategy “Digital Uzbekistan – 2030” and “Roadmap” for its implementation. According to the document from August 1, 2021, all state mandatory payments, including duties, fees, and fines will be made online. Within the framework of the Presidential Decree Digital Uzbekistan - 2030, over 400 information systems, electronic services and other software products in various areas of socio-economic development will be carried out automatically<sup>9</sup>.

As part of the implementation and further improvement of the comprehensive the Strategy “Digital Uzbekistan – 2030”, the first priority is

close interaction between government bodies and business entities, which will contribute to the formation of a solid and perfect organizational and legal basis for the introduction of innovative ideas, technologies and business.

The second priority can be to actively stimulate IT students to initiate innovative projects by the example of the large-scale initiative “One Million Uzbek Coders” to shape a generation of digital specialists with programming skills, with new thinking.

Third, in order to facilitate and improve the efficiency of doctors in the fight against the epidemic, it is advisable to study the effective experience of developing countries and their innovative developments, and adapt them as quickly as possible to the healthcare system of Uzbekistan.

Fourth, at the initial stage, the Republic needs foreign experience and experts who would help adapt the best international practices to the conditions of Uzbekistan, and improve them at further stages.

The digital economy and digital technologies are the driving locomotive during the crisis and structural reforms in the telecommunications sector would contribute to the accelerated development of digitalization in various areas such as education, telemedicine and employment. And also, digitalization will be able to maintain consistency in the functioning of the business activity of local firms and companies, attract significant volumes of private investment to create open, competitive markets for telecommunications services, in which the private sector plays a significant role.

In the context of a global pandemic, the development of the digital economy and digital technologies have become the catalyst for all innovative solutions. The IT sector opens up a huge field of opportunities that need to be used for the prosperity of the nation and state.

6 Yin, Z., Gong, X., Guo, P., & Wu, T. (2019). What drives entrepreneurship in digital economy? Evidence from China. *Economic Modelling*, 82, 66-73.

7 Xinhua. (2020, October 13). Digital tech assumes greater role in post-coronavirus China. Retrieved from [http://www.xinhuanet.com/english/2020-10/13/c\\_139435251.htm](http://www.xinhuanet.com/english/2020-10/13/c_139435251.htm)

8 Hah, R., & Jiang, Y. (2020, April 3). How China is using digital and technologies to combat COVID-19. Retrieved from [https://www.accenture.com/\\_acnmedia/PDF-121/Accenture-How-China-is-Using-Digital-and-Technologies-to-Combat-COVID-19.pdf#zoom=40](https://www.accenture.com/_acnmedia/PDF-121/Accenture-How-China-is-Using-Digital-and-Technologies-to-Combat-COVID-19.pdf#zoom=40)

9 Uzreport. (2020, October 7). Mirziyoyev intends to create “Digital Uzbekistan” by 2030. Retrieved from <https://www.uzreport.news/technology/mirziyoyev-intends-to-create-digital-uzbekistan-by-2030>



## Иқтисодий ўсишни барқарорлаштиришда рақамли иқтисодиётни йўлга қўйиш истиқболлари

Раҳмонжон  
ЭГАМБЕРДИЕВ,  
Иқтисод фанлари номзоди  
Наманган муҳандислик-  
технология институти доценти

**Аннотация:** республикамызда 2017 йилда қабул қилинган Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш шароитида мамлакатнинг рақобатбардошлигини ошириш, иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, инновацияларни кенг жорий этиш ва шулар асосида ресурслардан оқилона фойдаланиш рақамли иқтисодиётни шакллантириш омилларидадир. Чунки бошқарувда рақамли технологияларни кенг қўллаш, мамлакатимизда электрон ҳукумат тизимини жорий этиш муаммоси ижтимоий ривожланишининг кўп вариантлиги ва муқобиллигини эътироф этишига асосланган.

**Калит сўзлар:** ахборот, рақамли иқтисодиёт, тенденция, виртуал валюталар, ривожланиш, консултатив инжиниринг, технологик инжиниринг, комплекс инжиниринг

**Аннотация:** одним из факторов формирования цифровой экономики является повышение конкурентоспособности страны, повышение её экономического потенциала, внедрение инноваций и эффективное использование ресурсов на основе реализации принятой 2017 году Стратегии развития в нашей стране. Поскольку широкое использование цифровых технологий в управлении, проблема внедрения электронного правительства в нашей стране основана на признании альтернативы социального развития.

**Ключевые слова:** информация, цифровая экономика, тенденция, виртуальные валюты, развитие, консултативный инжиниринг, технологический инжиниринг, комплексный инжиниринг.



**Abstract:** *One of the factors in the formation of the digital economy is to increase the country's competitiveness, increase its economic potential, introduce innovations and use resources efficiently based on the implementation of the Action Strategy adopted in 2017 in our country. Since the widespread use of digital technologies in management, the problem of introducing e-government in our country is based on the recognition of an alternative to social development*

**Key words:** *Information, digital economy, trends, virtual currencies, development, consulting engineering, technological engineering, complex engineering.*

Жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг барча соҳаларига ахборот коммуникацион технологиялар (АКТ)нинг сўнгги ютуқларини амалиётга жорий этилиши соҳалар ривожини тезлашувига ўзининг салмоқли хиссасини кўшмоқда.

Бугунги кунда “ахборотлаштириш”, “компьютерлаштириш”, “электрон ҳуқуқат”, “электрон бошқарув”, “очиқ таълим”, “ақлли уйлар”, “ақлли шаҳарлар” каби атамалар фаолиятимизда қўлланилмоқда. Кундалик турмушимиз ва барча соҳаларда ахборот тизимлари ва технологияларидан фойдаланиш кўлами кундан кунга ортмоқда. Уларни лойиҳалаштириш, яратиш, ишга тушириш ва кенг қўллашдан мақсад – жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий тараққиётда вужудга келадиган айрим муаммоларни ҳал этиш ва меҳнат самарасини янада оширишдан иборат.

Рақамли иқтисодиёт – ишлаб чиқаришнинг асосий омили сифатида рақамли маълумотлар, рақамли бошқарув, рақамли тўловлар, рақамли тижорат бўлиб, такрор ишлаб чиқаришнинг фазаларини бошқаради, назорат қилади. Рақамли иқтисодиётни инсонлар яратади, рақамли иқтисодиёт эса одамларнинг оғирини енгил, ҳаётини фаровон қилади, савдо-сотигини яхшилади, харажатларини камайтиради, манфаатларини оширади ва ниҳоят иқтисодий ўсишни барқарорлаштиради.

Рақамли иқтисодиётнинг яна бир хусусияти шундаки, жамиятнинг тўхтовсиз ўсиб бораётган эҳтиёжларини иқир-чикиригача, тўлалигача аниқ ўлчаш билан бирга келажакдаги ўзгаришларни башорат қила олади. Иқтисодиётнинг барча субъектлари ва объектлари эҳтиёж-

лари рақамли компонентга эга бўлади. Рақамли иқтисодиёт тузилмасида ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар, сотувчилар ва харидорлар муносабатлари “рақамли” муҳитга асосланади. Аниқроғи, мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларни бориши очиқ ошқора бўлади, яширин иқтисодиётга барҳам берилади.

Инсоният глобал ўзгаришлар даврига кирди. Яқин келажакда унинг ҳаётий фаолияти, иқтисодиёти ва бошқаруви, фан ва техниканинг асосий соҳалари янги шакл ва мазмунга эга бўлади. Инсон тафаккури дунёқараш ижтимоий муносабатларнинг ўзгаришига олиб келади. Рақамли технологияларнинг, рақамли сўзлашувларнинг ҳаётга кириб келиши келажакдаги дунё мамлакатлари ривожининг ўзига хос хусусиятларидан биридир. Бу микроэлектроника, ахборот технологиялари ва телекоммуникация соҳаларидаги тараққиётга боғлиқ бўлади. Шундай қилиб рақамлаштириш объект муқаррар жараёндир ва уни тўхтатиш мумкин эмас.

Рақамли иқтисодиётнинг вужудга келиши янги ахборот технологияларини ривожлантириш билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, бу икки жараённи бир-бирдан алоҳида муҳокама қилиш мумкин эмас. Бизнинг фикримизча, ахборот технологияларни ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, рақамли иқтисодиётни яратиш учун зарур бўлган асосдир. Тадқиқотимизнинг ахборот базаси этиб Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ва Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитасининг материаллари олинди. Тадқиқотда мантиқий таққослаш, дедуктив ва индуктив усуллари, динамик қаторларни статистик

усуллар ёрдамида қайта ишлаш, корреляцион регрессион таҳлил кенг қўлланилди.

Миллий бозорларнинг ривожланиб, халқаро иқтисодий тизимларга кириб боришини электрон бизнес сиз тасаввур қилиб бўлмайди. Яъни, кенг маънода замонавий ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланмасдан савдо операцияларини, яъни товарга буюртма бериш, тўловларни амалга ошириш, товарларни истеъмолчиларга етказиб бериш, савдо хизматларини кўрсатиш каби ишларни бажариб бўлмайди. Шу ўринда электрон бизнесдан чакана ва улгуржи савдо, савдо биржаларида кенг қўламда фойдаланилади. Электрон тижорат усуллари кенг қўлланилиши интернет-технологиялар электрон-логистика, электрон тўловлар электрон шартномалар кўринишида намоён бўлмоқда. Шу маънода электрон бизнес замонавий АКТ хизматларидан савдо-сотиқ жараёнида унумли фойдаланишини англатади.

Рақамли иқтисодиёт бу интернет иқтисодиёти, электрон бизнес ва электрон тижорат ёрдамида ишлаб чиқилган ва сотилаётган рақамли технологияларга асосланган иқтисодий фаолиятдир. Бу ерда товарлар ва хизматлар электрон формада сотилади. Рақамли иқтисодиётда хизматлар ва товарлар учун тўловлар кўпинча электрон пулларда рақамли банклар орқали амалга оширилади. Виртуал (рақамли) электрон валюта – пул сифатида муомалага киритилади, улар моддий эквивалентга эга бўлмаган нақд тангалар ва маълумотлар базасидаги кодлар жамланмасидир. Ҳозирда машҳур криптовалюта пуллар Bitcoin, Ethereum, Ripple, IOTA, Bitcoin



Cash, Stellar, Monero ва Litecoinлар ҳисобланиб, улар блокчейн номини олган (блоклар занжири).

2019 йилда АКТ товарларининг жаҳон экспортидаги улуши катта бўлган давлатлар кетма-кетлиги куйидагича кўринишга эга Хитой, Япония, Жанубий Корея, АҚШ. Хозирги вақтда Хитой ва Японияда UniCredit Santander ва UBS каби молиявий гигантлар виртуал пулларда актив ҳамкорлик қилмоқдалар. Ripple ўзининг 8 млрд. долларлик капиталлашувига эга. Кейинги виртуал пул Iota бўлиб, бу рақамли пул асосан интернет буюмларини ишлаб чиқаришда муомала воситаси ҳисобланади. Iota билан савдо қилиш асосан Bitfinex биржасида бўлади, унинг капиталлашуви 3 млрд. долларга тенг. Яна бир виртуал пул Litecoin бўлиб, “рақамли қумуш” номини олган, унинг ҳар бир тангаси 50 долларга тенг бўлмоқда. Шунинг ҳам айтиш керакки бу вирту-


ал пулларга бирор бир давлат ёки компания, ташкилот жавобгар эмас. Бу виртуал пуллар ҳеч қандай моддий эквивалентга эга эмас, шунчаки маълумотлар базасидаги кодлар жамламасидир. Бир биткоин бир ҳамёндан иккинчи ҳамёнга қанча пул кетганини ёки келганини кўрсатувчи воситадир. Сиз биткоинлар олди сотгисини кўришингиз мумкин, бунинг учун Сиз криптовалюталар тармоғига уланишингиз керак. Виртуал пулларнинг яратилишида маълум қонун-қоидалар қўлланилган. Пуллар инфляцияга учрамаслиги учун уларнинг миқдори қатъий чекланган.

Инновацион ривожланиш даврида рақамли иқтисодиётнинг ҳиссаси ортиб бормоқда. Айниқса, Хитойда рақамли иқтисодиёт тез ривожланиб борапти. Масалан, **Алибаба+Али-экспресс (Alibaba, Ali Express)**, Тансет ва Хиаоми компаниялари жаҳонда рақамли иқтисодиёт муҳи-тида етакчи бўлиб туришибди. Улар

жаҳон бозорига рақамли товар ва хизматларни экспорт қилишда олдинда бормоқдалар. “Рақамли иқтисодиёт” кўп қиррали фаолият бўлиб унда рақамли ахборот ва билимлар ишлаб чиқаришнинг асосий омили сифатида қўлланилади ва самарадорликни оширишнинг асоси сифатида АКТ қўлланилади [5,7].

2019 йилда Хитой аҳолисининг мобил тўловлари 1280 млрд. долларни ташкил этиб, АҚШга қараганда 11,8 баробар кўп бўлди. Хитойда мобил технологиялардан фойдаланиб бизнес юритиш оммавийлашган. Буларнинг сабаби Хитойда рақамли бизнес учун рақобат муҳитининг мавжудлиги, қолаверса давлатнинг рақамли иқтисодиёт соҳасига берган имтиёзлари ва ниҳоят электрон бизнеснинг катта бозори мавжудлигидир.

2019 йил якунига кўра, дунёнинг етакчи гигантлари йиллик даромадлари бўйича куйидагича тартибда жойлаштирилган эди:



1-расм. Бугун дунёда интернет, интернет сервис ва дастурий таъминот, электроника ва АКТ маҳсулотлари ишлаб чиқариш, ижтимоий тармоқлар ва интернет рекламаси, конгломерат, ижтимоий тармоқлар ва ахборот алмашинуви ҳамда турли ўйинлар ишлаб чиқариш, мобил тижоратлар, онлайн аукцион ва онлайн пул алмашинуви, фармацевтика ва дори-дармон маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда инвестиция ва тижорат банклари хизматлари билан “лидер” бўлган дунёга машхур компаниялар кетма-кетлиги.

Кейинги ўн йилликда Хитой ва Ҳиндистоннинг жаҳонда электрон тижорат транзакцион ҳаражатлардаги салмоғи 40 фоизга ошди. Айниқса, бугун Хитойнинг интернет тижорат транзакциялари Франция, Германия, Япония, Буюк Британия ва АҚШникидан (биргаликда олинганда) кўпдир. Хитойда 2018 йилда 801 млн. интернет хизматидан фойдаланувчилари бўлиб, ундан 700 млн.га яқини мобил технологиялардан фойдаланиб бизнес юритадилар [5.6].

2018 йилги Жаҳон банкининг рақамли иқтисодиётга мослашиш индексида (Digital Adoption Index) Хитой 131 мамлакатлар орасида 40- ўринни эгаллаган бўлса, Ҳиндистон эса 51-ўринни эгаллаб турибди. Бу давлатларда электрон бизнес муҳитида интернет тезлиги яхши таъминланган. Ривожланган давлатларда Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) таркибида рақамли иқтисодиётнинг ҳиссаси ортиб бормоқда, ўртача бу ўсиш 7 фоизга тенг бўлиб, Boston Consulting Group компанияси рақамли хизматлар миқдори 2,3 трлн. долларга тенг бўлса, катта G-20 давлатларида 4,1 фоизга тенг бўлган. 2030 йилларга бориб рақамли иқтисодиёт жаҳон ялпи ички маҳсулоти таркибида 40 фоиз улушга эга бўлади деб башорат қилинмоқда.

Савдо соҳасидаги АКТ хизматларидан, интернет хизматларидан фойдаланиш савдо операцияларидаги ҳаражатларнинг кескин камайишига, экспорт-импорт операцияларини содалаштиришга олиб келади ва булар куйидаги кўринишда бўлади: электрон аукционлар, савдо шоҳобчалари, интернет биржа, товар ва хизматлар каталоги, электрон рақамли банклар, электрон тижорат, мобил телефонлар ёрдамида савдо юритиш, электрон почталар, электрон маркетинг ва х.к. бу ерда электрон банклар мижозларга ҳисоб-рақамларини очишга ва турли хил молиявий операцияларни Web сайтлар ёрдамида бажаришга ёрдам беради. Электрон савдо бу виртуал иқтисодий муҳит бўлиб, интернет технологиялари ёрдамида электрон тўловларни амалга оширади.

Электрон бизнес кўринишлари: масофавий ўқитиш (e-education) тармоқ (сетевые) кутубхоналари хизмати, тиббий хизматларни, маслаҳатларни интернет орқали бериш (e-health), интернет-лизинг. Электрон бизнес жараёнида виртуал магазинлар суткасига 24 соат ишлайдилар ва харидор учун зарур маълумотларни бир дақиқа ичида тайёрлаб беради. Электрон савдода сотувчилар ва харидорлар интернет технологиялари ёрдамида учраша-

дилар ва келишув шартномаларини тузадилар.

“Рақамли дунё”да ижтимоий ва иқтисодий муносабатлар, компания ва фирмалар ўртасидаги савдо муносабатлар рақамли банкларнинг асосий фаолиятига айланади. Рақамли банклар ижтимоий тармоқлар орқали мижозлар билан “учрашади” ва мижозни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб беради, уларга хилма-хил хизматларни таклиф қилади, мақсадли кредитларни кичик фоизларда таклиф қилади. Ҳар қандай чекловлар йўқ бўлади. Рақамли банкларда мурожаат марказлари, банкоматлар, онлайн ва мобил банк хизматлари ишлаб турибди.

Банк тўлов тизимлари ҳамма қулайликларга эга Uber ва Starbucks карталарда амалга оширилади. Facebook ва Skype орқали банк хизматларининг барча турлари эълон қилинади. Мулоқот марказларида мижозларни қизиқтирган саволларга тезкор жавоблар берилади. Мижоз банкка савол бериш учун телефон қилади ва бир неча сония ичида жавоб олади. Банкларда мижозлар билан алоқа қилиш учун Facebook да махсус гуруҳ жамоаси ишлаб туради. Доимий мижозларга йиллик бонуслар таклиф қилинади.

Ҳозирги вақтга келиб корхоналар, компаниялар ва банклар хўжалик фаолиятини акс эттирувчи зарур маълумотларни файлларга киритиб электрон архивларда сақлашмоқдалар. Бу жуда қулай, ишончли ва хавфсиз, узоқ даврга маълумотларнинг дахлсизлигини сақлаб туради. Масалан, Россияда маълумотлар жамламаси корпоратив шаклда ЭТЛАС электрон библиотеказига жойланган.

Ҳозирда Ҳиндистонда (ICICI Bank), Туркияда (Akbank, Deniz Bank), Польшада (PKO Bank, mBank, Alior Bank), Украинада (ПриватБанк), Беларуссияда (Insync.by), Россияда (ЯндексБанк) мавжуд рақамли банклар кичик бизнес субъектларига сифатли ва ишончли хизматлар кўрсатиб келмоқда. Россия ва Беларуссия Ўзбекистон билан



хамкорликда рақамли банклар (7 та) ишга тушириш бўйича ишларни амалга оширмоқда.

2020 йилга келиб электрон ахборотлаштириш иқтисодиётнинг барча жабҳаларини қамраб олди. Электрон алоқа воситалари орқали давлат идоралари, бизнес мухит, шунингдек, ҳукумат ва унинг хизматлари истеъмолчилари – бизнес ҳамда аҳоли ўртасида ахборот ҳужжат айланиши таъминланади.

Электрон ахборот, мониторинг ва бошқарув тизимлари барча замонавий ишлаб чиқариш ва йирик хизмат кўрсатиш соҳалари, чунончи, аҳолининг электр, сув ва газ билан таъминлаш соҳалари қамраб олинади. Электрон бошқарув билан барча турдаги транспорт коммуникациялари, шу жумладан, умумдавлат ва давлатлараро автомобил йўллари таъминланади. Суғориладиган деҳқончилик тизимида электрон бошқарув жорий этилади.

Интеллектуал ғоя ва инновацияларни бошқариш кенг тарқалган ва жамоатчилик томонидан тан олинган зарурият бўлиб, Ўзбекистонда ҳам бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 ноябрдаги “Илмий-тадқиқот муассасаларининг инфратузилмасини янада мустаҳкамлаш ва инновацион фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3365-сон қарори бунга мисол бўла олади. Қарорда “Илғор олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари билан кичик инновацион корхоналарни яратиш орқали таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини мустаҳкамлаш” каби вазифаларнинг белгиланганлиги бу соҳада интеллектуал ғоя, билим ва инновацияларни бошқаришни тақомиллаштиришни талаб этади.

Корхоналар бизнес-жараёнини ташкил этишда моддий ресурсларни бошқаришнинг автоматлаштирилишидан сўнгги жараён бу номоддий ресурсларни ҳам бошқаришни автоматлаштириш ҳисобланади. Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлага-

  
**Интеллектуал ғоя ва инновацияларни бошқариш кенг тарқалган ва жамоатчилик томонидан тан олинган зарурият бўлиб, Ўзбекистонда ҳам бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 ноябрдаги “Илмий-тадқиқот муассасаларининг инфратузилмасини янада мустаҳкамлаш ва инновацион фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3365-сон қарори бунга мисол бўла олади. Қарорда “Илғор олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари билан кичик инновацион корхоналарни яратиш орқали таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини мустаҳкамлаш” каби вазифаларни белгиланганлиги бу соҳада интеллектуал ғоя, билим ва инновацияларни бошқаришни тақомиллаштиришни талаб этади.**

нидек “Бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги ғояга, инновацияга таянган давлат ютади<sup>1</sup>.”

Республикамизда 2017 йилда қабул қилинган Ҳаракатлар стратегиясини [1] амалга ошириш шароитида мамлакатнинг рақобатбардошлигини ошириш, иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, инновацияларни кенг жорий этиш ва шулар асосида ресурслардан оқилона фойдаланиш қабилар рақамли иқтисодиётни шакллантириш омилларидан ҳисобланади. Чунки бошқарувда рақамли технологияларни кенг қўллаш, мамлакатда электрон ҳукумат тизимини жорий этиш муаммосини, ижтимоий ривожланишнинг қўп вариантлилиги ва муқобиллигини эътироф этишга асосланган. Президентининг 2018 йил 19 февралдаги “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонининг қабул қилиниши ҳам соҳани жадал ривожлантиришни мақсад қилиб олинганлигини ифодалайди. Жумладан, ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасига хорижий инвестицияларни жалб этиш, тўғридан-тўғри сармоялар иштирокидаги лойиҳалар ҳиссасини ошириш зарурлиги, 2018 йилда камида 200 миллион АҚШ доллари, 2019 йилда эса инвестициялар, айниқса, тўғридан-тўғри сармоялар ҳажмини 500 миллион АҚШ долларига етказиш вазифаси қўйилган эди. Шунингдек, қарорда «Ўзбектелеком» компаниясининг нуфузини ошириш, «Ўзмобиёл» миллий мобиль алоқа операторини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлари белгиланган.

1 Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. -Т.: 2017 йил 22 декабр. <http://prezident.uz/uz/lists/view/1371>.





1-чизма. Ягона рақамли макон дастури

1-чизма. “Ягона рақамли макон дастури” тасвири. Келгусида жамиятни Электрон ҳукумат бошқаради, уни интернет ва интернет технологиялари орқали ягона портал ҳукуматидан фойдаланилган ҳолда амалга оширилади. Қоғозбозликка чек қўйилади.



2-чизма. Рақамли иқтисодиёт шароитида ахборот алмашинув модели.

1 – жадвал

Рақамли иқтисодиётнинг шаклланиш ва ривожланиш кўрсаткичлари (2018 йил).

Кўрсаткичлар	Ўзбекистон	МДҲ	Жаҳонда	XXP да
Стационар телефон алоқаси (ҳар 100 кишида)	12,3	20,7	13,6	14,7
Мобил алоқа (ҳар 100 кишида)	77,8	70,2	101,5	96,9
Фаол мобил тармоқ алоқаси (ҳар 100 кишида)	55,9	59,7	52,2	69,1
3 G доираси (умумий алоқага нисбати)	45,3	77,1	85	98
LTE/WiMAX доираси (умумий алоқага нисбати)	16,9	45,9	66,5	97



Мобил алоқа нархи (ЯМД нисбати)	2,3	1,7	5,2	0,6
Мобил тармоқ нархи 500МВ (ЯМД нисбати)	3,3	1,4	3,7	0,7
Мобил тармоқ нархи 1G (ЯМД нисбати)	16,7	3,1	6,8	1,1
Компьютер мавжуд бўлган хўжаликлар сони (ҳар 100 хўжаликдан)	43,9	67,4	46,6	52,5
Интернетга уланган хўжаликлар фоизи	75,4	68	51,5	55,5
Интернетдан фойдаланувчилар фоизи	46,8	65,1	45,9	53,2
Фойдаланувчи учун интернет тармоқ тезлиги (килобайт/секунд)	7,7	59	74,5	14,7

Манба: <http://www.itu.int/eng/ITU-D/>.

Жадвал маълумотларидан кўри-  
ниб турибдики, республикамизда ах-  
борот коммуникация технологияла-  
ри ва интернет тизимини ривожлан-  
тиришга берилган катта эътибор  
туфайли соҳа тез ривожланмоқда.  
Аммо интернет тармоғининг тезли-  
ги, мобил алоқа ва мобил тармоғи  
нархи, мобил алоқа мавжудлиги  
бўйича жаҳонда ва мустақил давлат-  
лар ҳамдўстлигида орқада қолмоқда.  
Провайдерлар ва операторларнинг  
асосий қисми Тошкентда жамлан-  
ган бўлишига қарамай, республика  
худудларида, уларнинг сони мут-  
тасил ошиб бориши кузатилмоқда.  
Бу эса бозорнинг ушбу сегментида  
рақобатнинг кучайиб бораётгани-  
дан далолат бермоқда. Каналлар-  
нинг ўтказувчанлик лаёқати ошиши  
ва операторлар ҳамда провайдерлар  
сони ортиши баробарида, Интернет  
тармоғига коммуникацияланган ва  
кенг тармоқли фойдаланиш тизими  
абонентлари жадал суръатлар билан  
ошиб бормоқда [12].

2020 йил 1 январь ҳолатига  
Ўзбекистонда мобил алоқа билан  
таъминланган абонентлар сони  
26452,0 минг. абонентни, аҳоли-  
нинг мобил алоқа билан таъмин-  
ланганлиги ҳар 100 киши ҳисо-  
бига 78 бирликни ташкил этди.

2018 йил 1 январь ҳолатига Интер-  
нет тармоғига уланиш хизматла-  
рини кўрсатиш учун рухсатномага  
эга хўжалик юритувчи субъектлар  
сони 618 бирликни, жамоавий ула-  
ниш пунктларининг жами сони эса  
445 бирликни ташкил этди. Халқ-  
ро ахборот узатиш каналларининг  
ўтказиш қобилияти 104,1 Гбит/с  
ни ташкил этди [12].

Ривожланган йирик G-20 давлат-  
лар ичида Жанубий Корея, Англия,  
Германия, Швеция, Швейцария,  
Япония ва Ирландия етакчи ўрин-  
ларни эгаллаб келишмоқда. “The  
Economist” журналининг фикрича,  
“Рақамли иктисодиёт” “fuel of the  
future” яъни “Келажак ёқилғиси” бў-  
либ даромад яратувчи-ишлаб чиқа-  
рувчига айланган.

#### Рақамли иктисодиёт маҳсулот- лари бўлиб:

- Электрон коммерция (биржа,  
савдо маконлари)

- Электрон бизнес (электрон кўр-  
саткич, электрон почта, электрон  
ўқитиш-таълим)

- Электрон банкинг (электрон  
тўловлар, электрон почта, интернет  
савдолар)

- Электрон савдо (товар ва хиз-  
матларни масофавий сотиш, интер-  
нет магазинлар) ва криптовалюталар

#### Хулоса ўрнида:

1. Рақамли иктисодиётда яшаш  
учун икки кўникмани ўрганишимиз  
керак. Биринчиси, фойдали ахбо-  
ротни саралашни ўрганиш. Содда  
килиб айтганда, баъзида оддий нар-  
саларга эътибор бермасдан, уларга  
бошқача кўз билан қараш, лозим  
бўлганда кўнгилчан бўлиш. Бу ҳо-  
латда янгиликлар ва журналлар таҳ-  
лилчилари ҳамда шарҳловчилари-  
га ишониш керак. Иккинчиси, биз  
бошқалар учун сараловчи ролида  
бўлишни ўрганишимиз лозим.

2. Рақамли иктисодиётга тегишли  
инновацион ғоя ва ишланмаларни  
республикамизда жадаллаштириш  
ва самарадорлигини ошириш зарур.  
Илмий-техник ишланмалар ва икки  
хил мақсадга мўлжалланган тех-  
нологияларни тижоратлаштириш  
воситалари қуйидагилардан иборат  
бўлиши мумкин:

- консультаив инжиниринг –  
шартномалар асосида муҳандис-  
лик-технологик хизматлар кўрса-  
тиш, тадқиқотлар ўтказиш, ишлан-  
малар, лойиҳалашни амалга оши-  
риш, ишлаб чиқаришни ташкил-  
лаштиришга қўмаклашиш;

- технологик инжиниринг – тех-  
нологияларни ишлаб чиқиш ёки  
такмиллаштириш билан боғлиқ

хизматлар кўрсатиш, техник хуж-  
жатларни бериш;

- комплекс инжиниринг – шарт-  
нома асосида аниқ sanoat объектини  
ишга туширишда юқорида кўрса-  
тилганларнинг барчасини қамраб  
олувчи хизматлар комплексини кўр-  
сатиш;

- ташкилотлар билан томонлар-  
нинг ускуналари ва ходимлари-  
дан фойдаланиш, ҳар бир томон ўз  
ишларини бевосита молиялаши асо-  
сида қўшма дастурларини бажариш  
учун битимлар тузиш;

3. Иқтисодиётда инновацион жа-  
раёнларнинг ўзига хос томонлари  
шундаки, ахборотлар ишлаб чиқа-  
рувчи кучларга айланиб, меҳнат  
унумдорлигини оширади, “қўшим-  
ча” даромадлар яратишга ҳисса қў-  
шади, уларнинг сифатини оширади,  
хавфсизлиги таъминланади, транзак-  
цион ҳаражатларни камайтиради ва  
ишлаб чиқарувчилар ҳамда истеъм-  
олчилар манфаатини оширади.

Шу ўринда Ўзбекистон Республи-  
каси Президенти Шавкат Мирзиёев-  
нинг 2020 йил 24 январь куни Олий  
Мажлис палаталарига Мурожаатно-  
масида рақамли иқтисодиётни йўл-  
га қўйиш орқали иқтисодий ўсиши-  
ни барқарорлаштириш ҳақидаги  
қуйидаги фикрларини келтириш  
ўринлидир:



“...Албатта, рақамли иқтисоди-  
ётни шакллантириш керакли ин-  
фратузилма, кўп маблағ ва меҳнат  
ресурсларини талаб этишини жуда  
яхши биламиз. Бироқ, қанчалик  
кийин бўлмасин, бу ишга бугун  
киришмасак, қачон киришамиз?  
Эртага жуда кеч бўлади. Шу боис,  
рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш –  
келгуси 5 йилдаги энг устувор вази-  
фаларимиздан бири бўлади.

Рақамли технологиялар нафақат  
маҳсулот ва хизматлар сифатини  
оширади, ортиқча ҳаражатларни ка-  
майтиради. Шу билан бирга, мени  
жуда қаттиқ ташвишга соладиган ва

безовта қиладиган энг оғир иллат –  
коррупция балосини йўқотишда ҳам  
самарали воситадир”<sup>2</sup>.

2 Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Шавкат Мирзиёевнинг  
Олий Олий Мажлис палаталарига  
мурожаатномасидаги маърузаси.-Т.:  
2020 йил 24 январь .[http://prezident.uz/  
uz/lists/view](http://prezident.uz/uz/lists/view) (“Халқ сўзи” газетаси 2020 й.  
24 январь. №7)

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. “Мамлакатимизни 2016 йил ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари”га бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. “Ишонч” газетаси. 2017 й. 17 январь. №7-8(3825).
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4749-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича “Ҳаракатлар стратегияси” тўғрисида”ги Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталарига Мурожаатномаси. “Халқ сўзи” газетаси 2020 й. 24 январь. №7
4. Теоретическая экономика: реальность, виртуальность мифотворчество. Москва. М.Г.У. 2009
5. China’s Digital Economy a Leading Global Force. MGI Discussion Paper, August, 2017
6. Электронная экономика. М. 2017, авторский коллектив.
7. How big is China’s Digital economy?, Bruegel, Working Paper, Issue 04, 17 May, 2018
8. Ўзбекистон Республикаси статистик ахборотномаси. 2018.[www.scu.uz](http://www.scu.uz)
9. Т. Шодиев. Фаол инновациялардан фойдаланиш жараёнида рақамли иқтисодиётнинг шаклланиш ва ривожланиш муаммолари. Тошкент. Журнал Иқтисодиётда инновацион ривожланиш. 2018 й. 3-4-сон.
10. Панышин. Цифровая экономика: Особенности и тенденции развития. М. 2018.
11. М. Бутабоев, Н.Махмудов ва бошқ. “Рақамли иқтисодиёт асослари”. Ўқув қўлланма. “Наврўз” нашрети, 2020 й. 635 б.
12. <http://www.itu.int/eng/ITU-D/>
13. <http://Bit.samag.ru/more/67>.
14. <https://ria.ru/science>.



## Маҳаллий бюджет маблағлари молиявий назорати ва унинг сарфланиши самарадорлигини баҳолаш

**Аннотация:** мақолада маҳаллий бюджет маблағлари қандай сарфланаётганлиги Фарғона вилоятида 2010, 2014-2019 йиллар кесимида ўтказилган молиявий назорат тадбирлари натижалари бўйича таҳлил қилинган. Олинган хулосалар асосида маҳаллий бюджетлар маблағларини самарали сарфлашни таъминлашнинг тўрт йўналиши ва уларга тегишли бўлган муаммолар ёритилган.

**Калит сўзлар:** маҳаллий бюджет, назорат тадбирлари, молиявий хатоликлар, пул маблағлари ва моддий бойликлар камомади, ноқонуний харажат ва ортиқча тўловлар

Санобар ИСМОИЛОВА,  
Фарғона давлат университети  
мустақил тадқиқотчиси

**Аннотация:** в статье анализируется расходование средств местного бюджета по результатам мероприятий финансового контроля, проведенных в Ферганской области в 2010, 2014-2019 годах. На основе сделанных выводов рассматриваются четыре направления обеспечения эффективного расходования средств местных бюджетов и связанные с ними проблемы.

**Ключевые слова:** местный бюджет, меры контроля, финансовые ошибки, дефицит денежных и материальных благ, незаконные расходы и переплаты.

**Abstract:** the article analyzes the expenditure of local budget funds based on the results of financial control measures carried out in the Ferghana region in 2010, 2014-2019. Based on the findings, four areas of ensuring effective spending of local budgets and related problems are considered.

**Keywords:** local budget, control measures, financial mistakes, shortage of monetary and material goods, illegal expenses and overpayments.



## КИРИШ

Бозор иқтисодиёти ва унга тегишли бўлган муносабатларнинг мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётига шиддат билан кириб келганига ҳам чорак асрдан кўпроқ вақт бўлди. Бу иқтисодёт ва унга тегишли бўлган иқтисодий муносабатлар, энг аввало, ҳар қандай маблағларнинг самарали сарфланишини тақозо этади. Шу боисдан, аксинча тарзда иш тутиш унинг иқтисодий табиатига мутлақо зид ҳисобланади. Бу билдирилган фикр маблағнинг кимга тегишли эканлиги ёки фаолият кўрсатишнинг у ёки бу шаклига боғлиқ эмас.

Маҳаллий бюджетлар даромадлари таркибини барқарорлаштириш, тўлов интизомига риоя этиш, солиқларнинг бюджет тизими бўғинлари ўртасида тақсимланиш механизми такомиллаштириш, солиққа оид қонунбузарликларга барҳам бериш ва уларнинг олдини олиш бугунги кундаги коронавирус пандемияси нағижаси ўлароқ иқтисодий инқироз шароитида маҳаллий бюджет даромадларини шакллантириш жараёнини самарали бошқаришнинг асосий йўналишларини ёритиш каби масалалар муҳим, мукамал ечимни талаб қилувчи долзарб масалалардан бири бўлиб турибди.

Хусусий сектор вакилларининг аксарият қисми Ўзбекистонда ҳам маблағларни қандай сарфлаш лозимлиги масаласига нисбатан ўз қарашларини аллақачон шакллантириб улгурганлиги амалиётдан кўриниб турибди. Бошқа шароитлар тенг бўлган тақдирда, ўзларига тегишли бўлган маблағларнинг самарали сарфланишини уддалаётган тадбиркорлик субъектлари муваффақиятга эришмоқдалар. Бунинг натижаси аксинча бўлаётганлар эса, секин-асталик билан бўлсада, барибир таназзулга йўл тутмоқдалар. Ана шундай вазиятда бюджет ва айниқса, маҳаллий бюджетлар маблағларидан амалиётда қандай фойдаланаяпмиз, деган саволга аниқлик киритиш муҳим аҳамиятга эга.


## АСОСИЙ ҚИСМ

Бюджет маблағларининг қандай сарфланаётганлиги масаласига бепарқ қарашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Зеро, бу ўринда гап, аслида, солиқ тўловчиларнинг маблағлари ҳисобидан бюджетда шакллантирилган маблағларнинг қандай сарфланаётганлиги хусусида кетмоқда. Шунинг учун ҳам бу маблағларнинг сарфланиши масаласига жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз маблағларининг қандай сарфланаётганлигига қандай муносабатда бўлса, худди шундай муносабатда бўлиш зарур [1]. Бунинг боиси шундаки, бу ўринда энг аввало, миллионлаб эмас, балки миллиардлаб, триллионлаб миқдордаги маблағларнинг қандай сарфланаётганлиги ҳақида гап кетади. Буни эса амалда тегишли назорат тадбирларини ўтказиш орқали аниқлаш мумкин. Ўз навбатида, бундай назорат тадбирларини ҳар бир вилоят, шаҳар ёки туман кесимида амалга ошириш мумкин. Бу ўринда биз ушбу масалани Фарғона вилояти мисолида кўриб чиқишга ҳаракат

қиламиз. Шунинг учун ҳам қуйида келтирилаётган 1-жадвал маълумотларида республикамизнинг энг илғор вилоятларидан бири ҳисобланган Фарғона вилоятида 2010, 2014-2019 йиллар кесимида ўтказилган назорат тадбирлари натижалари келтирилмоқда. Унда келтирилган ҳар бир кўрсаткични таҳлил қилиш, фикримизча, Фарғона вилояти мисолида маҳаллий бюджетлар маблағларидан амалиётда қандай фойдаланилмоқда, деган саволга аниқлик киритиш имконини беради.

1-жадвал маълумотларини [2] таҳлил қилар эканмиз, маҳаллий бюджетлар маблағларидан амалиётда қандай фойдаланилаётганлигини аниқлашга хизмат қилувчи бир неча хулосаларни чиқаришимиз мумкин. Назаримизда, уларнинг энг муҳимлари қуйидагилардан иборат:

1. Ҳатто сиртдан юзаки қараб, Фарғона вилояти миқёсида ўтказилган назорат тадбирлари сонига нисбатан эътиборнинг берилиши ҳам маҳаллий бюджетлар маблағларидан фойдаланиш борасида аҳволнинг соғлом эмаслигини кўрсатади. Айрим йилларда (масалан, 2014-2015 йилларда) икки мингга яқин, бошқа баъзи йилларда эса (масалан, 2016 йилда) ундан ортиқ назорат тадбирларининг ўтказилганлиги бундан яққол тасдиқлайди. Ҳатто, назорат тадбирларини кескин қисқартириш сиёсати амалга оширилган 2018 йил давомида ҳам 250 га яқин назорат тадбирларининг ўтказилиши ҳам шу хулосани тасдиқлашга хизмат қилади. Бунинг устига, турли йилларда сони жиҳатдан бир-биридан кескин фарқ қилувчи (масалан, 2010 йилда 1176 та ва 2016 йилда эса 2339 та, деярли икки баробар кўп) назорат тадбирларининг ўтказилиши ҳам бу ерда ҳамон ечилишини кутаётган муаммоларнинг борлигидан далолат беради. Зеро, маҳаллий бюджетлар маблағларидан самарали фойдаланиш масаласи тўлиқ ҳал қилинганда бундай назорат тадбирларини ўтказишга ҳожатнинг қолмаслиги олдиндан маълум;



**Ҳатто сиртдан юзаки қараб,  
Фарғона вилояти миқёсида  
ўтказилган назорат тадбирлари  
сонига нисбатан эътиборнинг берилиши ҳам  
маҳаллий бюджетлар маблағларидан  
фойдаланиш борасида аҳволнинг  
соғлом эмаслигини кўрсатади.**



1-жадвал

Фарғона вилоятида 2010, 2014-2019 йиллар кесимида ўтказилган  
молиявий назорат тадбирлари натижалари.

Т/р	Кўрсаткичлар	Йиллар						
		2010	2014	2015	2016	2017	2018	2019
1.	Ўтказилган назорат тадбирлари сони	1176	1844	1 798	2 339	1 161	249	775
2.	Молиявий хатоликлар аниқланмаган назорат объектлари сони	249	260	125	281	262	48	40
	Уларнинг ўтказилган назорат тадбирлари сонидagi улуши	21,17	14,10	6,95	12,01	22,57	19,28	5,16
3.	Молиявий хатоликлар аниқланган назорат объектлари сони	927	1584	1673	2058	899	201	735
	Уларнинг ўтказилган назорат тадбирлари сонидagi улуши	78,83	85,90	93,05	87,99	79,43	80,72	94,84
4.	Аниқланган молиявий хатоликлар суммаси, млн. сўм	1470,0	6379,3	10811,1	13144,1	14113,3	3305,4	8382,7
5.	Пул маблағлари ва моддий бойликлар камомати ва ўзлаштиришлар, млн. сўм	346,1	2802,1	4786,7	3284,6	4083,9	1245,7	1550,1
	Уларнинг аниқланган молиявий хатоликлар суммасидagi улуши, %	23,54	43,92	44,28	24,99	28,94	37,69	18,5
6.	Ноқонуний харажат ва ортиқча тўловлар, млн. сўм	1124,0	3577,2	6024,4	9859,5	10029,3	2059,7	6832,6
	Уларнинг аниқланган молиявий хатоликлар суммасидagi улуши, %	76,46	56,08	55,72	75,01	71,06	62,31	81,5
7.	Тикланган маблағлар, млн. сўм	1351,6	5084,4	9498,5	12026,6	11106,4	2631,5	7550,0
	Уларнинг аниқланган молиявий хатоликлар суммасидagi улуши, %	91,95	79,70	87,86	91,50	78,69	79,61	90,1

**Манба:** Фарғона вилоят молия бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

2. Жадвалда келтирилган ва Фарғона вилоятида маҳаллий бюджетлар маблағларидан қандай фойдаланилаётганлигини аниқлаш мақсадида ўтказилган молиявий назорат тадбирлари натижаларини характерловчи иккинчи кўрсаткич, яъни молиявий хатоликлар аниқланмаган назорат объектлари сони ҳамда уларнинг ўтказилган назорат тадбирлари сонидagi улуши орқали ифодаланган натижалардан дарак берувчи рақамлар, фикримизча, иккиёқламалик характерга эга:

а) назорат тадбирлари ўтказилган-у, лекин молиявий хатоликлар аниқланмаган назорат объектлари сонининг Фарғона вилояти бўйича 40 тадан (2019 йил) 281 тагачани (2016 йил) ташкил этганлиги ёки улар ўтказилган назорат тадбирлари сонидagi улушининг 5,16%дан (2019 йил) 22,57%гача (2017 йил) етиб борганлиги қувонарли хол, албатта. Чунки бу рақамлар шу ҳолатда маҳаллий бюджетлар маблағларидан самарали сарфланганлигини, энг умумий тарзда бўлса-да, кўрсатади.

Шунингдек, бу рақамлар, амалиётда бюджет маблағларидан самарали фойдаланишнинг уддасидан чиқиш мумкинлигидан ҳам дарак беради. Буларнинг барчасини ижобий ҳолат сифатида эътироф этиш мақсадга мувофиқ;

б) иккинчи томондан, шу 2-кўрсаткич орқали ифодаланувчи рақамлар Фарғона вилояти бўйича шунча сондаги ва шунча улушдаги назорат тадбирларининг бесамар ўтказилганлигини ҳам билдиради. Чунки, юқоридаги рақамлардан келиб чиқи-

ладиган бўлса, кейинги йилларда, масалан, 281тагача (2016 йил) ўтказилган молиявий назорат тадбирлари натижасиз тугаган ёки худди шундай натижа билан тугаган молиявий назорат тадбирларининг ҳиссаси жами ўтказилган молиявий назорат тадбирларига нисбатан қарийб 12% ни ташкил этмоқда. Бундай вазиятда агар ўтказилаётган молиявий назорат тадбирларининг маълум бир қисми натижасиз тугаётган бўлса, у ҳолда айнан шу объектларда бундай назоратни ўтказиш мақсадга мувофиқми ёки йўқми, деган саволни кун тартибига қўядики, у ўзининг объектив ва ҳолисона жавобига эга бўлмоғи лозим. Бундан кўриниб турибдики, маҳаллий бюджетлар маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлаш мақсадида объектларда ўтказилаётган ёки ўтказилиши режалаштирилаётган молиявий назорат масалаларида муаммолар мавжуд ёки улар такомиллаштирилишга муҳтож. Фикримиз-

ча, сўнгги бир неча йиллар давомида узлуксиз равишда бюджет интизомига қатъий риоя этиб келаётган ва бюджет маблағларининг самарали сарфланишини таъминлашга эришган субъектларда молиявий назорат тадбирларини ўтказиш ўзининг иқтисодий (молиявий) маъносига эга эмас;

3. Маҳаллий бюджетлар маблағларидан амалиётда қандай фойдаланилаётганлигини аниқлаш мақсадида Фарғона вилояти бўйича ўтказилган молиявий назорат тадбирларининг маълум маънодаги натижадорлигини ифодалашда 1-жадвалда келтирилган 3-кўрсаткич, яъни молиявий хатоликлар аниқланган назорат объектлари сони ва уларнинг ўтказилган назорат тадбирлари сонидаги улуши хизмат қилади. Улардан кўриниб турибдики, шу йиллар давомида ҳар бир йил бўйича ўтказилган молиявий назорат тадбирларининг 78,83% дан (2010 йил) 94,84%гача (2019 йил) бўлган қисмида молиявий хатоликлар аниқланган. Гарчи аҳволнинг

шундай эканлиги маҳаллий бюджетлар маблағларидан қандай фойдаланилаётганлигига якуний хулоса чиқариш учун етарли бўлмаса-да, ушбу кўрсаткич даражасининг ана шундай эканлиги бу йўналишдаги аҳволга баҳо беришда, бизнингча, ўз ўрнига эга. Ўтказилган ҳар 10 та молиявий назорат тадбирларидан 7 таси ёки 9 тасида молиявий хатоликларга йўл қўйилаётганлиги аниқланаётган бўлса, бу нарса Фарғона вилояти маҳаллий бюджетлари маблағларидан самарасиз фойдаланилаётганлигини тасдиқлаш учун етарлидир;

4. Амалиётда маҳаллий бюджетлар маблағларидан маълум даражада нооқилона ва самарасиз сарфланаётганлигини тасдиқловчи далиллардан бири ўтказилган молиявий назорат тадбирлари натижасида аниқланган молиявий хатоликлар суммасидир. Унинг даражаси таҳлил қилинаётган йиллар давомида Фарғона вилояти бўйича 1 470,0 млн. сўмдан (2010 йил) 14 113,3 млн. сўмгача (2017йил) етиб борган. Гап бу ўринда биргина вилоят миқёсида миллиардлаб ёки ўнлаб миллиардлаб миқдордаги маблағларнинг молиявий хатоликларга йўл қўйиб сарфланаётгани тўғрисида кетаётгани эътиборга олинadиган бўлса, муаммонинг нақадар долзарблиги янада намоён бўлади;

5. Аниқланган молиявий хатоликлар таркибининг биринчи қисми пул маблағлари ва моддий бойликлар камомади ва ўзлаштиришлар кўринишига эга бўлиб, уларнинг даражаси таҳлил қилинаётган давр оралиғида 346,1 млн. сўмдан (2010 йил) 4 786,7 млн. сўмгачани (2015 йил) ташкил этмоқда. Уларнинг аниқланган молиявий хатоликлар суммасидаги улуши эса шу даврда 23,54%дан (2010 йил) 44,28%гача (2015 йил) етиб бормоқда. Бунинг устига, ана шу кўрсаткичнинг сўнгги 4 йил ичида 24,99%дан (2016 йил) 39,92%гача (2019 йил) ортиб борганлиги ташвишли ҳол ҳисобланади. Шунингдек, маҳаллий бюд-



жетлар маблағларининг камомадига йўл қўйилганлигини ва уларнинг қонунга зид равишда ўзлаштирилганлигини ҳеч нарса билан изоҳлаб бўлмайди;

6. Фарғона вилояти бюджети доирасида аниқланган молиявий хатоликларнинг иккинчи қисми ноқонуний харажат ва ортиқча тўловлар билан боғлиқ. Уларнинг қўлама таҳлил йиллари давомида 1 124,0 млн. сўмдан (2010 йил) 10 029,3 млн. сўмгача (2017 йил) тебранган. Ноқонуний харажат ва ортиқча тўловлар, 1-жадвал маълумотларидан кўриниб турганидек, аниқланган молиявий хатоликларнинг асосий қисмини ташкил этиб, уларнинг салмоғи шу даврда бу хатоликларнинг 55,72%дан (2015 йил) 76,46%гача (2010 йил) қисмини ташкил этган. Гарчи сўнги 4 йил давомида ноқонуний харажат ва ортиқча тўловларнинг аниқланган молиявий хатоликлар умумий суммасидаги улуши йилдан йилга мутасил пасайиш тенденциясига (2016 йилдаги 75,01%дан 2019 йилдаги 60,08%га) эга бўлса-да, барибир бу салмоқнинг юқори даражада қолаётганлиги бу масалада эътиборнинг аввало нимага қаратилиши лозимлигидан дарак бераяпти;

7. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Фарғона вилояти доирасида бюджет маблағларидан қандай фойдаланилганлигини аниқлаш мақсадида ўтказилган мо-

лиявий назорат тадбирлари натижасида аниқланган молиявий хатоликларнинг катта қисмини қайта тикланишига муваффақ бўлинган. Қайта тикланган маблағларнинг суммаси шу даврда 1 351,6 млн. сўмдан (2010 йил) 12 026,6 млн. сўмгача (2016 йил) етиб борган. Умуман олганда эса, таҳлил ишлари амалга оширилган даврда ўз ўрнига қайта тикланган бюджет маблағларнинг аниқланган молиявий хатоликлар суммасидаги салмоғи 78,69%дан (2017 йил) 91,95%гачани (2010 йил) ташкил этган. Шундай бўлишига қарамадан, бизнингча, бундан хотиржам бўлишга асло ўрин йўқ. Чунки, кўриниб турганидек, бу вазиятда ҳам бюджет маблағларини тўлиқ қайта тиклашнинг иложи бўлмаяпти. Зеро, молиявий назорат тадбирлари натижасида аниқланган молиявий хатоликларнинг айрим йилларда деярли 10,0%дан тортиб (масалан, 2010, 2015, 2016 ва 2019 йилларда) ҳатто 20,0% гачасини (масалан, 2014, 2017 ва 2018 йилларда) ҳам қайта тиклашнинг иложи бўлмаган.

### ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Бизнингча, юқорида келтирилган 1-жадвал маълумотларини таҳлил қилиш натижасида, шак-шубҳасиз, чиқарилиши лозим бўлган хулосаларнинг энг муҳимлари ана шулардан иборат. Хўш, энди уларга таянган ҳолда “Маҳаллий бюджетлар

маблағларидан қандай фойдаланаяпмиз?”, - деган саволга қандай умумий жавобни бериш мумкин? Фикримизча, жавобларни умумлаштириб, қисқача қуйидагича ифодалаш мумкин:

а) амалиётда маҳаллий бюджетлар маблағларидан тўлиқ самарали фойдаланишнинг иложи бўлмаяпти;

б) бюджет маблағларидан фойдаланишда молиявий хатоликларга йўл қўйилмоқда;

в) молиявий хатоликлар пул маблағлари ва моддий бойликлар камомадига ва ўзлаштиришлар ҳамда ноқонуний харажат ва ортиқча тўловлар кўринишидагина намоён бўлмоқда;

г) амалиётда бюджет маблағларидан фойдаланиш борасида йўл қўйилган молиявий хатоликлар натижасида ноқонуний сарфланган бюджет маблағларини тўлиқ қайта тиклашнинг иложи бўлмаяпти ва ҳ.к.

Демак, булардан кўриниб турибдики, масала кун тартибига маҳаллий бюджетлар маблағларидан самарали сарфлашни таъминлаш йўналишида қўйилар экан уни, энг камида, ана шу тўрт йўналишга тегишли бўлган муаммоларни ҳал қилмасдан туриб удалашнинг иложи йўқ. Ўз навбатида, уларнинг ҳар бири эса алоҳида-алоҳида ва чуқур ҳамда атрофлича илмий-тадқиқот ишларини амалга оширишни тақозо этади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ваҳобов А., Маликов Т. “Молия; умумназарий масалалар” ўқув қўлланма Тошкент, “IQTISOD-MOLIYA”, 2008 й. 316 б.
2. Фарғона вилоят молия бошқармаси маълумотлари.
3. Агаян, Ш. А., Мурадова, С. Г., & Пирская, Е. В. (2014). Актуальные проблемы формирования доходной части муниципальных бюджетов. Управление экономическими системами: электронный научный журнал, (3 (63)), 36. <https://cyberleninka.ru/article/n/aktualnye-problemy-formirovaniya-dohodnoy-chasti-munitsipalnyh-byudzhetrov>
4. Новожилова Т.Н., & Морозов И.А. (2012). Финансовая обеспеченность местных бюджетов: проблемы и пути решения. Экономический анализ: теория и практика, (14), 23-29. <https://cyberleninka.ru/article/n/finansovaya-obespechennost-mestnyh-byudzhetrov-problemy-i-puti-resheniya>
5. Erlina, Z. A. T., Mulyani, S., Maksim, A., & Muda, I. The role of conflict of interest in improving budget quality in local government. International Journal of Civil Engineering and Technology (IJCIET) Volume 9, Issue 9, September 2018, pp. 696–707, Article ID: IJCIET\_09\_09\_066 Available online at <http://www.iaeme.com/ijciyet/issues.asp?JType=IJCIET&VType=9&IType=9> ISSN Print: 0976-6308 and ISSN Online: 0976-6316 ©IAEME Publication Scopus Indexed
6. Жўраев А. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг долзарб муаммолари. И.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. –Т.: ДЖКА. 2005. –38 б.
7. Ниязметов И. Солиққа тортиш механизмларини такомиллаштириш орқали солиқ тизими барқарорлигини таъминлаш. Икт.фан.док. дисс. автореферати. –Т.: БМА. 2018. –70 б
8. S. Ismoilova. How to use local budget? <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2020/iss4/5>





## Аёллар ўртасида камбағаллик даражаси ва уни бартараф этиш йўллари

**Аннотация:** мақолада аёллар ўртасида камбағалликнинг келиб чиқиши, COVID-19 пандемиясининг аёллар ўртасидаги камбағаллик даражасига таъсири, “БМТ-аёллар” ва БМТ Тараққиёт дастурининг ҳисоботи асосида камбағалликни камайтириш йўллари ва Ўзбекистонда пандемия шароитида аёллар ўртасида камбағалликни камайтириш мақсадида олиб борилаётган ишлар ҳақида маълумотлар берилган.

**Калит сўзлар:** гендер тенглиги, камбағаллик, Covid-19 пандемияси, “камбағаллик тузоғи”, ишсизлик, меҳнат бозори, инқироз.

**Аннотация:** в статье представлена информация об истоках бедности среди женщин, влиянии пандемии Covid-19 на бедность женщин, способах сокращения бедности на основе отчета ООН-Женщины и ПРООН, а также о работе, проводимой в Узбекистане по сокращению бедности среди женщин в условиях пандемии.

**Ключевые слова:** гендерное равенство, бедность, пандемия Covid-19, «ловушка бедности», безработица, рынок труда, кризис.

**Abstract:** the article provides information on the origins of poverty among women, the impact of the Covid-19 pandemic on women's poverty as well as the ways to reduce poverty based on the UN Women and UNDP report, and the work being done in Uzbekistan to reduce poverty among women during pandemics.

**Keywords:** gender equality, poverty, Covid-19 pandemic, “poverty trap”, unemployment, labor market, crisis.

Мадина  
МИРЗАМАҲМУДОВА,  
Ўзбекистон Миллий  
университети таянч докторанти



Камбағаллик кенг қамровли тўшунча бўлиб, уни ўрганиш жараёнида олимлар томонидан турлича талқин қилинади.

Усмонов Б., Хасанов Р. излаишлари натижасига кўра, “камбағаллик инсоннинг минимал истеъмоли қондирилишидаги имкониятларнинг чекланганлиги, яъни чекланган танлов (шахсий даромаднинг пастлиги ва ижтимоий хизматларнинг камлиги)” билан изоҳланади<sup>1</sup>.

Хужакулов Х., Утанов Б, Назарбаев О. “камбағаллик битта мезон асосида аниқлашнинг иложи бўлмаган кўп ўлчовли ҳодиса сифатида тавсифлаш имконини беради. Шунинг учун камбағаллик пул даромадларининг таъминланиши даражаси билан ўз ичига турли етишмовчиликларни оладиган физиологик, ҳамда маънавий эҳтиёжларни муносиб қондириш имконига эга бўлмаган маълум ижтимоий гуруҳларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати сифатида аниқланади” деб айтиб ўтган<sup>2</sup>.

Камбағаллик тузоғи – ҳар қандай эҳтиёжлар билан ўзини-ўзи таъминлаш имконияти бўлмаган механизм<sup>3</sup>. “Тузоққа” қарши чоралар кўрилмаса, камбағаллик даражаси авлоддан авлодга ўтиб бораверади.

Камбағалликдан ҳимояланишда оилада болаларнинг таълим олиши муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. В.Бобковнинг фикрига кўра “кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари “камбағаллик тузоғи”га тушиб қоладилар. Камбағал болалар тўйиб овқатланмайди, шунинг учун ҳам уларнинг саломатлигида

турли муаммолар кузатилади. Тўғарак ва қўшимча машғулотларда қатнашмайдилар. Бунинг асосий сабаби деярли барча турдаги тўғараклар – пуллик ҳисобланади. Сифатли таълим олиши учун маблағ етарли эмас, бу эса ўз ўрнида келажақда юқори иш ҳақи тўланадиган иш жойи билан таъминланиш имкониятининг йўқолишига сабаб бўлади”. Шунингдек унинг фикрича, камбағалликни аниқлашда озиқ-овқат маҳсулотларининг минимал нарҳини ҳисобга олиш нотўғридир. Бугунги кунда аҳоли ночор қатламни аниқлашда йил давомида кийим, оёқ кийимлар, рўзғор анжомлари ва коммунал тўловлар нарҳининг оширилиши ҳисобга киритилмайди. Озиқ-овқат маҳсулотлари турини кенгайтириш, нафақат товар кўринишидаги маҳсулотларни, хизмат турларини, хусусан, мобил алоқа, интернет, хусусий тиббий хизмат ва бошқаларни ҳисоб тизимига киритиш лозим<sup>4</sup>.

Бутун дунёда гендер тенглигини таъминлаш, хотин-қизлар ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш муҳим ижтимоий-сиёсий вазифалардан бири ҳисобланади.

Маълумки гендер тенглиги – хотин-қизлар ва эркаклар ўртасидаги муносабатларнинг жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида, шу жумладан сиёсат, иқтисодиёт, ҳуқуқ, мафкура ва маданият, таълим ҳамда илм-фан соҳаларида тенг имкониятларга эга эканлиги. Мамлакатда гендер тенгсизлиги кўплаб муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади: салбий иллатларнинг авж олиши (фоҳишабозлик, одам савдоси ва б.к), ишсизлик, камбағаллик.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти олимлари томонидан ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра аёллар эркакларга нисбатан иш ҳақига эга бўлиш ва оила аъзоларига ғамхўрлик қилиш учун ўртача уч баробар кўп вақт сарфлашар экан. Иқтисодий инқироз, ажралиш ёки бевалик билан боғлиқ оиладаги оғир шароит-

лар туфайли ижтимоий заиф аёллар пуллик иш излайдилар. Жамиятдаги ижтимоий заиф аёллар деб – ижтимоий ҳимояга муҳтож ёлғиз оналар, ишсиз, кўп болали, ногиронлиги бўлган аёлларни айтишимиз мумкин.

Феминистик камбағаллик – камбағаллар орасида эркакларга нисбатан аёллар сонининг кўплигини ва уларнинг камбағаллик ҳолатига тушиш хавфини тавсифлайди.

Аёллар ва эркаклар ўртасида билим олиш, мулкка эгаллик қилиш, даромад келтирувчи касбга эга бўлиш каби тенгсизликлар сабабли “камбағаллик тузоғи”га тушиб қолиш аёлларда эркакларга нисбатан юқори бўлиб қолмоқда.

**Фикримизча, аёлларда “камбағаллик тузоғи”га тушиб қолиш сабаблари қуйидагилардан иборат:**

1. Камбағал мамлакатда туғилиш ва яшаш.
2. Эрта ёшда фанзандли бўлиш.
3. Камбағал оилада туғилиш ва сифатли таълим олмаслик.
4. Кам даромадли иш жойида узок вақт давомида ишлаш ёки барқарор иш жойига эга бўлмаслик.

Аёллар эркакларга нисбатан кам иш ҳақига эга ва етарли хавфсизликка эга бўлмаган фаолият билан шуғулланадилар. Иқтисодий фаолиятнинг кескин пасайиши билан ишдан бўшатиш ва тирикчилик манбаини йўқотиш ҳолатлари аёлларда кўп кузатилади. Пандемия сабабли норасмий секторда ишловчи аёлларнинг даромадлари кескин пасайиб кетди. Маълумотларга кўра пандемиянинг биринчи ойида бутун дунёдаги ишловчи норасмий ишчилар ўз даромадларининг ўртача 60 фоизини йўқотди: Африкада ва Лотин Америкасида 81 фоиз, Европа ва Ўрта Осиёда 70 фоиз, Осиё ва Тинч океани давлатларида 2,6 фоиз<sup>5</sup>. Иш ҳақи пастлиги ва оддий иш шароитларининг етишмаслиги, касалланиш ва оилавий таътил каби ишчиларни пуллик ҳимоя қилувчи соҳалар пан-

1 Усмонов Б., Хасанов Р. Камбағалликни аниқлашга ёндашувлар // “Iqtisodiyot: tahlillar va prognozlar” jurnali. № 3-4(6-7). Март-апрель 2020. Б.28

2 Хужакулов Х., Утанов Б, Назарбаев О. Камбағаллик даражасини ўлчашнинг иқтисодий-статистик усуллари// “Пандемия шароитида ижтимоий-иқтисодий оқибатлар ва Ўзбекистон аҳолисининг камбағаллик даражасини қисқартириш” XII Халқаро иқтисодчилар Форуми. Тошкент. 27 октябр 2020. Б. 252.

3 Costas Azariadis and John Stachurski, “Poverty Traps,” Handbook of Economic Growth, 2005, 326.

4 Аргументы и факты. “Новые русские” и новые бедные. №44. 2019. С.5


5 [https://www.ilo.org/global/about-the-ilo/newsroom/news/WCMS\\_743036/lang--en/index.htm](https://www.ilo.org/global/about-the-ilo/newsroom/news/WCMS_743036/lang--en/index.htm)

демияда энг кўп зарар кўрган секторлар ҳисобланади. Мисол учун, турар жой ва озиқ-овқат хизматлари соҳаларининг асосий иш ўринларида аёллар фаолият олиб боргани сабабли, иш ўринларининг қисқартирилиши уларнинг молиявий зарар кўришига сабаб бўлди. Ушбу соҳаларда ишловчи 75,4 млн ишчининг 54 фоизини аёллар ташкил этади <sup>6</sup>.

6 WHO (2019). Gender equity in the health workforce: Analysis of 104 Countries: <https://apps.who.int/iris/bitstream/handle/10665/311314/WHO-HIS-HWF-Gender-WP1-2019.1-eng.pdf?ua=1>

Жаҳон миқёсида ижтимоий ёрдам ишчилари, тиббиёт ходимлари, ҳамширалар, доялар ва жамоат соғлиқни сақлаш ходимларининг 70 фоизини аёллар ташкил қилади<sup>7</sup>. Уларнинг иш фаолиятларида вирусни юқтириш хавфи катта бўлиб, Германия, Италия, Испания ва АҚШда аёл соғлиқни сақлаш ходимларида эркак ҳамкасбларига нисбатан вирус юқтириш ҳолатлари икки-уч баробар кўпдир.

7 [https://www.ilo.org/global/about-the-ilo/newsroom/news/WCMS\\_741060/lang--en/index.htm](https://www.ilo.org/global/about-the-ilo/newsroom/news/WCMS_741060/lang--en/index.htm)



1-расм. COVID-19 пандемиясининг меҳнат бозоридаги салбий оқибатлари\*.

\*Манба. UN Women. From insights to action. Gender equality in the wake of covid-19. Report. 2020. P. 7.


1-расм маълумотларидан кўриш мумкинки, пандемия оқибатида асосий оғирлик ишловчи эркакларга нисбатан аёлларга тушган. Демак, аёлларнинг иш билан бандлиги эркакларга қараганда 19 фоиз кўпроқ риск остида экан.

Иқтисодий ривожланишнинг пасайиши, ишсизлик ва ижтимоий ҳимоя билан таъминланмаганлик камбағалларнинг 71 миллиондан 135 миллионга кўпайишига сабаб бўлиши прогноз қилинмоқда. COVID-19 пандемияси ва унинг оқибатлари аёллар ва эркакларнинг молиявий даромадлари ўртасидаги тенгсизлик ортишига сабаб бўлмоқда. Инқироз натижасида дунёда 47 млн аёл ва қиз “камбағаллик тузоғи”га тушиб қолиши мумкин. 2019–2021 йилларда аёллар ўртасидаги қашшоқлик дара-

жаси 2,7 фоизга пасайиши кутилаётган эди, аммо COVID-19 пандемияси сабабли бу кўрсаткич 9,1 фоизга ўсиши прогноз қилинди. Тадқиқотлар натижасига кўра, 2021 йилга келиб ўта қашшоқликда яшайдиган 25 ёшдан 34 ёшгача бўлган ҳар 100 эркак учун ўта қашшоқ яшайдиган 118 аёл тўғри келади. 2030 йилга келиб бу фарқ 100 эркакка 121 аёлдан ошади<sup>8</sup>.

8 [https://www.undp.org/content/undp/en/home/news-centre/news/2020/\\_COVID-](https://www.undp.org/content/undp/en/home/news-centre/news/2020/_COVID-)


**Иқтисодий ривожланишнинг пасайиши, ишсизлик ва ижтимоий ҳимоя билан таъминланмаганлик камбағалларнинг 71 миллиондан 135 миллионга кўпайишига сабаб бўлиши прогноз қилинмоқда. COVID-19 пандемияси ва унинг оқибатлари аёллар ва эркакларнинг молиявий даромадлари ўртасидаги тенгсизлик ортишига сабаб бўлмоқда.**



2-расм. COVID-19 пандемиясининг аёллар камбағаллашувига таъсири\*.

Манба. UN Women. From insights to action. Gender equality in the wake of covid-19. 2020. Report. P. 9.

“БМТ-аёллар” ва БМТ Тараққиёт дастурининг ҳисоботи шуни кўрсатадики, пандемия 2021 йилга келиб 96 млн кишини ўта қашшоқликка олиб келади, улардан 47 млн нафарини аёллар ва қизлар ташкил этади.



3-расм. 2020-2030 йилларда камбағаллар сони (млн киши).

Манба. UN Women. From insights to action. Gender equality in the wake of covid-19. Report. 2020. P. 9.

Жаҳон миқёсида мамлакатлар томонидан таълим ва оилани режалаштириш, адолатли ва тенг иш ҳақи ҳамда ижтимоий нафақаларни кўпайтириш каби кенг қамровли стратегияларни амалга ошириш орқали 100 млндан ортиқ аёл ва қизларни қашшоқликдан қутқа-

риш мумкин. 2030 йилга қадар глобал камбағалликка чек қўйиш учун жаҳон ЯИМнинг 0,14 фоизи, яъни 2 триллион АҚШ доллари харажат қилишни талаб этади. Эркакларга нисбатан аёллар орасида камбағаллик даражасининг юқорилигини ҳисобга олсак, гендер камбағаллиқни

тугатиш учун сотиб олиш паритети ҳисобидан 48 млрд доллар инвестиция қилиш лозим<sup>9</sup>.

Пандемия даврида кўп аёлларнинг ишдан бўшатилиши ва даро-

9 UN Women. From insights to action. Gender equality in the wake of covid-19. Report.2020. P. 9

мадларининг пасайиши “қашшоқлик вақти”ни келтириб чиқарди. Пандемия аёлларнинг кунлик режаларининг ўзгаришига, вақтини кам даромадли ишларга сарфлашига ёки тўлиқ иш кунда уй хизматчиси вазифасида ишлашга мажбур этди. Ижтимоий ҳимоясиз ва юқори эҳтимол билан кам ҳақ тўланувчи ишларда ишловчи ёлғиз аёлларда руҳий тушкунлик ҳолати кўпроқ кузатилди. Тадқиқотларга кўра, Осиё ва Тинч океани давлатларида 66 фоиз аёллар ва 58 фоиз эркекларда руҳий тушкунлик ҳолати аниқланган<sup>10</sup>.

Пандемия шароитида Ўзбекистон Республикасидаги ишсизларнинг 834 минг нафарини хотин-қизлар ташкил этиб, 20 мингга яқин аёл оғир турмуш шароитида яшамоқда. Мамлакатда ишсизликни камайтириш, аёллар бандлигини таъминлаш мақсадида жорий йилда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги 33 минг 380 нафар аёлни ҳаётга мотивациялаш ва касбга ўргатиш бўйича қисқа ўқув курсларини ташкил қилиш ишларини амалга оширмоқда<sup>11</sup>.

Шунингдек, 2020 йилнинг январь-июнь ойларида, Covid-19 пандемиясининг меҳнат бозорига салбий таъсирини юмаштириш мақсадида 588,2 минг ишсиз ва банд бўлмаган аҳолига, (улардан 229,4 минг аёлга) меҳнат ташкилотлари томонидан хизматлар кўрсатилди<sup>12</sup>. Республикада ҳар бир туман ва шаҳар кесимида аёллар бизнес лойиҳалари рўйхати шакллантирилиб, ойма-ой молиялаштириш, хотин-қизлар тадбиркорлиги дастури доирасида содалаштирилган кредитлар ва грантлар ажратиш йўлга қўйилди. Жаҳон банкининг 2 миллион доллар маблағи доирасида 15 минг нафар аёлнинг бандлигини таъминлаш лойиҳалари ишлаб чиқилмоқда.

10 UN Women. Unlocking the lockdown. The gendered effects of covid-19 on achieving the SDGs in Asia and the Pacific. Report. 2020. P.2

11 <https://president.uz/uz/lists/view/3706>

12 <https://mehnat.uz/uz/news/uzbekiston-da-ishsizlik-darazhasi-132-foizni-tashkil-etdi>



Республикадаги соғлиқни сақлаш, таълим тизимида ва кам иш ҳақи тўланувчи хизмат кўрсатиш тармоқ ишловчиларининг кўп қисми аёллар ҳисобланиб, юқори технологияли, иш ҳақи юқори бўлган фаолият соҳаларида эса эркеклар фаолият олиб боришини кўриш мумкин. Чеклов ва талаблар (иш соатининг юқорилиги, қўшимча иш кунлари ва б.қ) аёлларни ишдан маҳрум қилиб, уларнинг ижтимоий жиҳатдан муҳтож аҳоли қатламига тушиш хавфини оширади.

Халқаро Меҳнат Ташкилоти кўмагида Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Covid-19 нинг меҳнат бозорига таъсирини ўрганиш устида иш олиб бормоқда ва ўтказилган сўров натижаларига кўра, инкироз иқтисодиётнинг бир қатор муҳим соҳаларида (хизмат кўрсатиш, қурилиш ва бошқалар) ишчиларни, айниқса, кичик бизнесда банд бўлган ёшлар ва аёлларни иш билан таъминлашга жуда кучли салбий таъсир кўрсатганлигини кўриш мумкин. Пандемия даврида ноқонуний ишдан бўшатиш, иш ҳақини,

ҳомилдорлик ҳамда туғруқ нафақасини тўлашдан бош тортиш ҳоллари кўпайди. Covid-19 пандемияси даврида Давлат меҳнат инспекцияси фуқароларнинг меҳнат қонунлари бузилиши ва иш жойида ҳуқуқни чеклашга оид 8,2 мингга, шу жумладан, аёллар томонидан юборилган 3 мингга шикоятни кўриб чиқди. Текширувлар натижаларига кўра, 3,6 минг фуқаронинг, шу жумладан 1,2 минг аёлнинг меҳнат ҳуқуқлари тикланди<sup>13</sup>.

Хулоса қилиб айтганда, янада иқтисодий ривожланиш, тенг ҳуқуқли, инклюзив ва барқарор жамият яратишда молиявий рағбатлантириш ва ижтимоий ёрдам дастурларини яратиш муҳимдир. Давлатлар пандемия оқибатида юзага келадиган камбағалликни камайтиришда олиб борилиши керак бўлган ислохотлардан бири гендер тенгсизлигини камайтириш учун аёллар учун иш ўринларини кенгайтириш, кредит дастурларини кўпайтириш ҳисобланади.

13 <https://mehnat.uz/uz/news/koronavirus-va-mehnat-bozori-uzbekiston-va-evropa-mamlakatlari-pandemiyaga-qarshi-ku-rash-buyicha-tazhiba-almashdi>



**Фикримишча, мамлакатлар томонидан аёллар ўртасида камбағалликни қисқартириш учун қуйидаги вазифаларнинг амалга оширилиши мақсадга мувофиқ:**


- аёлларнинг саломатлиги ва фаровонлигини ҳимоя қилиш, жумладан репродуктив саломатлик хизматларидан фойдаланиш имкониятини яратиш. Covid-19га қарши курашиш чора-тадбирлари соғлиқни сақлаш тизими ходимлари томонидан шаклландирилган рискларни ҳам ҳисоблаш лозим, зеро уларнинг асосий қисми аёллардир. Шунингдек, камбағал қатламга мансуб бўлган аёллар давлат эътибори марказида бўлиши зарур;

- ижтимоий заиф аёллар учун иқтисодий ёрдам пакетларини ва ортиб бораётган қашшоқликка қарши курашиш чораларини жорий этиш керак. Ушбу чоралар пул тўланмайдиган бола парвариши ва уй ишлари юкини ҳисоблашни, қисқартиришни ва қайта тақсимлашни ўз ичига олади;

- пандемиянинг иқтисодий таҳдидига ҳамда ёмонлашаётган меҳнат ва яшаш шароитига эътибор қаратиш лозим. Меҳнат бозоридаги тенгсизликни йўқотиш ҳар доимгидан ҳам муҳимдир, хусусан аёл ва эркаклар ўртасидаги иш ҳақи тафовутини ва бола парваришини таъминлаш имкониятларидан ноадекват фойдаланишни йўқ қилиш;

- ижтимоий ҳимоя тизимидаги катта бўшлиқларни бар-тараф этиш зарур. Пандемияга жавобан 195 мамлакатдан 54 тасида аёллар ва қизларга қаратилган янги ёки ўзгартирилган ижтимоий ҳимоя чоралари қўлланилди. Ижтимоий ҳимоя тизимларига барча аёллар ва қизларни қамраб оладиган узоқ муддатли сармоялар иқтисодий тикланиш ва келажакда барқарорлик гаровидир;

- мамлакатимизда гендерга оид маълумотларнинг йиғилишини такомиллаштириш ва Covid-19нинг гендерларга нисбатан таъсири бўйича тадқиқотларни кенгайтириш лозим. Қасалликлар, ўлим, касалхонага ётқизиш ва текширувлар бўйича кўпроқ ажратилган маълумотлар пандемиянинг турли хил аёллар гуруҳларига таъсирини тушуниш учун жуда муҳимдир.



**Республикада ҳар бир туман ва шаҳар кесимида аёллар бизнес лойиҳалари рўйхати шакллантирилиб, ойма-ой молиялаштириш, хотин-қизлар тадбиркорлиги дастури доирасида содалаштирилган кредитлар ва грантлар ажратиш йўлга қўйилди. Жаҳон банкининг 2 миллион доллар маблағи доирасида 15 минг нафар аёлнинг бандлигини таъминлаш лойиҳалари ишлаб чиқилмоқда.**

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Усмонов Б., Хасанов Р. Камбағалликни аниқлашга ёндашувлар // "Iqtisodiyot: tahlillar va prognozlar" jurnali. № 3-4(6-7). Март-апрель 2020. Б.27-31.

2. Хужакулов Х., Утанов Б, Назарбаев О. Камбағаллик даражасини ўлчашнинг иқтисодий-статистик усуллари// "Пандемия шароитида ижтимоий-иқтисодий оқибатлар ва Ўзбекистон аҳолисининг камбағаллик даражасини қисқартириш" XII Халқаро иқтисодчилар Форуми. Тошкент. 27 октябрь 2020. Б. 250-254.

3. Аргументы и факты. "Новые русские" и новые бедные. №44. 2019. С.5

4. Costas Azariadis and John Stachurski, "Poverty Traps," Handbook of Economic Growth, 2005, 326.

5. United Nation Women. From insights to action. Gender equality in the wake of covid-19. Report. 2020. 14 p.

6. [https://www.ilo.org/global/about-the-ilo/newsroom/news/WCMS\\_743036/lang--en/index.htm](https://www.ilo.org/global/about-the-ilo/newsroom/news/WCMS_743036/lang--en/index.htm)

7. WHO (2019). Gender equity in the health workforce: Analysis of 104 Countries: <https://apps.who.int/iris/bitstream/handle/10665/311314/WHO-HIS-HWF-Gender-WP1-2019.1-eng.pdf?ua=1>

8. Халқаро меҳнат ташкилоти расмий сайти. [https://www.ilo.org/global/about-the-ilo/newsroom/news/WCMS\\_741060/lang--en/index.htm](https://www.ilo.org/global/about-the-ilo/newsroom/news/WCMS_741060/lang--en/index.htm)

9. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти расмий сайти. [https://www.undp.org/content/undp/en/home/news-centre/news/2020/\\_COVID-9\\_will\\_widen\\_poverty\\_gap\\_between\\_women\\_and\\_men\\_.html](https://www.undp.org/content/undp/en/home/news-centre/news/2020/_COVID-9_will_widen_poverty_gap_between_women_and_men_.html)

10. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий сайти: <https://stat.uz/uz/180-ofytsyalnaia-statistika-uz/6548-demografiya>

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий сайти: <https://president.uz/uz/lists/view/3706>

12. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги расмий сайти: <https://mehnat.uz/uz/news/uzbekistonda-ishsizlik-darazasi-132-foizni-tashkil-etdi>

13. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги расмий сайти: <https://mehnat.uz/uz/news/koronavirus-va-mehnat-bozori-uzbekiston-va-evropa-mamlakatlari-pandemiyaga-qarshi-kurash-buyicha-tazhiba-almashdi>



# Бахтиёрлик иқтисодиёти нуқтаи назаридан Туркия хотин-қизлари бандлигининг ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛИ\*

Шоирахон НУРДИНОВА,  
PhD, Наманган  
Давлат университети  
катта ўқитувчиси,  
Фунда РАНА АДАЧАЙ,  
PhD, Анadolу  
университети профессори

**Аннотация:** хотин-қизларнинг меҳнат бозоридаги иштироки ва бандлик масаласи муҳим аҳамият касб этади. Мақолада Туркиядаги хотин-қизларнинг иш билан бандлиги ва бахтиёрлик даражаси ўртасидаги боғлиқлик тадқиқ қилинди. Тадқиқотда Дунё Қадриятлар Сўровномаси маълумотлари асосида тартибланган логит моделидан фойдаланилди. Таҳлил натижаларига кўра, Туркияда уй бекаларининг бахтиёрлиги ёки ҳаётдан қониқishi даражаси меҳнат бозоридаги бошқа категорияларга нисбатан юқори.

**Калит сўзлар:** Бахтиёрлик (ҳаётдан қониқishi), бандлик, Туркия.

**Аннотация:** участие женщин на рынке труда, а также вопрос о занятости имеет важное значение. В статье рассматривается взаимосвязь между уровнем занятости и счастье женщин в Турции. В исследовании использовалась логит-модель на основе данных World Values Survey. Согласно анализу, уровень счастья или удовлетворенность от жизни у домохозяйек в Турции выше, чем у других категорий на рынке труда.

**Ключевые слова:** счастье (удовлетворенность жизнью), занятость, Турция.

**Abstract:** the participation of women in the labor market and female employment rate are topical issues. This article examines the relationship between women's employment and their happiness levels in Turkey. The study used ordered logit Model based on data from the World Values Survey. According to the analysis, the level of happiness/life satisfaction of housewives in Turkey is higher than other categories in the labor market.

**Keywords:** Happiness (life satisfaction), employment, Turkey.

\*Мазкур мақола муаллифларнинг “Türkiye’de kadın istihdamının mutluluk ekonomisi açısından değerlendirilmesi” монографияси асосида тайёрланди.

### Кириш

Инсон ҳаёти давомида бахтга эришиш ва ўзини бахтли ҳис қилиш учун ҳаракат қилади. Гарчи бахт тушунчаси ўта қадимий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг қўшлаб жабҳаларини қамраб олишига қарамай, иқтисодий нуқтаи назардан уни тадқиқ этиш 1980-йиллардан бошланди. Америкалик олим Ричард Истерлиннинг эмпирик тадқиқотлари янги бир оқим – бахтиёрлик иқтисодиётининг вужудга келишига сабаб бўлди (Easterlin, 1973). Ғарб давлатларида фаровонликнинг ортиши бахтиёрлик тушунчасига ўзига хос ўзгартиришлар киритмоқда ва бахтиёрлик иқтисодиёти бўйича тадқиқотлар сони ортиб бормоқда (Veenhoven, 1988; Graham, 2005; Frey, 2010). Бахтиёрлик иқтисодиёти бахтиёрлик омиллари, бу омиллар ичидаги иқтисодий омил ёки кўрсаткичларнинг қай даражада эканлигини ҳамда уларнинг таъсир даражасини тадқиқ қилади. Бахтиёрлик иқтисодиётида кенг қўлланиладиган бахт атамаси, одатда, “субъектив фаровонлик”, “ҳаётдан қониқиш” ёки “ҳаёт сифати” каби атамалар билан синоним сифатида бир-бирининг ўрнида ишлатилади.

Илмий адабиётда хотин-қизлар бандлиги ва бахтиёрлик орасидаги боғлиқлик бўйича тадқиқотлар мавжуд бўлишига қарамай, Туркия мисолида бу масала нисбатан кам тадқиқ этилган. Туркия Статистика Ташкилотининг маълумотларига кўра, меҳнатга лаёқатли аҳоли сони 61 миллиондир. Бунинг қарийб 28 миллиони иқтисодий нофаол аҳоли ҳисобланади. 11 миллион хотин-қиз иш билан банд эмаслиги сабаби сифатида уй бекаси эканлигини кўриш мумкин. Туркияда хотин-қизларнинг меҳнат бозоридаги иштироки бошқа Европа мамлакатларига нисбатан паст. Шу нуқтаи назардан хотин-қизларнинг бандлик масаласини бахтиёрлик иқтисодиёти жиҳатидан таҳлил қилиш долзарб масала ҳисобланади. Ушбу илмий мақолада Туркиядаги хотин-қизларнинг банд-

лиги ва ҳаётдан қониқиши орасидаги боғлиқлик тадқиқ қилинди.

### Мавзуга оид адабиётларнинг таъкидий таҳлили

Хорижий адабиётлар ўрганилганда, хотин-қизларнинг иш билан бандлиги ва бахтиёрлик ёки ҳаётдан қониқиши ўртасидаги боғлиқликни тадқиқ этган юзлаб тадқиқотларни учратишимиз мумкин. Бу эмпирик тадқиқотлар бир-бирдан фарқ қилувчи натижаларни кўрсатади. Ferrer “Америка Ҳаёт Сифати Сўровномаси” маълумотларидан фойдаланиб, ўрта синф уй бекалари ва иш билан банд хотин-қизларнинг ҳаётдан қониқиш даражасини қиёслаган тадқиқот натижалари уй бекалари уй ишлари билан машғул бўлишдан мамнун эмасликларини кўрсатади (Ferrer, 1984). Treas ва бошқалар 28 мамлакатни қамраб олувчи “Халқаро Ижтимоий Тадқиқот Дастури Оила ва Гендер модули” маълумотларига асосланиб, эконометрик модел ишлаб чиққан. Мазкур модел натижалари уй бекаларининг тўлиқ ставкада ишлайдиган хотин-қизларга нисбатан бахтли эканлигини кўрсатади (Treas ва бошқ., 2011). Schoon ва бошқалар томонидан Эстония, Финландия ва Бирлашган Қиролликдаги иш ва шахсий ҳаёт ҳамда ҳаётдан қониқиш тадқиқ қилинди. Тадқиқот натижаларига кўра, ишлайдиганларнинг ҳаётдан қониқиш даражаси ишламайдиганларга нисбатан юқори (Schoon ва бошқ., 2005).

Юқоридаги адабиётлардаги натижалар бир-бирдан фарқ қилишига сабаб бевосита мазкур тадқиқот амалга оширилган давр, жамият, маданият билан боғлиқ ҳисобланади. Чунки хотин-қизларнинг меҳнат бозоридаги иштироки ва бахтиёрлиги/ҳаётдан қониқиши ўртасидаги муносабатга бир неча омиллар таъсир кўрсатади. Мамлакатдаги гендер муносабатлари, ҳукуқий асос, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши каби макро омиллар, яшаш жойи(қишлоқ/шаҳар), фарзанд

сони, оилавий аҳволи, турмуш ўртоғининг ижтимоий ҳолати каби микро омилларни санаб ўтиш мумкин.

### Тадқиқот методологияси

Тадқиқотда “Дунё Қадриятлар Сўровномаси” маълумотларидан фойдаланилди. Туркияга оид 1990, 1996, 2001, 2007 ва 2012 йиллар маълумотлари жамланди. Жами статистик маълумотлар орасидан 3848 нафар турк хотин-қизларига тегишли маълумотлар ажратиб олинди.

Эркис ўзгарувчи сифатида ҳаётдан қониқиш ўзгарувчиси олинди. Бу ўзгарувчи ординал қийматларга эга бўлиб, 0-умуман ҳаётдан қониқмаган ва 10-ҳаётдан жуда қониққанлигини ифодалайди.

Ёш доимий ўзгариш хусусиятига эга. Ёш ва бахтиёрлик орасида U шаклидаги боғлиқлик борлиги сабабли ёш ўзгарувчисининг квадрати ҳам моделга киритилди (Van Landeghem, 2012; Blanchflower ва Oswald, 2008; Blanchflower ва Oswald, 2009).

Фарзанд сони - хотин-қизларнинг жами фарзандлари сонини ифода этади:0-фарзандга эга эмасликни кўрсатади, 12-энг кўп фарзанд сонини кўрсатади.

Даромад даражаси ординал характерга эга бўлиб, 1 ва 10 ораликларда ўзгариб туради.

Бандлик ҳолати: тўлиқ ставкада ишлайдиган, ярим ставкада ишлайдиган, ўз бизнесини юритувчи, пенсионер, уй бекаси, талаба, ишсиз ва бошқалар (мавсумий ишларда ишлайдиган) сифатида синфлантирилди. Бу ўзгарувчилар умумлаштирилиб, моделда уй бекаси, иш билан банд (тўлиқ ставкада ишлайдиган, ярим ставкада ишлайдиган, ўз бизнесида ишлайдиган), ишсиз ва банд бўлмаган (пенсионер, талаба ва бошқалар) тўрт фарзанд ўзгарувчи сифатида моделга киритилди.

Оилавий аҳволи ўзгарувчиси оилали, севгилиси билан яшайдиган, ажрашган, турмуш ўртоғидан алоҳида яшайдиган, бева ва турмуш қурмаган сифатида синфларга ажра-

тилди. Моделга оилали, севгилиси билан яшайдиган, бева/ажрашган/алоҳида яшайдиган ва турмуш қурмаганлар тўрт фаразий ўзгарувчи сифатида киритилди.

Маълумот даражасига кўра – маълумотсиз; саводли, лекин бошланғич синфни тамомламаган; бошланғич маълумотли; ўрта маълумотли; лицей ёки ўрта-махсус маълумотли; бакалавр; магистр ва фан доктори сифатида тўққизта синфга ажратилди.

Диний эътиқодга кўра, атеист, фаол диндор ва нофаол диндор синфларига ажратилди. Атеист ва нофаол диндор бир синф сифатида моделда қўлланилди.

Йил ўзгарувчиси 5 синфга ажратилиб, моделда баҳоланди.

1-жадвал

## Ўзгарувчилар тасвирий статистикаси.

Ўзгарувчи	Ўртача (Стд.Чет)	Минимум	Максимум
Ҳаётдан қониқиш	6.68 (2.53)	1	10
Ёш	37.14 (13.33)	17	91
Ёш квадрати	1557.13 (1144.30)	289	8281
Фарзанд сони	2.20 (1.93)	0	12
Маош	3.88 (2.11)	1	10
Маълумоти	4.19 (2.38)	1	9
Оилавий аҳволи			
Турмуш қурмаган	.18 (0.38)	0	1
Бева	.061 (0.23)	0	1
Алоҳида яшовчи	.005 (0.07)	0	1
Ажрашган	.02 (0.13)	0	1
Бирга яшовчи (партнер)	.003 (0.05)	0	1
Оилали	.74 (0.44)	0	1
Бандлик ҳолати			
Бошқа	.006 (0.08)	0	1
Ишсиз	.04 (0.18)	0	1
Талаба	.04 (0.19)	0	1
Уй бекаси	.68 (0.46)	0	1
Пенсионер	.04 (0.20)	0	1
Тадбиркор	.026 (0.15)	0	1
Ярим ставкада ишлайдиган	.047 (0.21)	0	1
Тўлиқ ставкада ишлайдиган	.121 (0.32)	0	1
Йил			



2012	.19 (0.39)	0	1
2007	.17 (0.36)	0	1
2001	.36 (0.48)	0	1
1996	.16 (0.36)	0	1
1990	.12 (0.31)	0	1
Диний			
Атеист	.01 (0.07)	0	1
Нофаол диндор	.16 (0.36)	0	1
Фаол диндор	.83 (0.37)	0	1
Кузатувлар		3848	



Эркисиз ўзгарувчи кетма-кетлик хусусиятига эга эканлиги боис тартибланган логит модели қўлланилди. Эконометрик моделлар орасида тартибланган логит моделлардан биринчи бўлиб McKelvey, R. ва Zavoina фойдаланган (McKelvey ва

Zavoina, 1975). Куйидаги формула асосида:

$$y_i = \begin{cases} 1 & \text{агар } \pi_0 = -\infty \leq y_i^* < \pi_1 \\ 2 & \text{агар } \pi_1 \leq y_i^* < \pi_2 \\ 3 & \text{агар } \pi_2 \leq y_i^* < \pi_3 \\ q & \text{агар } \pi_q \leq y_i^* < \pi_{q-1} \end{cases}$$

$i=1, \dots, T$  шаклидаги регрессия модели баҳоланди.

$$f(x) = \pi_q + \sum_{n=1}^n (\beta_n * x_n)$$

## 2-жадвал

## Регрессия натижалари.

Модел1			Модел2			Модел3			
Ўзгарувчилар	Кoeffициент	Кoeffициентлар нисбати	Маргинал эффект	Кoeffициент	Кoeffициентлар нисбати	Маргинал эффект	Кoeffициент	Кoeffициентлар нисбати	Маргинал эффект
Ёш	-.03224774**	.9682667	.0017298	-.02843027*	.9719701	.0014947	-.0271603*	.9732052	.001351
Ёш^2	.00029667*	1.000297	-.0000159	.0002734*	1.000273	-.0000144	.00022045	1.00022	-.000011
Фарсанд сони				-.0120847	.987988	.0006354	-.03184149	.9686601	.0015839
Маош				.1149001***	1.121761	-.006041	.13132972***	1.140344	-.0065327
Маълумоти							-.07846255***	.9245367	.0039029
1990							-.30754145**	.7352524	.0170423
1996							-.51227815***	.5991291	.0299473
2001							-.52344917***	.5924735	.0279615
2007							.4215236***	1.524282	-.0185395
Бирга яшовчи									
Турмуш курмаган									
Бева/ажрашган									
Ишсиз									
Банд бўлмаган									
Иш билан бандлар									
Диндор1									
_cons (cut1)	-3.544031***			-3.041266***			-3.6866321***		
_cons (cut2)	-3.2553458***			-2.7504349***			-3.3938852***		
_cons (cut3)	-2.7668218***			-2.2570189***			-2.8973135***		
_cons (cut4)	-2.3570299***			-1.8417738***			-2.4779199***		
_cons (cut5)	-1.4008184***			-.86894042***			-1.4769005***		
_cons (cut6)	-.97323226***			-.43194305			-1.0190565***		
_cons (cut7)	-.46966242*			.08143584			-.48283378		
_cons (cut8)	.26631747			.8266458***			.28891689		
_cons (cut9)	.8210585***			1.3822326***			.85560757***		
AIC	16444.776			16369.69			16206.016		
Pseudo R2	0.0010			0.0058			0.0164		
Log likelihood	-82113.878			-81718.452			-80850.081		
LR chi2(2)	16.75			95.84			269.51		
Модел4			Модел5			Модел6			
Ўзгарувчи	Кoeffициент	Кoeffициентлар нисбати	Маргинал эффект	Кoeffициент	Кoeffициентлар нисбати	Маргинал эффект	Кoeffициент	Кoeffициентлар нисбати	Маргинал эффект
Ёш	-.06286767***	.9390677	.0030666	-.06323491***	.9387229	.0030452	-.06245822***	.9394523	.0029979
Ёш^2	.0006383***	1.000639	-.0000311	.00064555***	1.000646	-.0000311	.00063728***	1.000637	-.0000306
Фарсанд сони	-.0678642**	.9343874	.0033103	-.06901834**	.9333096	.0033237	-.07142121***	.9310696	.0034281
Маош	.12294883***	1.130827	-.0059973	.13080613***	1.139747	-.0062992	.13267712***	1.141881	-.0063683
Маълумоти	-.06255285***	.9393634	.0030512	-.03527423*	.9653407	.0016987	-.02881882	.9715925	.0013833
1990	-.32323986**	.7238002	.0176694	-.24219837*	.7849005	.0126998	-.20845574	.811837	.0107648
1996	-.55430902***	.5744691	.0322306	-.51349395***	.5984011	.0290959	-.48709189***	.6144106	.0272752
2001	-.55019075***	.5768398	.0289438	-.49776927***	.6078852	.0256528	-.48175288***	.6176997	.0246873
2007	.41448926***	1.513597	-.0179078	.43274694***	1.541486	-.0183609	.44625228***	1.562446	-.0187993
Бирга яшовчи	-.3860115	.6797627	.0224165	-.41344402	.6613686	.0240104	-.36975425	.6909041	.0209808
Турмуш курмаган	-.64223157***	.526117	.0380974	-.43822916***	.6451779	.024083	-.43207354***	.6491616	.0236227
Бева/ажрашган	-.47341023***	.6228745	.0276794	-.38617397***	.6796523	.0215537	-.38071535***	.6833724	.0211356
Ишсиз				-.91449039***	.4007208	.0176167	-.90604123***	.4041209	.0163702
Банд бўлмаган				-.35326152**	.7023935	.0651471	-.34129927**	.7108461	.0641129
Иш билан				-.33287965***	.7168565	.0194336	-.31220576***	.7318309	.0186292
Диндор1							-.23636737**	.7894906	.01219
_cons (cut1)	-4.601726***			-4.5233137***			-4.4986362***		
_cons (cut2)	-4.307736***			-4.2276209***			-4.2026211***		
_cons (cut3)	-3.8087863***			-3.7257244***			-3.7000383***		
_cons (cut4)	-3.3859206***			-3.3003678***			-3.2739955***		
_cons (cut5)	-2.3755002***			-2.283471***			-2.2554675***		
_cons (cut6)	-1.9138175***			-1.8190464***			-1.7903922***		
_cons (cut7)	-1.3720238***			-1.2747648***			-1.245423***		
_cons (cut8)	-.59250471*			-.49220075			-.46148477		
_cons (cut9)	-.02141323			.08102224			.11259089		
AIC	16151241			16119602			16112591		
Pseudo R2	0.0201			0.0224			0.0229		
Log likelihood	-80.546.203			-80.358.011			-80.312.956		
LR chi2(2)	330.29			367.92			376.94		

\*\*\* 1% лик статистик аҳамиятга эга.

\*\* 5% лик статистик аҳамиятга эга.

\* 10% лик статистик аҳамиятга эга.

2012 йил, оилали, уй бекаси, фаол диндор реферанс ўзгарувчи

### Тадқиқот натижаларининг муҳокамаси

Юқоридаги Модел [1], [2], [3], [4], [5] ва [6]ларни баҳолашда тартибланган логит моделидан фойдаланилди. Модел [1] натижаларига кўра, ёш ва ҳаётдан қониқиш ўртасида негатив боғлиқлик мавжуд. Ёш категорияси бир birlik ортганда, ҳаётдан қониқиш даражаси 0.0017298 баравар камаяди. Бошқача қилиб айтганда, ёшнинг ортиши ҳаётдан қониқишга салбий таъсир қилади. Ёш ўзгарувчиси квадрати ва ҳаётдан қониқиш ўртасида боғлиқлик позитив эканлиги ёш ва ҳаётдан қониқиш/бахт ўртасидаги муносабатлар U (қавариқ) шаклидалигини ифодалайди. Бу эса инсонларнинг ёш ва стуклик чоғларида ҳаётдан қониқиш даражалари юқорирок, ўрта ёшда ҳаётдан қониқиш даражаси пастроқ бўлишини кўрсатади. Ўрта ёшдагиларнинг ҳаётдан қониқиш даражасининг пастлиги бу даврда мажбуриятларнинг орти-

ши ва ҳаётдаги орзу-ниятларнинг рўёбга чиқиш эҳтимоллиги билан характерланади. Фарзандлар сони ва ҳаётдан қониқиш даражаси орасида статистик жиҳатдан аҳамиятсиз негатив боғлиқлик кузатилган. Даромад ва ҳаётдан қониқиш даражаси ўртасида эса тўғридан-тўғри боғлиқлик мавжуд. Даромаднинг ошиши шахснинг орзу-умидларини амалга оширишга бевосита таъсир кўрсатади ва бу орқали ҳаётдан қониқиш даражаси ортишининг асосий омили сифатида қаралади.

Ҳаёт мамнунияти 1990, 1996 ва 2001 йилларда 2012 йилга нисбатан пастроқ. 2007 йилда хотин-қизларнинг ҳаётдан қониқиш даражаси 2012 йилга нисбатан юқори эканлиги кузатилади. Маълумот даражаси ва ҳаётдан қониқиш ўртасида статистик жиҳатдан аҳамиятли ва салбий боғлиқлик мавжуд. Бошқача қилиб айтганда, маълумоти даражаси қанчалик юқори бўлса, хотин-қизларда ўз ҳаётидан қониқиш дара-

жаси пасаяди. Маълумотнинг юксалиши дунёдан хабардорликнинг ортишига сабаб бўлиши натижасида орзу ва режаларнинг ўсишига таъсир кўрсатади.

Моделда [4] оилали хотин-қизлар асосий тоифа сифатида қабул қилинган. Моделда бирга яшовчи (партнер) билан яшайдиган иштирокчиларнинг ҳаётдан қониқиш даражаси статистик жиҳатдан аҳамиятсиз. Ажрашган, бева, турмуш қурмаган хотин-қизларнинг оилали хотин-қизларга қараганда ҳаётдан қониқиш даражаси пастлиги кузатилади.

Моделда [5] бандлик ҳолатига кўра ҳаётдан қониқиш даражаси прогноз қилинган. Уй бекалари реферанс (асосий) тоифа сифатида баҳоланган. Иш билан бандлар, ишсизлар ва меҳнат бозорида бўлмаган (талаба, ногирон, пенсионер)ларнинг ҳаётдан қониқиш даражаси уй бекаларининг ҳаётдан қониқиш даражасига нисбатан паст эканлигини кузатиш мумкин.





Модел[6]да дин омили баҳоланди. Модел натижаларига кўра, ёш, фарзанд сони, маълумоти, диний нофаоллик ва ҳаётдан қониқиш орасида негатив боғлиқлик мавжудлиги кузатилди. Ёш ўтиши билан инсондаги масъулиятларнинг ҳам ортиши инсонларда негатив ҳиссиётларни орттириб, ҳаётдан қониқиш даражасини пасайтиради. Маълумот даражаси ва ҳаётдан қониқиш орасидаги негатив боғлиқлик шахс маълумот даражасининг ортиши иш ҳаётидаги орзу-умидларининг юксалиши, юқори маош хоҳиши билан характерланади. Модел натижалари илмий адабиётларда мавжуд натижаларга мос келади (Clark ва Oswald, 1996).

Фарзанд сони ва ҳаётдан қониқиш орасидаги боғлиқлик шу тарзда ифода этилади: 1-фарзанд ҳаётдан қониқишга ижобий таъсир кўрсатса, 2 ва ундан ортик фарзанд моддий муаммолар ва масъулиятнинг ортишидан келиб чиққан ҳолда негатив таъсир кўрсатади. Атеист ва нофаол диндорнинг фаол диндорга нисбатан ҳаётдан қониқиш даражаси паст.

Ёшнинг квадрати, оилали бўлиш, юқори даромад, уй бекаси бўлиш каби категорияларнинг ҳаётдан қониқишга ижобий таъсири кузатилди.

Ёшнинг квадрати ва ҳаётдан қониқиш орасидаги кавариқ шаклдаги боғлиқлик кузатилди. Оилали инсонларнинг бошқа оилавий аҳволига кўра ажратилган категорияларга нисбатан ҳаётдан қониқиши юқори. Бу эса оилада моддий манбаларнинг кўпайиб, жисмоний томондан соғлиғи яхшиланиши ва руҳий кўллаб-қувватланиш орқали фаровонликнинг ортиши билан боғлиқ (Joung ва бошқ., 1997).

Меҳнат бозоридаги иштирокига кўра, Туркияда уй бекаларининг бошқа категорияларга нисбатан ҳаётдан қониқиш даражаси юқори эканлиги кузатилди. Бунга меҳнат бозоридаги хотин-қизларга яратилган меҳнат шароити, оила ва карьера муносабатлари, менталитет каби бир қатор омиллар сабаб бўлиши мумкин.

Тадқиқотда эркили ўзгарувчиларнинг эрксиз ўзгарувчини тушунтиришга нисбати 0,029 (Псевдо-R<sup>2</sup> = 0,0229) ни ташкил этди.

### Хулоса ва таклифлар

Тадқиқотда Туркиядаги хотин-қизларнинг иш билан бандлиги ва ҳаётдан қониқиш ўртасидаги боғлиқлик эконометрик моделлаш методи орқали баҳоланди. Тартиб-

ланган логит модел асосида 1990-2012 йиллар учун амалга оширилган таҳлилга кўра, Туркияда уй бекаларининг ҳаётдан қониқиши иш билан банд (тўлиқ ставкада ишлайдиган, ярим ставкада ишлайдиган, тадбиркор), ишсиз ва банд бўлмаган хотин-қизлар ҳаётдан қониқиш даражасига нисбатан сезиларли даражада юқори. Мазкур тадқиқот Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар доирасида, хусусан, камбағалликни қисқартириш, хотин-қизлар иқтисодий фаоллигини ошириш ва жамиятда гендер тенглигини таъминлаш нуқтаи назаридан аҳамият касб этади. Ўзбекистонда хотин-қизларнинг меҳнат бозоридаги иштироки ва ҳаётдан қониқиш даражаси орасидаги боғлиқликни баҳолаш орқали бахтиёрликка негатив таъсир этувчи омилларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш имкони пайдо бўлади.

### Ташаккурнома

Ушбу тадқиқот иши Анадоли Университети Илмий тадқиқот лойиҳалари комиссияси томонидан қабул қилинган 1709E494-сонли лойиҳа асосида молиялаштирилган.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Blanchflower, D. G., & Oswald, A. J. (2008). Is well-being U-shaped over the life cycle? *Social science & medicine*, 66(8), 1733-1749
2. Blanchflower, D. G., & Oswald, A. J. (2009). The U-shape without controls: A response to Glenn. *Social Science & Medicine*, 69(4), 486-488
3. Clark, A. E., & Oswald, A. J. (1996). Satisfaction and comparison income. *Journal of public economics*, 61(3), 359-381
4. Easterlin, R. A. (1973). Does money buy happiness?. *The public interest*, 30, 3.
5. Ferree, M. M. (1984). Class, housework, and happiness: Women's work and life satisfaction. *Sex Roles*, 11(11-12), 1057-1074
6. Frey, B. S. (2010). *Happiness: A revolution in economics*. MIT press
7. Graham, C. (2005). The economics of happiness. *World economics*, 6(3), 41-55
8. Hayo, B., & Seifert, W. (2003). Subjective economic well-being in Eastern Europe. *Journal of Economic Psychology*, 24(3), 329-348
9. Joung, I. M., Stronks, K., Van De Mheen, H., van Poppel, F. W., Van der Meer, J. B. W., & Mackenbach, J. P. (1997). The contribution of intermediary factors to marital status differences in self-reported health. *Journal of Marriage and the Family*, 476-490
10. McKelvey, R. D., & Zavoina, W. (1975). A statistical model for the analysis of ordinal level dependent variables. *Journal of mathematical sociology*, 4(1), 103-120.
11. Schoon, I., Hansson, L., & Salmela-Aro, K. (2005). Combining work and family life: Life satisfaction among married and divorced men and women in Estonia, Finland, and the UK. *European Psychologist*, 10(4), s. 309.
12. Treas, J., van der Lippe, T., & Tai, T. O. C. (2011). The happy homemaker? Married women's well-being in cross-national perspective. *Social Forces*, 90(1), 111-132
13. Van Landeghem, B. (2012). A test for the convexity of human well-being over the life cycle: Longitudinal evidence from a 20-year panel. *Journal of Economic Behavior & Organization*, 81(2), 571-582;
14. Veenhoven, R. (1988). The utility of happiness. *Social indicators research*, 20(4), 333-354.





Нилуфар САФАРОВА,  
PhD, Прогнозлаштириш ва  
макроиқтисодий тадқиқотлар  
институти етакчи  
илмий ходими

## Тиббий туризмни ривожлантиришда соғликни сақлаш тизимининг ўрни: таҳлил ва тавсиялар

**Аннотация:** мазкур мақола тиббий туризмни ривожлантиришда муҳим ўринга эга бўлган омилларни ўрганишга бағишланган. Адабиёт шарҳида ушбу йўналишда олиб борилган муҳим илмий ишлар ёритилган ва турли концептуал ёндашувлар муҳокама қилинган. Тиббий туризм индекси, Глобал саломатлик хавфсизлиги индексларининг халқаро таъриф буюрувчилар сонига таъсирини 141 та мамлакат танланмаси асосида аниқлаш орқали халқаро туризм, хусусан, тиббий туризм ривожланишига соғликни сақлаш тизими таъсири тасдиқланди ва тавсиялар тайёрланди.

**Калит сўзлар:** тиббий туризм, тортувчи омиллар, ундовчи омиллар, Тиббий туризм индекси, Глобал саломатлик хавфсизлиги индекси

**Аннотация:** в статье исследуются основные детерминанты развития медицинского туризма. В обзоре литературы освещаются важные исследования в этой области и обсуждаются различные концептуальные подходы. Было подтверждено влияние системы здравоохранения на развитие международного туризма, в частности медицинского туризма, и были подготовлены рекомендации путем определения влияния Индекса медицинского туризма на количество иностранных посетителей на основе выборки из 141 страны.

**Ключевые слова:** медицинский туризм, факторы притяжения, факторы выталкивания, Индекс медицинского туризма, Индекс глобальной безопасности в области здравоохранения.

**Abstract:** this article investigates main determinants of medical tourism development. The literature review highlights important research in this area and discusses different conceptual approaches. The impact of the health care system on the development of international tourism, particularly, medical tourism, was confirmed and recommendations were prepared by determining the impact of the Medical Tourism Index on the number of international visitors based on a sample of 141 countries.

**Keywords:** medical tourism, pull factors, push factors, Medical tourism index, Global Health Security index

### Кириш

Медицина, алоқа ва транспорт соҳасида кечаётган шиддатли технологик тараққиёт нагжасида тиббиёт ва туризм хизматлари уйғунлашиб, глобал тиббий туризм бозори шаклланди. Маълумотларга кўра, ушбу бозор ҳажми 2019 йилда қарийб 104 млрд. АҚШ долларни ташкил этиб, 2027 йилгача 273 млрд. АҚШ долларига етиши прогноз қилинмоқда [1]. Халқаро туризмнинг юқори ўсиш салоҳиятига эга бўлган мазкур тармоғи кўплаб ривожланаётган давлатлар эътиборини ўзига жалб этаётганини кузатиш мумкин. Тиббий туризм инсонларга юқори сифатли тиббий хизматларни нисбатан арзонроқ нархларда кўрсатишига имкон яратганлиги билан ҳам алоҳида аҳамиятлидир [8].

Эътиборли жиҳати шундаки, дунё тиббий туризм бозорида элликка яқин йирик иштирокчилар бўлиб, тушумларнинг асосий қисми Осиё қитъасига тўғри келади. Сингапур, Малайзия, Тайланд ва Ҳиндистон биргаликда Осиё тушумларининг 80%ини ўзида жамлайди ва бундай муваффақият кўплаб олимлар диққатини ўзига тортади [11]. Санаб ўтилган мамлакатларнинг туристик жозибадорлиги, инфратузилмаси, юқори сифатли ва нисбатан арзон тиббиёт хизматлари тиббий туризм ривожланишида ҳал этувчи ўринга эга деб ҳисобланади.

Бугунги кунда бутун дунёни камраб олган Ковид-19 вирусининг пандемияси барча мамлакатлар олдида соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш вазифасини қўйиш билан биргаликда пандемияни муваффақиятли бартараф этган давлатлар тиббий туризм бозоридаги ўрнини мустаҳкамлаб олиши кутилмоқда. Бундай вазиятда тиббий туризм бозорига янги иштирокчилар кириб келишига қулай шарт-шароит вужудга келиши кўплаб ривожланаётган давлатлар, хусусан, Ўзбекистон учун айтиш мумкин.

Таъкидлаш лозимки, юртимиз юқори туристик салоҳияти, қулай

табiiй иқлими ва географик жойлашуви туфайли тиббий туризмни ривожлантиришда бой имкониятларга эга. Шунга қарамадан, республикамизга атиги 0,8% ташриф буюрувчилар даволаниш ва соғломлаштириш мақсадида келади [16], бу эса тиббий туризмни ривожлантириш борасида тизимли ишлар амалга оширилиши зарурлигини кўрсатади. Мазкур тадқиқот иши тиббий туризм ва глобал саломатлик индексларидан фойдаланиб, тиббий туризм ривожланишидаги асосий омилларни аниқлаш ва Ўзбекистондаги салоҳиятдан оқилона фойдаланиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишга бағишланади.

### Адабиёт шарҳи

Жаҳон иқтисодиётига миллиардлаб фойда келтираётган тиббий туризм феноменини ўрганишга қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Мазкур йўналишда дунёнинг энг нуфузли илмий журналларида қарийб мингга яқин мақолалар чоп этилиб, улардан 400 дан ортиқ мақола тиббий туризм ривожланишида аҳамиятли бўлган омилларни ўрганишга бағишланган [6].

Юқори сифатли тиббиёт хизматлари учун бошқа давлатларга бориш аввал ҳам учраб турган бўлсада, XXI аср бошларига келиб, бундай ҳолат оммавий тусга кирди. Саломатлигини тикламоқчи бўлган кишилар талабини қондириш учун туризм соҳаси вакиллари қулай шароитлар яратиш орқали тиббий туризм вужудга келди [4]. Тиббий туризмга кўплаб турли таърифлар берилган бўлиб, уларни умумлаштириб, “инсон саломатлигини тиклаш мақсадида ўз яшаш маконидан бошқа маконга бориб, тиббиёт ва туризм хизматларидан фойдаланиши” дейиш мумкин. Кўпинча бундай тиббий хизматлар жарроҳлик ва косметик операциялар ҳамда дантист хизматларини камраб олади [10].

Юқорида таъкидлангандек, илмий адабиётда тиббий туризм ривожланишидаги омилларни ўрганиш алоҳида ўрин тутаяди. Бунда омиллар тортувчи ва ундовчи (pull – push) омилларга ажратилган. Ундовчи (push) омиллар инсоннинг ички эҳтиёжларидан келиб чиқади, тортувчи (pull) омиллар эса саёҳат жойи хусусиятларидан келиб чиқади. Бошқача қилиб айтганда, ундовчи омиллар инсонда саёҳатга чиқиш истагини пайдо қилади, тортувчи омиллар эса саёҳат маконини танлашга ёрдам беради [6].

Тиббий туризмда ундовчи омилларга алоҳида туристнинг хусусиятлари, яъни ёши, жинси, даромади, маданияти, суғуртаси ва саломатлиги билан боғлиқ жиҳатлари киради [3]. Таҳлиллар кенг тарқалган ундовчи омиллар ўз ичига шифокор, оила аъзолари ва дўстлар тавсияси, суғурта суммасининг кичиклиги, иш берувчи ёки суғурталовчининг хориждаги даволаниш ҳаражатларини қоплаши, даволанишнинг конфиденциаллиги кабиларни камраб олишини кўрсатади. Шу билан биргаликда, саёҳат агентликлари, тиббий туризм компаниялари ва ижтимоий тармоқлардаги фикрлар ҳам саёҳат маконини танлашда муҳим ўринга эга [15].

Бундан ташқари, даволаниш мамлакатининг географик яқинлиги, аҳолиси маданияти ўхшашлиги, ўз юртида зарур тиббий муолажаларнинг йўқлиги, маҳаллий тиббиёт тизими сифатига ишончсизлик тиббий туризмда ундовчи омиллар қаторига киради [2, 7, 9].

Тиббий туризмда тортувчи омиллар икки турга бўлинади: тиббиётга оид ва манзилга оид омиллар. Тиббиётга оид омиллар қаторига даволаниш баҳосининг арзонроқлиги, хизмат сифати, ходимларнинг тил билиши, тиббиёт жиҳозларининг аккредитациядан ўтганлиги, кутиш вақтининг камроқлиги, шифоҳона довуғи-мавқеи (репутацияси), шифокорларнинг довуғи киради. Белгиланган манзилга оид омиллар-

га эса мамлакатнинг иқтисодий тараққиёти, соғлиқни сақлаш тизими ва туристик салоҳияти киради. Янада аниқроқ айгганда, инфратузилма, сиёсий ва ижтимоий барқарорлик, валюта курслари, овқатланиш ва яшаш жойлари, шифокорларнинг шуҳрати кабилар энг муҳим тортувчи омилларга тегишлидир. Тиббий туризмга оид адабиётда тортувчи омилларга кўпроқ эътибор қаратилади, хусусан, 2016 йилдан буён мунтазам эълон қилинаётган тиббий туризм индекси ҳам тортувчи омиллар тўплами асосида ҳисобланади.

#### Методология ва таҳлил

Шундай қилиб, адабиёт шарҳидан у ёки бу давлатда тиббий туризм ривожланишида мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий муҳити, соғлиқни сақлаш тизими сифати юқори аҳамиятга эга деган хулосага келинди.

Мазкур хулоса амалиётда қай даражада аҳамиятлилигини аниқлаш учун (1) ифодани 141 та давлат миқёсидаги статистик маълумотлар асосида баҳолаймиз.

$$LogTA_i = \beta_0 + \beta_1 GHI_i + \beta_2 LogPOP_i + \beta_3 LogTrade_i + DUMI + \epsilon_i \quad (1)$$

Бунда,  $LogTA_i$  –  $i$  давлатга халқаро ташриф буюрувчилар оқими ҳажмининг логарифми;  $GHI_i$  - Глобал саломатлик индексида ҳисобланган соғлиқни сақлаш тизими субиндекси;  $LogPOP_i$  – аҳоли сони логарифми;  $LogTrade_i$  – товар ва хизматлар импорт ва экспорт йиғиндисининг ЯИМдаги улуши логарифми;  $DUMI$  – мамлакатда тиббий туризмга ихтисослашув борлигини кўрсатувчи фиктив ўзгарувчи.

Глобал саломатлик индексига қисқача тўхталиб ўтадиган бўлсак, у 2019 йили Жон Хопкинс саломатлик маркази бошчилигида тайёрланди. Ушбу индекс 195 мамлакат бўйича ишлаб чиқилган бўлиб, ҳар бир давлат соғлиқни сақлаш тизимининг эпидемия ёки пандемия шароитига қанчалик тайёр эканлиги баҳоланган. Индексда ҳар бир мамлакатнинг соғлиқни сақлаш тизими билан биргаликда патогенлар чиқиб кетиши олди олиними, халқаро эпидемик таҳдидни ўз вақтида аниқлаш, эпидемик ҳолатга тезкор жавоб бериш имкони, халқаро меъёрларга риоя қилиш, муҳит

хавф-хатари мезонлари ҳам эътиборга олинган. Глобал саломатлик рейтингда АҚШ, Буюк Британия, Нидерландия, Австралия ва Канада етакчи ўринларни эгаллаган. Бугунги кундаги пандемия мазкур рейтинг натижаларига бир қанча саволлар туғдиришига қарамасдан, тадқиқотимизда соғлиқни сақлаш тизими субиндекси баҳоларидан фойдаланамиз, чунки қайд этилган субиндекс мамлакатдаги шифохоналар ва шифокорлар сони, юқумли касалликлар назорати, янги муолажаларни ишлаб чиқиш ва текшириш салоҳияти мезонлари асосида ўлчанган.

$POP_i$  ва  $Trade_i$  ўзгарувчилардан давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий муҳитини киритиш ва натижалар тўғрилигини назорат қилиш учун фойдаланилди.  $DUMI$  жаҳон тиббий туризм оқимлари 80%ини қабул қилувчи 50 та давлат учун “1” қиймат, қолган мамлакатларга “0” қиймати берилди.

Биринчи навбатда, ўзгарувчилар орасидаги корреляцион боғлиқлик текширилди (1 жадвал).

#### 1-жадвал

#### Ўзгарувчилар орасидаги корреляция.

	<i>LogTA</i>	<i>LogTrade</i>	<i>LogPOP</i>	<i>GHI</i>	<i>DUMI</i>
<i>LogTA</i>	1,0000				
<i>LogTrade</i>	0,313	1,0000			
<i>LogPOP</i>	0,5843	-0,4168	1,0000		
<i>GHI</i>	0,7037	0,1027	0,3065	1,0000	
<i>DUMI</i>	0,5613	-0,1023	0,4167	0,3865	1,0000

Кўриниб турганидек, мустақил ўзгарувчиларнинг ўзаро корреляцияси кучли эмас, демак, уларни битта регрессияда қўллаш мумкин.

Регрессия натижалари 3- жадвалда берилди. Натижалар кўрсатишича, мамлакатда халқаро савдо ҳажмининг юқорилиги халқаро ташриф буюрувчилар оқимини оширади, бу илмий адабиётда кенг тасдиқланган ва натижаларимиз тўғрилигини кўрсатади. Адабиётда соғлиқни сақлаш тизими

сифати ушбу оқимга қандай таъсир қилиши давлатларнинг катта тўплами миқёсида баҳоланмаган, бизнинг натижаларимиз эса тизим сифати ижобий таъсир қилишини тасдиқлади. Яъни, соғлиқни сақлаш индекси 1 пунктга ортса, ташриф буюрувчилар ҳажми 4,6 %га ўсади. Бундан ташқари,  $DUMI$  фиктив ўзгарувчиси орқали тиббий туризмга ихтисослашув мамлакатга умумий ташриф буюрувчилар кўпайишига олиб келишини кўрсатди.



## 2- жадвал

## Регрессия натижалари.

Ўзгарувчи	Коэффициент	Стандарт оғиш
<i>LogTrade</i>	0,56**	0,20
<i>LogPOP</i>	0,39***	0,062
<i>GHI</i>	0,046***	0,035
<i>DUMI</i>	0,83***	0,383
Константа	4,27***	1,05
R <sup>2</sup>	0,72	

**Изоҳ:** \*\*\*, \*\*, \* - мос равишда 1%, 5% ва 10% ли оралиқларда статистик аҳамиятли

Демак, соғлиқни сақлаш тизими сифатини ошириш, бир тарафдан, ўз аҳолимиз саломатлигини ҳимоя қилишни яхшилаш, бошқа томондан тиббий туризмин ривожлантиришга замин яратади.

Тайланд, Малайзия ва Сингапурнинг тиббий туризм ривожланиши бўйича тажрибаси ўрганилганда, шифохоналарнинг халқаро аккре-

дитациядан ўтганлигига алоҳида урғу берилган. Кўп муваффақиятли давлатларда JCI аккредитациясидан ўтган, АКШда сертификатланган шифокорларни кўпайтириш стратегиясини қўллаган бўлса, Малайзия ўз шифохоналарини халқаро стандартлаштириш ташкилоти (ISO) сертификатлаштиришидан фойдаланган. Соҳа ривожланишида санаб

ўтилган мамлакатларнинг туристик салоҳияти ҳам ўта муҳим ўринга эга.

Хулоса ўрнида, Ўзбекистон Республикаси тиббий туризм йўналишини ривожлантиришда юқори салоҳиятга эга эканлиги ва бу борада тиббиёт соҳасини халқаро даражада ривожлантириш юқори аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаш лозим.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- Allied Market Research. 2020. "Medical Tourism Market by Treatment Type (Cardiovascular Treatment, Orthopedic Treatment, Neurological Treatment, Cancer Treatment, Fertility Treatment, and Others) - Global Opportunity Analysis and Industry Forecast, 2019-2027." <https://www.alliedmarketresearch.com/medical-tourism-market>.
- Chang, I., C., Chou, P., C., Yeh, R. K., J., & Tseng, H., T. (2016). Factors influencing Chinese tourists' intentions to use the Taiwan Medical Travel App. *Telematics and Informatics*, 33(2), 401–409
- Fetscherin, M., and Stephano, R., M. 2016. "The Medical Tourism Index: Scale Development and Validation." *Tourism Management* 52 (1): 539–56.
- Ghosh, T. & Mandal, S. (2018). Medical tourism experience: conceptualization, scale development, and validation. *Journal of travel research*, pp.1-14.
- John Hopkins Bloomberg School of Public Health. (2019). Global Health Security index: Building Collective Action and Accountability. [www.ghsindex.org](http://www.ghsindex.org).
- John, S., P. & Larke, R. (2016). An analysis of push and pull motivators investigated in medical tourism research published from 2000 to 2016. *Tourism Review International*, Vol. 20, pp. 73–90 75
- Mamun, M., Z., & Andaleeb, S., S. (2013). Prospects and problems of medical tourism in Bangladesh. *International Journal of Health Services: Planning, Administration, Evaluation*, 43(1), 123–141.
- Momeni, K., Janati, A., Imani, A., Khodayaru-Zarnaq, R. (2018). Barriers to the development of medical tourism in East Azerbaijan province, Iran: A qualitative study. *Tourism Management*, 69, pp.307-316.
- Ormond, M., & Sulianti, D. (2014). More than medical tourism: Lessons from Indonesia and Malaysia on South intra-regional medical travel. *Current Issues in Tourism*, 1–15.
- Sandberg, D., S. (2017): Medical tourism: An emerging global healthcare industry. *International Journal of Healthcare Management*, pp.1-7.
- Thebusinessresearchcompany. <https://www.thebusinessresearchcompany.com/report/medical-tourism-market-global-report-2020-30-covid-19-growth-and-change>) Global Medical Tourism Market Data and Industry Research Analysis
- Vincent C., S., H. , Kucukusta, D. & Song, H. (2010). A Conceptual Model of Medical Tourism: Implications for Future Research. *Journal of Travel & Tourism Marketing*, 27:3, pp. 236-251
- Vincent C., S., H. , Kucukusta, D. & Song, H. (2010). Medical tourism development in Hong Kong: an assessment of the barriers. *Tourism management* 32, pp. 995-1005.
- Wilson, T.(2018). Health tourism today and into the future. PwC Health Industries Leader report.
- Wongkit, M., & McKercher, B. (2013). Toward a typology of medical tourists: A case study of Thailand. *Tourism Management*, 38, 4–12
- Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси бюллетени, 2020 йил.





## Қишлоқ туманларида тадбиркорликни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари

**Аннотация:** мақолада Ўзбекистон ҳудудларини, жумладан туманларни ривожлантиришида тадбиркорликнинг мақсад ва вазифалари асосланган, кичик бизнесни қишлоқ жойларда фаолият олиб боришининг ўзига хос хусусиятлари очиб берилган.

**Калит сўзлар:** қишлоқ туманлари, тадбиркорлик, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, маҳаллий салоҳият, иш жойлари, аҳоли даромадлари, инвестицион инфратузилма, талаб ва таклиф, камбағалликни қисқартириш, харажатлар, тўлов қобилияти турлари, тадбиркорликнинг ўзига хос хусусиятлари, кичик саноат зоналари, маҳаллий туризм кластерлари, чегара ҳудудлари.

**Аннотация:** в статье обоснованы цели и задачи, особенности организации малого бизнеса и частного предпринимательства в административных туманах Узбекистана, выявлены взаимосвязь местного природно-экономического потенциала и устойчивого развития предпринимательства в сельских территориях.

**Ключевые слова:** сельские туманы, предпринимательство, социально-экономическое развитие, местный потенциал, рабочие места, доходы населения, инвестиционная инфраструктура, спрос и предложение, сокращение бедности, затраты, виды платежеспособности, специфика предпринимательства, малые промышленные зоны, местные туристические кластеры, приграничные районы.

**Abstract:** the article substantiates the goals and objectives, features of organizing small business and private entrepreneurship in the administrative fogs of Uzbekistan, reveals the relationship between the local natural and economic potential and sustainable development of entrepreneurship in rural areas.

**Keywords:** entrepreneurship, socio-economic development, local potential, jobs, incomes of the population, investment infrastructure, supply and demand, poverty reduction, costs, types of solvency, specifics of entrepreneurship, small industrial zones, local tourist clusters, border areas.

Рахмон ПАЙГАМОВ,  
Прогнозлаштириш ва  
макроиқтисодий тадқиқотлар  
институтини бўлим бошлиғи

Ўзбекистон шароитида қишлоқ туманларини барқарор ривожлантиришда бандликни таъминлаш, ишсизликни ва камбағал оилаларни камайтириш, маҳаллий салоҳиятнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда тадбиркорликни ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Тадбиркорлик тўғрисида гапирганимизда уни янгиликка интилувчи ижтимоий-иқтисодий тизимнинг асосий субъекти ва ўйинчиси эканлиги илмий назарияларда асослаб берилган. Унинг кучли томонлари иш бошлаш учун катта бўлмаган бошланғич капиталнинг кераклиги, юқори самарадорликка эришиши, иқтисодиёт конъюнктурасининг тез ўзгарувчанлигига ўз вақтида мосла-


шуви ва хусусий мулкка асосланган мустаҳкам фаолиятни олиб боришдан иборат. Тадбиркорликнинг асосий вазифаси ижтимоий-иқтисодий ривожланишга ўз ҳиссасини қўшиш (1-расм).

Қишлоқ туманларида тадбиркорликни ташкил қилишнинг энг асосий мақсади демографик вазиятдан келиб чиққан ҳолда, ишсизлик даражасини камайтириш учун янги иш жойларини шакллантиришдан иборат. Бунинг учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш орқали турли шаклдаги тадбиркорликни ривожлантиришга кенг йўл очиб бериш лозим. Ишсиз аҳолини касб - хунарга ўргатиш ҳисобига тадбиркорликнинг янада

барқарор ривожланишини таъминлаш мумкин. Аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш жойларининг ташкил этилиши даромадларнинг янада ошиши учун бевосита тўртки бўлади. Даромадларнинг ошиши эса қишлоқда аҳоли тўлов қобилиятини ошириш ва истеъмол товарлар бозоридаги талабнинг нисбатан юқори даражага эришишига тўртки бўлади.

Тадбиркорлик фаолиятининг муҳим йўналиши қишлоқ иқтисодиёти ва аҳоли эҳтиёжларини қондириш бўлиб, ишлаб чиқариш кўлами, унинг таркиби, экспорт миқдори ушбу талаблар асосида шакллантирилади.





**1-расм. Туманларнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишида тадбиркорларнинг ўрни.**

**Манба:** муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Туманларда тадбиркорликни ривожлантириш учун бой табиий-иқтисодий салоҳият мавжуд. Биринчи навбатда бу керакли ишчи кучининг мавжудлиги билан боғлиқ. Шунингдек, қулай табиий салоҳиятга эга бўлган туманларни ҳам эътироф этиш мақсадга мувофиқ. Улар маҳаллий хом ашё, минерал ресурслар, дам олиш ва туризмни ривожлантириш омилларидир. Улардан самарали фойдаланган ҳолда мавжуд рақобат афзалликларини, ўсиш нукталарини аниқлаш лозим. Хусусий тадбиркорликнинг туманларда таълим тизимини, соғлиқни сақлаш, аҳолини уй-жой билан таъминлашдаги ўрнини алоҳида кўрсатиш керак. Айниқса, аҳолини сифатли уй-жой билан таъминлашда қурилиш соҳасидаги тадбиркорларнинг ҳиссаси юқори эканлигини кўриш мумкин.

Туманга замонавий янги технологияларни олиб кириш, инновацион лойиҳаларни ва илғор режаларни амалга оширишда тадбиркорликнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Инновацион рақамли технологиялар қишлоқ аҳолисининг таълим салоҳияти ва маданиятининг юқори даражага кўтарилишида қатта туртки бўлади. Қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини яхшилашда, камбағалликни қисқартиришда барча шаклдаги тадбиркорларнинг иштироки зарур бўлиб, улар бу йўналишда туман кесимида ишлаб чиқилган стратегия ва мақсадли дастурларни амалга оширишда қатнашишлари жуда муҳимдир.

Туманларда маҳаллий бюджетларни шакллантиришда, дотациядан яъни беғараз давлат ёрдамидан чиқариш, номарказлаштириш тамойил-

лари асосида уларнинг мустақиллигини ошириш ва салоҳиятини кўпайтиришга қаратилган сиёсат амалга оширилмоқда. Тадбиркорлик кўламини қанчалик кўп оширсак маҳаллий бюджетга тушумларни шунчалик кўпайтирган бўламыз. Хусусий тадбиркорликнинг тумандаги муҳим вазифаси бозор иқтисодиёти механизмларини қўллаш, кўламини кенгайтириш, аҳолини бозор шароитида меҳнат қилишга чорлашдан иборат. Қишлоқ иқтисодиётида хусусий тадбиркорлик рақобат муҳитининг шаклланишига, нархларни эркинлаштириш учун имкониятлар яратиб беради. Умуман туманнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишида тадбиркорликнинг ўрни жуда юқори бўлиб, уларнинг турли шакллари ва усуллари билан тадбиркорлик ўртасидаги мувозанатга эришиш, табиий-иқтисодий вазиятдан келиб чиққан ҳолда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш механизмларини табақалашган ҳолда амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Тадбиркорликнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдаги улуши жуда юқори эканлигини ҳеч қачон эсдан чиқармаслик керак. Хо-

риж ва мамалакатимизда қишлоқ жойларда ўтказилган сўровномалар натижаларини умумлаштириб, чуқур таҳлил орқали тадбиркорлик фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари аниқланган. (2-расм).

Ушбу хусусиятлар икки гуруҳга бўлинган. Биринчиси тадбиркорликни ташкил қилиш, иккинчиси унинг фаолияти билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий масалалар. Объектив ҳолат сифатида қишлоқ жойларда тадбиркорлик билан шуғулланувчилар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўзаро кооперация асосида амалга оширадилар. Улар турли хизматларга бўлган эҳтиёжларни қондириш билан шуғулланадилар (ветеринария, техник таъмирлаш, молия- банк, савдо ва бошқалар). Таҳлилларнинг кўрсатишича қишлоқ жойларда мавжуд меҳнат ресурслари нисбатан асосан кичик бизнес (қишлоқ хўжалигидан ташқари) билан шуғулланаётган тадбиркорлар ҳиссасига тўғри келмоқда. Йирик ва ўрта бизнесга қараганда кичик корхоналар қишлоқ тадбиркорлигининг асосини ташкил қилмоқда. Ушбу хусусият янги тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилувчилар учун жуда муҳимдир. Тадбиркорликни тармоқлар кесимида ўрганилганда, савдо ва хизматлар билан шуғулланувчиларнинг улуши нисбатан юқори. Кўпгина туманларда кичик саноат корхоналарини ташкил этиш долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. Аҳолиси кам қишлоқларда барча тармоқлар бўйича тадбиркорликни ташкил қилиш самарали эмас. Шу сабабли тадбиркорлик битта корхона орқали бир неча хизмат турларига бўлган талабни қондиришга мўлжалланган.



2-расм. Қишлоқ жойларда тадбиркорликни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари.

Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Қишлоқ туманларида миллий анъаналарни сақлаб қолиш, ота-боболар касбини давом эттириш орқали хунармандчиликни ривожлантириш тадбиркорликнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади. Хунармандчилик асосан алоҳида инсон салоҳиятига боғлиқ бўлиб, яқка тартибда тадбиркорликни ривожлантиришнинг муҳим йўналиши сифатида қараш мақсадга мувофиқ.

Қишлоқларда тадбиркорликни ривожлантириш маълум объектив сабабларга кўра (кадрлар салоҳияти, талабнинг нисбатан пастлиги, инфраструктуранинг талаб даражасида эмаслиги ва бошқалар) шаҳарларга нисбатан кўпроқ давлат томонидан ёрдамга ва қўллаб-қувватлашга муҳтож.

Ижтимоий-иқтисодий йўналишдаги тадбиркорликни ташкил

этишнинг ўзига хос хусусиятлари қишлоқда объектив мавжуд омилларга боғлиқ. Қишлоқларда инфраструктуранинг ривожланиш даражаси нисбатан паст. Айниқса транспорт ва инженерлик инфраструктуралари объектлари тадбиркорликнинг барқарор ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Қишлоқ аҳолиси даромадлари асосан тадбиркорликка тўғри



келади. Лекин қишлоқларда иш-сизлик даражаси ва камбағал оилаларнинг нисбатан юқорилиги даромадларнинг аҳоли жон бошига камайишига олиб келади. Ушбу ҳолат аҳоли тўлов қобилиятининг камайишига ва товарлар (хизматлар)га бўлган талабнинг пасайиши сабаб бўлади.

Тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш кўп жаҳатдан керакли тайёрланган мутахассислар мавжудлигига бевосита боғлиқ. Шу сабабли қишлоқ жойларда кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, керакли мутахассисликка ўқитиш энг долзарб муаммолар қаторига киради. Темир ва автомобил йўлларидан йироқ жойлашган қишлоқларда тадбиркор маълум қийинчиликларни енгиб ўтишига тўғри келади. Айниқса ишлаб чиқилган товарларни сотишда транспорт хизматлари нархи юқори бўлиб, таннархга бевосита таъсир кўрсатади. Транспорт омининг тадбиркорликни ривожантиришга таъсирини ўрганиш қишлоқ тумани учун жуда муҳим.

Кичик тадбиркорликдан олинган фойда қишлоқ жойларда объектив харажатларнинг юқори бўлиши ҳисобига нисатан паст бўлиб,

ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун муҳим омил бўла олмайди. Шу сабабли янги инновацион технологияларни қишлоқ жойларга олиб киришда маълум имтиёзлар тизимини жорий қилиш зарур.

Тадқиқот натижаларига кўра қишлоқ аҳолисининг бизнесга қизиқиши ва интилиши нисбатан юқори эмас. Сўровномада қатнашганларнинг деярли тўртдан бири тадбиркорлик билан шуғулланиш ниятлари йўқлигини қайд этганлар. Қишлоқларда ёшлар ва аёлларни

**Туманларни  
табiiй-иқтисодий  
салоҳияти ва географик  
жойлашувига қараб турли  
гуруҳларга ажратиш  
орқали, уларда тадбиркор-  
ликнинг ривожланиш дара-  
жасини мониторинг қилиш,  
келажак стратегияни  
асослаш учун муҳим  
услубий ёндашув бўлиб  
хизмат қилади.**

тадбиркорликка ўқитиш, уларни меҳнат қилишга чорлаш, бандликни таъминлашда жуда муҳимдир.

Қишлоқ туманларининг яна бир ўзига хос хусусияти, туманлараро тадбиркорликнинг ривожланишидаги жуда катта фарқнинг борлигидир. Объектив сабабларга кўра, жумладан туманларнинг географик жойлашуви (чегара ҳудудлар), ер ва сув ресурсларининг чегараланганлиги, минерал хом-ашё ресурсларнинг деярли йўқлиги, асосий туман майдони чўл ва тоғлиқ зоналарга тўғри келиши тадбиркорликнинг ривожланиш даражасига бевосита таъсир кўрсатади. Туманларни табiiй-иқтисодий салоҳияти ва географик жойлашувига қараб турли гуруҳларга ажратиш орқали, уларда тадбиркорликнинг ривожланиш даражасини мониторинг қилиш, келажак стратегияни асослаш учун муҳим услубий ёндашув бўлиб хизмат қилади.

Тадбиркорликнинг самарали шакллари билан бўлиши кичик саноат зоналари, томорқадан унумли фойдаланиш, кластерларни шакллантириш, маҳаллий туризмни ривожлантириш туманларнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун янги имкониятлар очиб беради.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. Тошкент. 2020й. 29 декабрь.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартдаги “Обод қишлоқ дастури тўғрисида”ги Фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 сентябрдаги “Худудлар тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларини жадал амалга оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3939 сонли Қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 1 майдаги “Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПҚ-4702 сонли Қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 майдаги “Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини-ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4742 сонли Қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июндаги “Аҳоли томорқаларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4767 сонли Қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 декабрдаги “Ўзини –ўзи банд қилган шахс сифатида фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 806-сонли Қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
8. Ахмедов Т.М. и др. Теоретико-методологические основы устойчивого социально-экономического развития сельских территорий. Монография. Ташкент. Тафаккур. 2020г. -200.с
9. Имомов В.А. ва бошқалар. Туман ва шаҳар салоҳиятини баҳолаш, ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таҳлил қилиш ва режалаштириш усуллари // Услубий-амалий қўлланма. Имомов В.А. ва бошқалар. - Тошкент: ПМТИ, Тафаккур нашриёти, 2019. - 216 б.
10. Назаров М.И. Ўзбекистон қишлоқ туманлари ижтимоий инфратузилма салоҳиятининг минтақавий хусусиятлари. Журнал “Бизнес эксперт”, 2019, №3. 34-38 бб.
11. Олимжонов О.О. Вопросы повышения конкурентоспособности сельских районов. Агрэкономика. 2017. №1. С.7-12
12. Абдуллаев О. Фаргона водийси ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнлари. Монография. Наманган. 2000й. 290б.
13. Абдуллаев Б.С. Туманларда тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари ва уларни ҳал қилиш йўлари. Тошкент. Иқтисодиёт: таҳлиллар ва прогнозлар. №1-2. 2030й. 123-128бб.



# Конкуренентоспособность плодоовощной продукции Узбекистана на мировом рынке

Дарья ИЛЬИНА,  
руководитель Проекта,  
ИПМИ

**Аннотация:** в статье рассмотрены подходы к оценке конкурентоспособности продукции. Произведен анализ сравнительных преимуществ плодоовощной продукции Узбекистана на внешних рынках.

**Ключевые слова:** экспорт, конкурентоспособность, сравнительные преимущества, плодоовощная продукция.

**Аннотация:** мақолада маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини баҳолаш бўйича ёндашувлар муҳокама қилинади. Ўзбекистон мева-сабзавот маҳсулотларининг ташқи бозорлардаги қийсий устунликларини таҳлил қилиш амалга оширилди.

**Калит сўзлар:** экспорт, рақобатбардошлик, қийсий афзалликлар, мева - сабзавот маҳсулотлари.

**Abstract:** the article discusses approaches to assessing the competitiveness of products. An analysis of the comparative advantages of Uzbekistan's fruits and vegetables in foreign markets was made.

**Keywords:** export, competitiveness, comparative advantage, fruits and vegetables

Экспорт является важным фактором стабильности экономики. Резкое наращивание экспорта является единственным путём увеличения валютных резервов и развития экономики – это подчеркнул Президент Узбекистана 6 сентября 2019 года на совещании, посвященном приоритетным задачам развития сельского хозяйства на 2020-2030 годы.

Глава государства в своем послании Олий Мажлису на 2020 год поставил амбициозную задачу «по значительному наращиванию производства продукции, чтобы в этом году достичь параметров экспорта фруктов и овощей в 2 млрд. долл. и увеличения этого показателя в 3-4 раза в следующие 5-7 лет [1]».

Исходя из этого, приоритетной является проблема конкуренции и обеспечения конкурентоспособности плодоовощной продукции и продуктов её переработки, произведённых в Узбекистане.

Некоторые авторы подчеркивают, что конкурентоспособность не имеет определения в экономической теории (например, Sharples, 1990 [2]; Ahearn и др., 1990 [3]). Конкурентоспособность можно определить, как способность быть успешным в конкурентной среде. Конкуренция может быть, как в пределах внутренних рынков (в этом случае конкурентоспособность отдельной фирмы или секторов экономики по сравнению друг с другом), так и международной (в данном случае, сравнения между странами). Поэтому «конкурентоспособность» категория относительная и нет её единого определения и метода измерения.

Организация экономического сотрудничества и развития (OECD) определяет конкурентоспособность как «способность... создавать, будучи и оставаясь в условиях международной конкуренции, относительно высокие уровни доходов факторов производства и их использования на устойчивой основе» [4].

Всемирный экономический форум представляет конкуренто-

способность как «совокупность институтов, политики и факторов, определяющих уровень производительности в стране» [5]. Майкл Портер в 1990г. писал: «Конкурентоспособность нации зависит от способности ее промышленности внедрять инновации и проводить модернизацию... Уровень жизни нации зависит от способности ее компаний достигать высоких уровней производительности и повышать производительность на протяжении длительного времени» [6].

Таким образом, понятие конкурентоспособности включает в себя широкий спектр различных аспектов: наличие конкурентных преимуществ, проведение стимулирующей политики, использование инноваций с применением современных оборудования, техники и ресурсов, создание эффективных институтов, развитие инфраструктуры рынка, логистики и коммуникаций. Кроме этого, существуют специфические аспекты конкурентоспособности в сельскохозяйственном производстве, что затрудняет использование общепризнанных подходов к анализу конкурентоспособности.

Существует 2 основных подхода к оценке конкурентоспособности: 1) на основе неоклассической экономики, которая сосредоточена на успешной внешней торговле (используется для оценки международной конкурентоспособности); 2) на основе Школы стратегического менеджмента, где делается акцент на структуре и стратегии фирм (т.е. оценивается внутриотраслевая конкурентоспособность или конкурентоспособность на микроуровне).

С учётом цели нашего исследования, наиболее подходящим для оценки конкурентоспособности плодоовощной продукции и продуктов её переработки является первый подход. Проанализировав торговые показатели конкурентоспособности на основе выявленных сравнительных преимуществ, мы сможем определить, по каким продуктам плодо-

овошеводства Узбекистана и перерабатывающая промышленность являются наиболее конкурентоспособными на мировом рынке.

Торговая теория предполагает, что конкурентоспособность страны основывается на концепции сравнительных преимуществ. Согласно теориям, Д. Риккардо и Хекшера - Олина, торговые потоки являются результатом различий в себестоимости продукции между странами, страна специализируется на производстве товара, по которому она имеет преимущества в издержках.

Одним из наиболее распространенных показателей для оценки международной конкурентоспособности является индекс RCA (Revealed comparative advantage) или Индекс выявленных сравнительных преимуществ.

Он впервые был сформулирован венгерским экономистом Б. Баласом (1965г.) [7].

**RCA рассчитывается по следующей формуле:**

$$RCA = \frac{\frac{X_{ij}}{X_{it}}}{\frac{X_{wj}}{X_{wt}}} \quad (1)$$

где:  $X_{ij}$  – экспорт продукта  $j$  страны  $i$ ;

$X_{it}$  – общий экспорт товаров страны  $i$ ;

$X_{wj}$  – экспорт продукта  $j$  в целом по миру;

$X_{wt}$  – общий экспорт товаров в целом по миру.

Данный индекс рассчитывается как отношение двух показателей. Так, страна  $i$  обладает выявленным сравнительным преимуществом в производстве определенного продукта, когда отношение экспорта этого продукта к общему экспорту всех товаров из страны  $i$  превышает такое же соотношение для мира в целом. Например, поскольку отношение стоимости узбекистанского экспорта абрикосов к общему экспорту превышает такое же соотношение для всех стран мира в целом, можно говорить о том, что Узбекистан обладает сравнительным преиму-

ществом в производстве абрикосов. Если страна имеет выявленное сравнительное преимущество для определенного продукта ( $RCA > 1$ ), считается, что она является конкурентоспособным производителем и экспортером этого продукта по сравнению со «средней» страной. Чем выше значение  $RCA$  для продукта  $j$ , тем выше экспортные возможности по этому продукту.

Для расчёта индекса  $RCA$  по плодоовощной продукции и продуктам её переработки, производимым в Узбекистане, была использована статистическая база данных UN Comtrade [8], а также данные Государственного комитета Республики Узбекистан по статистике. За основу расчётов были взяты показатели по 4-значным кодам ТН ВЭД групп 07,08,20 экспорта Узбекистана и

по аналогичным статьям экспорта в целом по миру за период 2015-2019 гг. в текущих ценах в долларах США.

Согласно результатам расчетов, из 35 анализируемых групп товаров Узбекистан в 2015-2019 гг. обладал существенными сравнительными преимуществами только по 16 группам товаров (таблица 1).

Таблица 1

**Виды плодоовощной продукции и продуктов ее переработки, экспортируемых Узбекистаном, обладающие сравнительными преимуществами на внешних рынках в 2015-2019гг. на основе расчета  $RCA$ .**

ТНВЭД	2015	2016	2017	2018	2019	Среднее значение
0702 Томаты свежие или охлажденные	20,2	5,7	7,7	8,7	9,9	10,4
0703 Лук репчатый, лук шалот, чеснок, лук-порей и прочие луковичные овощи, свежие или охлажденные	8,6	2,5	2,5	5,4	13,0	6,4
0704 Капуста кочанная, капуста цветная, кольраби, капуста листовая и аналогичные съедобные овощи из рода Brassica, свежие или охлажденные	14,7	6,9	4,7	8,3	13,1	9,5
0706 Морковь, репа, свекла столовая, козлобородник, сельдерей корневой, редис и прочие аналогичные съедобные корнеплоды, свежие или охлажденные	24,9	2,6	6,4	12,0	22,4	13,7
0707 Огурцы и корнишоны, свежие или охлажденные	17,2	4,8	3,1	4,9	6,5	7,3
0709 Овощи прочие, свежие или охлажденные	13,4	4,2	4,2	5,1	3,6	6,1
0711 Овощи консервированные для кратковременного хранения (например, диоксидом серы, в рассоле, сернистой воде или в другом временно консервирующем растворе), но в таком виде непригодные для непосредственного употребления в пищу	40,7	17,6	19,1	18,4	11,3	21,4
0712 Овощи сушеные, целые, нарезанные кусками, ломтиками, измельченные или в виде порошка, но не подвергнутые дальнейшей обработке	3,3	2,0	1,5	2,3	4,2	2,7
0713 Овощи бобовые сушеные, лущеные, очищенные от семенной кожуры или неочищенные, колотые или неколотые	24,6	12,2	14,3	27,2	26,1	20,9
0802 Прочие орехи, свежие или сушеные, очищенные от скорлупы или неочищенные, с кожурой или без кожуры	5,5	1,5	2,6	1,5	4,1	3,0
0806 Виноград, свежий или сушеный	65,1	26,6	28,2	30,4	27,9	35,6
0807 Дыни (включая арбузы) и папайя, свежие	2,7	1,0	1,6	2,9	4,6	2,5
0809 Абрикосы, вишня и черешня, персики (включая нектарины), сливы и терн, свежие	37,8	37,7	37,1	65,7	35,2	42,7
0810 Прочие фрукты, свежие	6,0	5,5	5,8	4,5	4,8	5,3
0813 Фрукты сушеные, кроме плодов товарных позиций 0801 - 0806; смеси орехов или сушеных плодов данной группы	61,8	24,3	25,1	24,8	23,6	31,9
2009 Соки фруктовые (включая виноградное сусло) и соки овощные, несброженные и не содержащие добавок спирта, с добавлением или без добавления сахара или других подслащивающих веществ	1,1	1,4	1,8	1,5	2,3	1,6

*Источник:* расчёты ИПМИ на основе данных UN COMTRADE и Государственного комитета Республики Узбекистан по статистике.



Особенно стоит отметить группы 0809 Абрикосы, вишня и черешня, персики (включая нектарины), сливы и терн, свежие; 0806 Виноград, свежий или сушеный; 0813 Фрукты сушеные, кроме плодов товарных позиций 0801 - 0806; смеси орехов или сушеных плодов данной группы. Взятые вместе, эти группы товаров представляли почти 40% общего экспорта узбекистанской плодово-овощной продукции в 2019 году.

5 групп товаров можно отнести к группе товаров, которые находятся в «пограничном» состоянии, т.е. в отдельные годы они конкурентоспособны на мировом рынке, в другие – не конкурентоспособны, и сильно зависят от конъюнктуры внешнего рынка. К ним относятся: 0705 Салат-латук (*Lactuca sativa*) и цикорий (*Cichorium spp.*), свежие или охлажденные; 0805 Цитрусовые плоды, свежие или сушеные; 0808 Яблоки, груши и айва, свежие; 2001 Овощи, фрукты, орехи и другие съедобные части растений, приготовленные или консервированные с добавлением уксуса или уксусной кислоты; 2008 Фрукты, орехи и прочие съедобные части растений, приготовленные или консервированные иным способом, содержащие или не содержащие добавок сахара или других подслащивающих веществ или спирта, в другом месте не поименованные или не включенные.

Остальные 14 групп товаров из групп ТНВЭД 07,08,20 не имеют сравнительных преимуществ на внешних рынках.


RCA интуитивно понятен и относительно прост в расчете. Тем не менее, он и другие торговые показатели имеют определенные ограничения для анализа конкурентоспособности [9].

Во-первых, на них могут оказывать влияние искажающие торговлю меры регулирования, такие как субсидии, тарифные и нетарифные ограничения. Поэтому в идеале торговые показатели не следует использовать для измерения конкурен-

тоспособности товаров, на которые распространяются подобные меры.

Во-вторых, концепция сравнительного преимущества относится к чистому экспорту (экспорт за вычетом импорта). Однако RCA имеет дело только с экспортом, не принимая в учет импорт, что может привести к некорректным результатам.

В-третьих, концепция сравнительных преимуществ носит статический характер, полагая, что страны специализируются на том, что они могут производить при более низких относительных затратах. Эта концепция не отвечает на вопрос, как страны торгуют в процессе развития, когда со временем факторы производства и технологии изменяются.



**RCA следует**

**использовать осторожно и в сочетании с другими показателями конкурентоспособности. Тем не менее, индекс выявленных сравнительных преимуществ востребованным торговым показателем конкурентоспособности вследствие своей простоты в построении и интуитивности.**

RCA не принимает во внимание возможные положительные внешние эффекты от продвижения по цепочке создания стоимости для экспорта продукции с высокой степенью переработки в условиях научно-технологического развития производственной базы. Также RCA игнорирует негативные риски, связанные с чрезмерным сосредоточением экспорта на сырьевых товарах, нефти и газе, цены на которые часто подвержены колебаниям. Ввиду указанных ограничений RCA следует использовать осторожно и в сочетании с другими показателями конкурентоспособности. Тем не менее, индекс выявленных сравнительных преимуществ продолжает оставаться востребованным торговым показателем конкурентоспособности вследствие своей простоты в построении и интуитивности.

Для устранения второго недостатка, связанного с недоучетом импорта, Вальрас (1991) и Лафей (1992) разработали торговые индексы для расчета сравнительных преимуществ на основе данных по чистым торговым потокам [10, 11]:

$$LFI_{ij} = 100 * \left( \frac{X_{ij} - M_{ij}}{X_{ij} + M_{ij}} - \frac{\sum_{j=1}^N (X_{ij} - M_{ij})}{\sum_{j=1}^N (X_{ij} + M_{ij})} \right) * \frac{X_{ij} + M_{ij}}{\sum_{j=1}^N (X_{ij} + M_{ij})} \quad (2)$$

где:  $X_{ij}$  – объем экспорта  $i$ -го вида продукции  $j$ -го государства;

$M_{ij}$  – объем импорта  $i$ -го вида продукции  $j$ -го государства;

$N$  – число видов продукции.

Особенность индекса Лафея (*LFI*) состоит в том, что он позволяет определить вклад отдельных товарных групп в нормированный торговый баланс страны. В том случае, если индекс Лафея принимает значения больше нуля, продукция считается конкурентоспособной на мировом рынке, соответственно отрицательное значение свидетельствует о ее неконкурентоспособности.

Для расчета индекса Лафея по экспорту плодовоовощной продукции были использованы данные Государственного комитета Республики

Узбекистан по статистике за 2015-2019гг. Согласно расчетам, из тех же 35 анализируемых групп товаров Узбекистан в 2015-2019гг. обладал сравнительными преимуществами по 24 группам товаров. 10 групп товаров, согласно полученным результатам, не имели сравнительных преимуществ для экспорта на внешние рынки и 1 группа - 0805 Цитрусовые плоды, свежие или сушеные- сильно зависит от

конъюнктуры внешнего рынка и может быть как конкурентоспособной, так и неконкурентоспособной.

Сравним результаты, полученные из расчетов двух индексов. Для этого составим сравнительную таблицу на основе средних значений индексов RCA и LFI (таблица 2). В большей степени результаты расчетов индексов по группам товаров соответствуют друг другу. Таким

образом, нам удалось определить 19 групп товаров, по которым Узбекистан обладает однозначными сравнительными преимуществами на внешних рынках и 10 групп товаров, по которым сравнительных преимуществ не имеется. Сравнительные преимущества или их отсутствие по оставшимся 6 группам товаров неоднозначны и зависят от конъюнктуры рынка.

Таблица 2

**Средние значения RCA и LFI по плодоовощной продукции Узбекистана, обладающей сравнительными преимуществами на внешних рынках в 2015-2019гг.**

ТНВЭД	Среднее значение за 2015-2019гг.	
	RCA	LFI
0809 Абрикосы, вишня и черешня, персики (включая нектарины), сливы и терн, свежие	42,7	0,7283
0806 Виноград, свежий или сушеный	35,6	0,9881
0813 Фрукты сушеные, кроме плодов товарных позиций 0801 - 0806; смеси орехов или сушеных плодов данной группы	31,9	0,2206
0711 Овощи консервированные для кратковременного хранения (например, диоксидом серы, в рассоле, сернистой воде или в другом временно консервирующем растворе), но в таком виде непригодные для непосредственного употребления в пищу	21,4	0,0394
0713 Овощи бобовые сушеные, лушенные, очищенные от семенной кожуры или неочищенные, колотые или неколотые	20,9	0,5916
0706 Морковь, репа, свекла столовая, козлобородник, сельдерей корневой, редис и прочие аналогичные съедобные корнеплоды, свежие или охлажденные	13,7	0,0718
0702 Томаты свежие или охлажденные	10,4	0,2625
0704 Капуста кочанная, капуста цветная, кольраби, капуста листовая и аналогичные съедобные овощи из рода Brassica, свежие или охлажденные	9,5	0,0817
0707 Огурцы и корнишоны, свежие или охлажденные	7,3	0,0488
0703 Лук репчатый, лук шалот, чеснок, лук-порей и прочие луковичные овощи, свежие или охлажденные	6,4	0,1144
0709 Овощи прочие, свежие или охлажденные	6,1	0,2253
0810 Прочие фрукты, свежие	5,3	0,2179
0802 Прочие орехи, свежие или сушеные, очищенные от скорлупы или неочищенные, с кожурой или без кожуры	3	0,1572
0712 Овощи сушеные, целые, нарезанные кусками, ломтиками, измельченные или в виде порошка, но не подвергнутые дальнейшей обработке	2,7	0,036
0807 Дыни (включая арбузы) и папайя, свежие	2,5	0,0254
0808 Яблоки, груши и айва, свежие	1,7	0,0384
2009 Соки фруктовые (включая виноградное сусло) и соки овощные, несброженные и не содержащие добавок спирта, с добавлением или без добавления сахара или других подслащивающих веществ	1,6	0,0617
2001 Овощи, фрукты, орехи и другие съедобные части растений, приготовленные или консервированные с добавлением уксуса или уксусной кислоты	1,5	0,0079
0705 Салат-латук ( <i>Lactuca sativa</i> ) и цикорий ( <i>Cichorium spp.</i> ), свежие или охлажденные	1,2	0,009

**Источник:** расчёты автора на основе данных UN COMTRADE и Государственного комитета Республики Узбекистан по статистике

Наибольшими сравнительными преимуществами обладают 6 групп плодоовощной продукции, в частности: 0809 Абрикосы, вишня и черешня, персики (включая нектарины), сливы и терн, свежие; 0806 Виноград, свежий или сушеный, 0813 Фрукты сушеные, кроме плодов товарных позиций 0801 - 0806; смеси орехов или сушеных плодов данной группы; 0711 Овощи консервированные для кратковременного хранения (например, диоксидом серы, в рассоле, сернистой воде или в другом временно консервирующем растворе), но в таком виде непригодные для непосредственного употребления в пищу; 0713 Овощи бобовые сушеные, лущеные, очищенные от семенной кожуры или неочищенные, колотые или неколотые; 0702 Томаты свежие или охлажденные. Эти группы наиболее конкурентоспособны среди остальных групп плодоовощной продукции. И поэтому необходимо сфокусировать государственную поддержку на экспортерах и производителях этой продукции.

Таким образом, проведенное исследование показало, что большая часть плодоовощной продукции Узбекистана достаточно конкурентоспособна на мировом рынке. Но это, в основном, переработанная продукция или продукция с неглубоким уровнем переработки. В сложившейся ситуации важно определить приоритеты и разработать Программу увеличения конкурентоспособности плодоовощной продукции и продуктов её переработки.

При этом достижение высокой конкурентоспособности должно являться не самоцелью, а средством повышения инвестиционного потенциала и инвестиционной привлекательности отрасли, достижения роста уровня жизни и материального благосостояния, т.е. инструментом для решения задач развития сельского хозяйства и сельских территорий, а также обеспечения продовольственной безопасности.



#### Источники и литература:

1. UZA (Национальное информационное Агентство Узбекистана) Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису <https://uza.uz/ru/posts/poslanie-prezidenta-respubliki-uzbekistan-shavkata-mirziyeev-25-01-2020> (Дата обращения:26.12.2020г.)
2. Sharples, J. (1990), "Cost of production and productivity in analyzing trade and competitiveness", *American Journal of Agricultural Economics*, Vol. 72, No. 5, pp. 1278-1282
3. Ahearn, M., Culver, D. and Schoney, R. (1990), "Usefulness and limitations of COP estimates for evaluating international competitiveness: a comparison of Canadian and U.S. wheat", *American Journal of Agricultural Economics*, Vol. 72, No. 5, pp. 1283-1291.
4. Latruffe, L. 2010. "Competitiveness, Productivity and Efficiency in the Agricultural and Agri-Food Sectors", *OECD Food, Agriculture and Fisheries Papers*, No. 30, OECD Publishing, Paris. (<http://dx.doi.org/10.1787/5km91nkd6d6-en>).
5. Sala-i-Martin, X. 2009. *The global competitiveness report 2009-2010* (Geneva, World Economic Forum) (<https://www.weforum.org/reports/global-competitiveness-report-2009-2010>)
6. Porter, M. 1990. "The Competitive Advantage of Nations" *Harvard Business Review* March-April 1990 (<https://hbr.org/1990/03/the-competitive-advantage-of-nations>)
7. Balassa, B.1965. "Trade Liberalisation and "Revealed" Comparative Advantage" *The Manchester School* vol. 33, Issue2 (May 1965), pp. 99-123 (<https://onlinelibrary.wiley.com/doi/abs/10.1111/j.1467-9957.1965.tb00050.x>)
8. UN Comtrade Database <https://comtrade.un.org/>
9. Р.А. Ромашкин, Д. Седик, М.В. Авдеев, О.В. Черкасова. Под научной редакцией С.А. Шобы. Перспективы российского агропродовольственного экспорта на рынке Китая. — М. Издательство Перо, 2020. с. 24
10. Lafay, G. The Measurement of Revealed Comparative Advantages, in M. G. Dagenais and P. A. Muet, eds., *International Trade Modeling*. London: Chapman & Hill, 1992, 209-234
11. Vollrath, T. 1991. "A theoretical evaluation of alternative trade intensity measures of revealed comparative advantage" *Weltwirtschaftliches Archiv* vol. 127, 2, pp. 265–280 (<https://link.springer.com/article/10.1007%2FBF02707986>)





## Агрокластерлар самарадорлигини оширишда инновацион технологиялардан фойдаланиш масалалари

**Аннотация:** мақолада мамлакатимизда агрокластерларни ташкил этиши масалалари кўриб чиқилган. Агрокластерлар самарадорлигини оширишда инновацион технологиялардан фойдаланиш масалалари ўрганилган. Кенг материаллар асосида агрокластерлар самарадорлигини ошириш масалалари бўйича таҳлил амалга оширилган ва асосий йўналишлар таклиф этилган.

**Калит сўзлар:** иқтисодийёт, қишлоқ хўжалиги, агрокластерлар, мева-сабзавот кластерлари, самарадорлик.

Хадича ХУРАМОВА,  
Наманган муҳандислик-  
технология институти  
ўқитувчиси

**Аннотация:** в статье рассмотрены вопросы организации сельскохозяйственных кластеров в нашей стране. Изучены вопросы использования инновационных технологий в повышении эффективности агрокластеров. На широком материале анализирован вопросы повышения эффективности агрокластеров и предложены основные направления повышения эффективности агрокластеров.

**Ключевые слова:** Экономика, сельское хозяйство, агрокластеры, плодово-овощные кластеры, эффективность.

**Abstract:** the article discusses the organization of agro-clusters in the country. The use of innovative technologies to increase the efficiency of agro-clusters has been studied. Based on a wide range of materials, an analysis of improving the efficiency of agro-clusters was conducted and the main directions were proposed.

**Keywords:** economy, agriculture, agroclusters, fruit and vegetable clusters, efficiency.



Инсоният тараққетишининг сўнгги йилларида истеъмол учун яратилиши керак бўлган маҳсулотларга, хусусан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талаб кескин ортиб бормоқда. Бу масаланинг икки томонлама мураккаблиги мавжуд. Биринчидан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириладиган майдонларнинг қисқариши содир бўлмоқда. Улар ўрнига саноат корхоналари, аҳоли турар жойлари қурилмоқда. Иккинчидан, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириладиган майдонлардан маҳсулот олиш ҳосилдорлиги йил сайин камайиб бормоқда. Бунинг сабаби, ернинг қуввати камайиб боришидир. Ўтган йили олинган маҳсулотни жорий йилда ҳам олиш учун ҳар бир гектар ерга белгиланганидан ортиқроқ ҳаражат қилиш лозим, яъни кўпроқ ўғитлар, турли кимёвий воситалардан фойдаланиш, интенсив равишда ишлов бериш лозим бўлади. Дунё мамлакатларида бу каби муаммоларни бартараф этиш юзасидан ҳаракатлар амалга оширилмоқда, турли хил самарали ҳисобланган таклифлар берилмоқда, амалий ҳаракатлар жорий этилмоқда. Бу каби ҳаракатлардан бири – қишлоқ хўжалигида агрокластерларни ташкил этиш масалаларидир. Агрокластерларни ташкил этиш масаланинг бир томони бўлса, масаланинг иккинчи томони, уларнинг самарали фаолиятини таъминлашдир.

Қишлоқ хўжалигини модернизациялаш ва диверсификациялаш бўйича амалга ошириладиган дастурий чора-тадбирлар доирасида юз бераётган таркибий ўзгаришлар туфайли мева-сабзавотчилик тармоқлари тобора ривожланиб бормоқда. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уни кўпайтириш экин майдонларини кенгайтириш ҳисобибагина эмас, балки жаҳоннинг илғор тажрибалари, замонавий ва интенсив агротехнологияларидан самарали фойдаланиш ҳамда истиқболли навлар яратилиб амалиётга жорий этилаётганлигидир. Чунки,

аҳолининг ўсиб бориши, янги саноат корхоналарининг қурилиши, хизмат кўрсатиш иншоотларининг барпо этилиши, ерлардан янада самарали фойдаланишни тақозо этмоқда.

Қишлоқ хўжалигида, хусусан унинг мева-сабзавотчилик тармоғидаги агрокластерларни самарали ташкил этиш ва фаолиятини узок вақт давом эттириш учун улар фаолиятида инновацион технологияларни жорий этиб бориш талаб этилади (1-чизма).



**1-чизма. Қишлоқ хўжалигининг истиқболда ривожланиши жараёнлари.**

Агрокластернинг барча бўғинларида янгиликлар яратилиши ва жорий этиб борилишига эътибор қаратилиши муҳим ҳисобланади. Ҳозирги вақтда кўпроқ хориждан қидириб топилаётган технологияларга суянилмоқда. Ўтказилган тадқиқотлар бу усулнинг самарасиз эканлигини кўрсатмоқда. Мева-сабзавотчилик тармоғида ўзимизнинг ҳудудларга ва иқлимимизга мос бўлган янгиликларни излаб топиш ва жорий этиш юқори самарали ҳисобланади. Жаҳоннинг бирон-бир мамлакатидан ўхшаши бўлмаган усулларни ва йўналишларни топиш ҳамда уларни самарали усулларда жорий этиш рақобат курашида устунлигимизни таъминлайди.

Мева-сабзавот кластерларининг самарадорлигини ошириш учун уларда инновацион технологияларни жорий этиш лозим. Мева-сабзавот тармоғида инновацион

технологияларни қўллаш биринчи навбатда ерни суғориш ишлари билан боғланиши лозим. Яъни, ерни суғориш соҳасида инновацион технологияларни кўпроқ яратишга ва жорий этишга ҳаракат қилиш керак. Қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган ялпи маҳсулотларнинг 95 фоизга яқини суғориладиган ердан олинади. Бундан кўринадики, саноатнинг қишлоқ хўжалик хом-ашёларига, аҳолининг эса, озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаби қондирилишида ер ва сувнинг аҳамияти жуда катта. Ер ва сувдан қанчалик оқилона ва самарали фойдаланилса, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ҳажми шунча кўпаяди ҳамда юзага келадиган иқтисодий-экологик муаммоларнинг олдини олишга эришилади. Хориж мамлакатларида бу йўналишда бир қатор тадқиқотлар амалга оширилган, аммо, уларни шундайлигича бизнинг иқтисодиётга, қишлоқ хўжалигига жорий этиб бўлмайди. Бизда ўзимизнинг иқлимимизга мос бўлган, ҳолатимизга, шароитларимизга тўғри келадиган амалиёт зарур.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини модернизациялаш ва диверсификациялаш бўйича амалга ошириладиган дастурий чора-тадбирлар доирасида юз бераётган таркибий ўзгаришлар туфайли қишлоқ хўжалиги, хусусан унинг мева-сабзавотчилик тармоқлари тобора ривожланиб бормоқда, ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши ҳам аста-секинлик билан ортиб бормоқда. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларни кўпайтириш экин майдонларини кенгайтириш ҳисобибагина эмас, балки жаҳоннинг илғор тажрибалари, замонавий ва интенсив агротехнологияларидан самарали фойдаланиш ва истиқболли навлар яратилиб, амалиётга жорий этилаётганлигидир. Чунки, аҳолининг ўсиб бориши, янги саноат корхоналарининг қурилиши, хизмат кўрсатиш иншоотларини барпо этиш, ерлардан янада самарали фойдаланишни тақозо этмоқда.

Мўл ҳосил манбаи бўлган ернинг ҳар қаричидан унумли фойдаланиш, уруғни ерга экиб мўл ҳосил олишдан то уни қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот ҳолига келтиришгача бўлган узвий жараёнларга инновацион технологияларни жорий этиш бугунги кундаги энг долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Бу муаммонинг ечими соҳаси бўйича ҳам қатор тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ўтган йили кўп тармоқли фермер хўжалиқларини кенгайтириш мақсадида 21 мингта лойиҳа амалиётга йўналтирилди. 991 гектар ерда интенсив технология асосида 4 минг 179 гектар майдонда анъанавий усулда боғлар барпо этилди, 5 минг 806 гектар янги токзор барпо этилди, 371 гектар ерда эса иссиқхона хўжалиқлари йўлга қўйилди.

Наманган вилояти пахта, ғалла, турли хил мева, узум, полиз ва сабзавот экинлари етиштиришга ихтисослашганлиги билан ажралиб туради. Вилоят ер усти тузилишига кўра текислик, адир, адир орти текислиги, тоғ олди этаклари ва тоғ ҳудудларидан иборат. Янги ерларни ўзлаштириш ва суғориб дехқончилик қилиш учун ўтган асрнинг 70-йилларидан бошлаб 16 дан ортиқ сув омборлари, селхоналар барпо этилди. Шунингдек, юздан ортиқ насос станциялари, катта Наманган ва Чуст каналлари ишга туширилди. Наманган вилоятининг турли туманлари сув билан таъминланиши, унинг манбалари, суғориш тизими бир-биридан фарқ қилади. Тўрақўрғон, Мингбулоқ ва Поп туманларида сув таъминоти юқорилиги билан ажралиб туради. Бу эса, мазкур ҳудудларда ерларни зах босишига, сув эрозиясига ва шўрланишига сабаб бўлмоқда. Чуст, Янгиқўрғон, Косонсой ва Чортоқ туманларида эса, сув таъминотидаги етишмовчиликларини кузатиш мумкин. Мазкур туманларнинг ер майдонини салмоқли қисми қир ва адирликлардан иборат бўлиб, бу ҳудудларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш қийин ма-

салалардан бири бўлиб турибди. Шунинг учун экин навларининг ҳар бир ҳудуднинг табиий иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда жойлаштириш лозим. Поп, Чуст, Косонсой, Янгиқўрғон ва Чортоқ туманларидаги қир ва адирликларга кам сув талаб қиладиган мевали дарахтлар, хусусан бодом, ёнғоқ, ўрик, хандонписта ва узумлар плантацияларини ташкил этиб, томчилатиб суғориш тизимини йўлга қўйиш ўз самарасини беради. Чунки, бу маҳ-

сулотлар харидоргир бўлиб, сарф қилинган харажатларни қоплайди. Ана шунда мева ва сабзавот маҳсулотларини кўпайтириб ички ва ташқи бозорларга етказиш имкониятини беради.

Мева-сабзавотчилик соҳасидаги агрокластерларда инновацион технологияларни яратиш ва шакллантиришда етиштирилган ҳосилни сақлаш, қайта ишлаш ва истеъмолчига етказиб бериш тизимининг самарали бўлишини ҳисобга олиб янгиликлар яратилиши мақсадга мувофиқдир. Саноат усулида қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини консерва, шарбат, вино ва ҳоказолар кўринишида сақлашни ташкил қилиш ва истеъмолчиларни улар билан узоқ вақт таъминлаш осон. Шунингдек, уларни ташиш ва сақлаш янги узилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларига нисбатан қулай. Таҳлилларга кўра, вилоятимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришдаги йўқотишлар ҳажми ҳосилни йиғиш, тайёрлаш, сақлаш ва транспортда ташиш жараёнида 20 фоиздан ортади. Чунки, мева-сабзавот маҳсулотлари тез бузиладиган ва транспортда ташишга мослашмаган маҳсулотлар тоифасига киради. Қолаверса, ушбу маҳсулотларни янги узилгандек сақлаш учун маҳсус совутгичлар ва бошқа тегишли асбоб-ускуна ва қурилмалар билан боғлиқ катта харажатлар талаб қилинади.

Шунингдек, саноат усулида қайта ишланган маҳсулотларни консерва, шарбат, вино ва ҳоказолар кўринишида сақлашни ташкил қилиш ва истеъмолчиларни улар билан узоқ вақт таъминлаш осон кечишидан ташқари, иқтисодий жиҳатдан катта фойда келтиради.

Фарғона водийси ва унинг вилоятлари агросаноат мажмуини ривожлантириш бўйича катта имкониятларга эга. Бу, аввало, бой хом ашё базаси ва қишлоқ жойларда меҳнатга лаёқатли аҳолининг кўплигидир. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган агрокластерларнинг ҳудудий жойлашу-

**““**

**Наманган вилояти пахта, ғалла, турли хил мева, узум, полиз ва сабзавот экинлари етиштиришга ихтисослашганлиги билан ажралиб туради. Вилоят ер усти тузилишига кўра текислик, адир, адир орти текислиги, тоғ олди этаклари ва тоғ ҳудудларидан иборат. Янги ерларни ўзлаштириш ва суғориб дехқончилик қилиш учун ўтган асрнинг 70-йилларидан бошлаб 16 дан ортиқ сув омборлари, селхоналар барпо этилди. Шунингдек, юздан ортиқ насос станциялари, катта Наманган ва Чуст каналлари ишга туширилди. Наманган вилоятининг турли туманлари сув билан таъминланиши, унинг манбалари, суғориш тизими бир-биридан фарқ қилади.**

ви бу соҳа маркетинг фаолиятининг ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Хом ашёни транспортда ташиш харажатлари ва уни даладан қайта ишлаш корхоналарига етказиб бериш муддати кўп жиҳатдан айнан шу омилга боғлиқ.

Ташкилий жиҳатдан тарқоқ ҳолдаги кўп сонли ишлаб чиқарувчилар, масалан, якка тартибдаги деҳқон хўжаликлари ва кўп профили фермер хўжаликлари қайта ишлаш корхоналарининг бу талабларини бажара олмайди. Бу талаблар хом ашё ишлаб чиқарувчиларнинг ҳам, консерва, шарбат ва ҳоказолар шаклида якуний маҳсулотлар истеъмолчиларининг ҳам манфаатларини тўлароқ ҳисобга олувчи ихтисослашган агросаноат фирмалари томонидан яхшироқ ва самаралироқ бажарилиши мумкин.

Шу билан бирга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган агросаноат фирмаларининг ҳудудий жойлашуви муҳим аҳамият касб этади. Хом ашёни ташиш бўйича транспорт харажатлари ва уни ишлаб чиқарувчидан қайта ишлаш корхоналарига етказиб бериш муддати кўп жиҳатдан айнан шунга боғлиқ.

Мамлакатимизнинг яқин истиқболга мўлжалланган режаларида вилоятда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бозори инфратузилмаси-

ни ривожлантириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилиши белгиланган. Келгусида етиштирилладиган мева-сабзавот маҳсулотларини тайёрлаш, сотиш ва ўз вақтида қайта ишлашни таъминлаш, шунингдек, уларнинг экспорт ҳажмларини кўпайтириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, аҳолини ва ижтимоий соҳа объектларини айниқса, қиш-баҳор даврида мева-сабзавот маҳсулотлари билан ишончли, кафолатли таъминлаш учун зарур бўлган замонавий созутиш ва омбор асбоб-ускуналари билан жиҳозланган сақлаш жойларининг моддий-техника базасини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, шунингдек мева-сабзавот маҳсулотларини экспортга етказиб беришни кенгайтириш ҳисобланади. Бу йўналишда қуйидаги ишларнинг амалга оширилиши зарур деб ҳисоблаймиз:

1. Мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш учун янги энерготежамкор технологияларга асосланган инновацион созутиш камераларини қуриш ҳамда ҳозирги вақтда мавжуд бўлганларини қайта жиҳозлаш, реконструкция қилиш ва модернизациялаш. Бу вазифанинг амалга оширилишида асосан, энерготежамкор ва нисбатан кам харажатли мева-сабзавотларни сақлаш технологияларини яратиш лозим.

2. Мамлакатимизда мева-сабзавот етиштиришда экиладиган ер майдонларидан самарали фойдаланишни назорат қилиш, бунинг учун мугтасил назоратни йўлга қўйиш.

3. Келажақда юқори самара келтириши аниқланган ва бизнес-режаларда бу ҳолат аниқ намоён бўлган мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш бўйича дастурларни қабул қилиш ва амалга ошириш.

4. Мамлакатимизда етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотларини ва улардан тайёрланган маҳсулотларнинг экспортини тўғри ташкил этиш.

5. Мева-сабзавот маҳсулотлари билан ички бозорни узлуксиз таъминлаш бўйича чораларни кўриш, бозорда уларнинг нархларини назорат қилиш ва транспорт билан ташиш бўйича муаммоларни оқилона ҳал этиш.

Ушбу ишларни амалга оширишда ҳар бир пункт бўйича янгиликларни яратиш ва улардан фойдаланиш имконияти яратилган бўлишига эътибор қаратиш муҳим деб ҳисоблаймиз. Ушбу йўналишларда инновацион фаолиятни жадаллаштириш ва кам ресурс талаб қилувчи, юқори унумли ва мева-сабзавотларни сифатини бузмаган ҳолда сақлашга имкон берувчи сақлаш камераларини яратишга эътибор қаратиш лозим.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мева-сабзавот маҳсулотлари, узум, полиз, дуккакли экинлар, шунингдек, қуритилган сабзавот ва меваларни маҳаллий экспорт қилувчиларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори (ПҚ-3377.06.11.2017 й.).
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони Тошкент, 2017 йил 7 февраль “Наманган ҳақиқати” газетаси, 2017 йил 11 февраль № 12 а (19321)
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. “Наманган ҳақиқати” газетаси. 2020 йил 25 декабрь
4. Акрамов Б.А. ва бошқалар. Қишлоқда фермер хўжалиklarининг юзага келиши ва ривожланишининг асосий тамойилларини белгилаш: услубий қўлланма. – Т., 2007. – Б. 23.
5. Назарова Ф. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида Ўзбекистон аграр секторини ривожлантириш истиқболлари: и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т., 2001. – Б. 31.
6. Кўччиев У.М. Чорвачилик фермер хўжалиklarига хизмат кўрсатиш тизимини ривожлантиришнинг илмий-амалий асосларини такомиллаштириш. Иқтисодий фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т., 2020.
7. Хусанов Р. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида оила (жамоа) пудрати. -Т., 1999.
8. Казаков О.С., Қозоқов С.О. Развитие информационно-консультационной службы в аграрном секторе. «Научная мысль» ежеквартальный научно-методический журнал Минобороны Российской Федерации, Череповецкое высшее военно-инженерное училище радиоэлектроники 3 б.
9. Казаков О.С. Improving the management activity of the fruit and vegetable industry. Журнал “Theoretical & Applied Science” № 12/ 2018 enterprises 6 б.
10. Казаков О.С. Маҳаллий хом ашёлардан юқори самарали маҳсулотларни ишлаб чиқариш. 2017 й. НамМТИ, Илмий журнал, 4





Ибодуллохон СОЛИЕВ,  
НамДУ, и.ф.н., доцент  
Камолиддин  
СИРОЖИДДИНОВ,  
НамДУ, и.ф.н., доцент

## Агросаноат мажмуасида маркетинг имкониятларидан фойдаланиш

**Аннотация:** қишлоқ хўжалигида кооперация муносабатларини ташкил этиши самарадорлик кўрсаткичларининг ижобий кўриниши олиши ва тармоқда иқтисодий хатарларни пасайтириши имконини беради. Кооперацион тузилмалар фаолиятида маркетинг имкониятларидан фойдаланиш зарурати қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятлари билан ифодаланади. Мақолада ушбу тузилмалар таркибида маркетинг бўлимини ташкил этиши, унинг асосий мақсад ва вазифалари ёритилган.

**Калит сўзлар:** маркетинг, агромаркетинг, агросаноат мажмуаси (АСМ), кооперация, тамойиллар.

**Аннотация:** Организация кооперационных отношений в сельском хозяйстве дает возможность улучшить показатели эффективности и снизить экономические риски в отрасли. Необходимость использования маркетинговых возможностей в кооперационных структурах обосновывается особенностями сельского хозяйства. Статья посвящена вопросам формирования маркетинговых отделов в сельскохозяйственных кооперациях, основным целям и задачам этих отделов.

**Ключевые слова:** маркетинг, агромаркетинг, агропромышленный комплекс (АПК), кооперация, принципы.

**Abstract:** Organization of cooperative relations in agriculture makes it possible to improve efficiency indicators and reduce economic risks in the industry. The need to use marketing opportunities in cooperative structures is justified by the specifics of agriculture. The article is devoted to the formation of marketing departments in agricultural cooperatives, the main goals and objectives of these departments.

**Keywords:** marketing, agromarketing, agroindustrial complex (AIC), cooperation, principles.



Айни пайтдаги, бозор муносабатларининг изчил ривожланиши ва тобора чуқурлашиб бориш босқичи кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида, жумладан, боғдорчилик соҳасида маркетинг технологияларидан кенг миқёсда фойдаланишни тақозо этмоқда. Таъкидлаш жоизки, маркетинг фаолиятининг асосий мақсади бозор шароитидаги ўзгаришларга тўлақонли жавоб бера оладиган барқарор ва самарали ишлаб чиқаришни шакллантиришдан иборат.

Маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлаб чиқариш ва маркетингнинг асосий иқтисодий вазифаларини бир-бирига боғлайдиган бошқарув дастаклари, усуллари ва муносабатлари мажмуи бўлган амалий маркетинг, мамлакатимиз агросаноат ишлаб чиқаришида ҳали етарли ривожланишга эга бўлмаган бошқарувнинг махсус соҳаси бўлиб ҳисобланади.

Ақсарият ҳолларда маркетинг ва унинг тамойиллари фақатгина тўйинган бозордагина амал қилади деб ҳисобланади. Барча тенг шароитларда бундай фикрни, яъни маркетингни фақатгина рақобат воситаси сифатида қараш, ёндашув яъни маркетингдан фақатгина тўйинган бозор шароитларида фойдаланиш зарурияти пайдо бўлиши ҳақидаги фикрлар ўринлидай туюлади. Бироқ, маркетинг воситаларидан самарали фойдаланиш бозорнинг ҳар қандай тўйиниш даражасидан қатъий назар, корхоналарнинг бош мақсади ҳисобланган максимал даражадаги фойда олишда кўмак беради. Маркетинг усуллари асосий йўналиши, тузилиши ва хусусиятлари ягона мақсадга – бозор иштирокчиларининг манфаатли айрибошлаш жараёнини ташкил этишга хизмат қилиши лозим. Мамлакатимизда маркетинг имкониятларидан фойдаланиш, айниқса кишлоқ хўжалиги тармоғида кенг тарзда маркетинг тадқиқотлари олиб бориш ҳали талаб даражасида эмас. Лекин шунга қарамай мамлакатимиз иқтисодиёти, унинг алоҳида ҳудудлари ва ишлаб чиқариш тармоқлари потенциални рўёбга чиқа-

ришда ва янада ривожлантиришда маркетинг алоҳида ўрин тутади. Шу муносабат билан айни пайтда, маркетингдан ишлаб чиқаришнинг ўзига хос стимулятори сифатида фойдаланишга катта аҳамият берилмоқда.

Нисбатан янги амалий фаолият ва фан сифатида шаклланганлигига қарамай маркетингнинг ягона тарифи қабул қилинган эмас. Унинг турлича талқинлари ва унга турлича ёндашувлар мавжуд иқтисодий ривожланиш босқичлари ва қўлланиш қўламларидан келиб чиққан ҳолда шакллантирилган.

Шу боис маркетинг тушунчаси иқтисодчилар томонидан турли даврларда турлича талқин қилинади. Америкалик маркетинг Ф. Котлер маркетингни “инсоннинг тижорат фаолияти бўлиб, бозорда айрибошлаш воситасида кишиларнинг истак ва эҳтиёжларини қондиришга қаратилади. Маркетинг зарурий алоқа ва рағбатлантирувчи чораларни қўллаш ва амалга ошириш асосида, истеъмолчилар учун ўз вақтида, мақбул нархда, зарур маҳсулотларнинг мавжудлигини таъминлаш фаолиятидир”<sup>1</sup> деб таъкидлайди.

Шу билан бирга, бу борадаги бироз бошқача фикрлар билдирилганлигини ҳам учратамиз: “Маркетинг – иқтисодий, технологик ва психологик воситалар ёрдамида ишлаб чиқаришни бошқариш ва истеъмолчиларга таъсир кўрсатиш орқали истеъмол талабларини ривожлантириш ва уларни қондиришга қаратилган тадбирлардир”<sup>2</sup>.

Умумиқтисодий маънода маркетинг – бозор иқтисодиёти тизимида барқарор рақобат устунлигини таъминлашга қаратилган узлуксиз бошқарув фаолиятидир. Маркетинг

фаолияти назарияси ва амалиётининг турли жиҳатларига кишлоқ хўжалиги соҳасидаги илмий адабиётларда ҳам катта эътибор бериб келинмоқда. Маркетингнинг хорижий концепцияларида биринчи ўринга комплекс ва глобал маркетинг масалалари қўйилади. Айни пайтда, ушбу масалалар кишлоқ хўжалиги учун энг муҳим йўналишлар ҳисобланиб, кишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг реализацияси давридаги йўқотишларни камайтириш ва маҳсулотларни сақлаб қолиш муаммосини ҳал этишда муҳим ўрин тутади. Хорижий маркетинг моделларини мамлакатимиз шароитларига мослаштириш иқтисодий барқарорликни таъминлашнинг энг муҳим йўналишларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Агросаноат маркетинги - фойдани максималлаштириш мақсадида кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш, ташиш ва сотиш соҳасида бозор хўжалик субъектларининг тадбиркорлик фаолиятини ўрганиш, прогнозлаш ва амалга оширишни ўз ичига олган замонавий маркетинг назариясининг мустақил йўналишидир. Агросаноат маркетингининг асосий вазифаларига қуйидагилар киради:

- мавжуд ва потенциал буюртмачиларнинг кишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабини аниқлаш учун кенг қамровли бозор тадқиқотлари олиб бориш;

- бозор ва истеъмол талабига таъсир кўрсатиш мақсадида, хўжаликнинг ишлаб чиқариш, ресурс ва сотиш имкониятлари таҳлилини ўтказиш;

- фойдани максималлаштириш ва самарадорлик кўрсаткичларини ошириш мақсадида, ишлаб чиқаришни бозор талабларига максимал даражада мослаштириш.

Турли баҳолашларга кўра мамлакатимизда етиштирилаётган боғдорчилик маҳсулотларининг салмоқли қисми ишлаб чиқариш жараёнининг ўзидаёқ нобуд бўлмоқда. Шу боис,

1 Котлер, Ф. Основы маркетинга: Пер. с англ. / Ф. Котлер. – М.: Бизнес-книга, 1995. – 702 с.

2 Огневцев С.Б. Моделирование объединительных и интеграционных процессов в АПК / С.Б. Огневцев // Переходная аграрная экономика, проблемы, решения, модели. Научн. тр. ВИАПИ РАСХН. М.: Энциклопедия российских деревень, 2000. – С. 350.

боғдорчилик маҳсулотлари учун доимий савдо каналларининг мавжуд эмаслиги, нарх тизимидаги камчиликларни бартараф этишга ва соҳада барқарорлаштиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар тизимини қўллаш масаласини биринчи галдаги вазифа сифатида қаралмоқда.

Фикримизча, мева-сабзавот ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш борасида тадбирларни икки босқичда амалга оширилиши лозим: ишлаб чиқариш жараёнининг пировард натижаларини олдинган прогнозлаштириш ва истиқболда тармоқни ривожлантиришни бозор конъюнктураси ўзгаришларига мувофиқлаштириш. Биринчи босқичда тармоқ ҳолатини ҳар томонлама ўрганиш асосида маҳсулотларга бўлган эҳтиёжларни ва бу маҳсулотларни ишлаб чиқариш қобилиятини аниқлаш лозим. Ушбу функциялар қишлоқ хўжалиги вазирлигининг жойлардаги бошқармалари ва бошқа алоқадор тузилмаларига берилиши керак. Бозор сиғими ва ишлаб чиқарувчиларнинг уни тўйинтириш қобилиятини аниқлаш асосида боғдорчиликни янада ривожлантиришнинг комплекс дастурлари ишлаб чиқилиши лозим.

Шубҳасиз, аграр тармоқ иқтисодиётини барқарорлаштириш жараёни маркетинг тадқиқотларини жорий этиш билан бевосита боғлиқ. Бу босқичда маркетинг хизматининг асосий мақсадларидан бири бозор ҳолатини прогноз қилиш ва вилоятда боғдорчиликни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишдан иборат. Иккинчи босқичда боғдорчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш бўйича ихтисослаштирилган тузилмалар, масалан қишлоқ хўжалиги кооперативларини яратиш энг истиқболли йўналиш ҳисобланади. Бу ерда асосий мақсад нафақат бозорга кириш ва максимал фойда олиш, балки қишлоқ хўжалиги тадбиркорлик бирликларининг барқарор иқтисодий фаолият юритишини таъминлашдир.

Республикамиз ҳудудларида ва хусусан Наманган вилоятида боғдорчиликни ривожлантириш масаласига мутлақ ва нисбий устунлик назарияси асосидаги ёндашув, яъни ишлаб чиқариш харажатларининг маҳсулот бирлиги учун энг кам бўлган турларни етиштиришни янада ривожлантириш, ишлаб чиқаришнинг янги истиқболли йўналишларини яратиш (курутилган мева ва резаворлар, консерва маҳсулотлари, мураббо, шарбатлар ва бошқалар) асосида ёндашув мақсадга мувофиқ.

Боғдорчилик маҳсулотларининг истиқболли турларига талабни ўрганиш ва яратиш жойларда қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчи институционал бирликлар, бўлимлар ёки қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари маркетингига ихтисослаштирилган хизматлар томонидан амалга оширилиши керак. Шунини эътибордан қочирмаслик зарурки, агробизнес тузилмаларининг максимал фойда томонга ҳаракатланиши, мамлакатда анъанавий ҳисобланган, лекин ҳосилдорлик даражаси паст ва

талаб у қадар юқори ҳисобланмаган навларнинг деярли йўқ бўлиб кетишига олиб келади. Шу боис соҳада давлат идоралари имкониятларидан самара фойдаланиш, мамлакатимизда мавжуд экин турларининг барчаси бўйича алоҳида база яратиш ва уни узлуксиз бойитиб бориш лозим.

Республика ва унинг минтақаларида боғдорчиликнинг ривож топиши энг аввало маҳсулот турларига ички талабнинг яратилиши билан боғлиқ. Бу эса замонавий талабларга мос улгуржи бозор ташкил этилишини талаб этади. Шунини унутмаслик зарурки, маҳсулот ишлаб чиқариш, сотиш, қайта ишлаш жараёни умумий ташкилий тузилмага эга бўлиши зарур бўлган, уй, дехқон ва фермер хўжаликлари, қайта ишлаш корхоналари, улгуржи савдо, боғдорчилик компаниялари иштирок этишини талаб этадиган ягона ва узвий жараёндир.


Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги тармоғини бутун ишлаб чиқариш линияси бўйича вертикал таҳлил қилиш, (яъни, бир соҳанинг якуний маҳсулоти кейинги соҳа учун хом ашё ҳисобланган фаолият ва тармоқлар) куйидаги муаммолар кенг тарқалганлигини кўрсатмоқда:

- хом ашёдан тайёр маҳсулотларга ўтишнинг ҳар бир босқичида иқтисодий ва ишлаб чиқариш манфаатларининг ихоталанганлиги, яъни манфаатлар уйғунлиги таъмин этилмаслиги, бутун тармоқ таркибидаги муносабатларни ҳар томонлама баҳолаш ва ахборот етишмаслиги;

- аҳоли харид қобилиятининг пастлиги туфайли тайёр маҳсулотлар бозорларининг торайиши;

- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларида доимий тарзда айланма маблағларга муҳтожлик туфайли тўлов интизомининг пастлиги ва бу вазиятдан чиқишнинг самарали механизми яратилмаганлиги;

- хом ашё ва товарлар ҳаракатининг барча босқичларидаги солиқ ва кредит-молия тизимининг, шунингдек нарх-наво тизимининг ноумукаммаллиги.



**Бу ерда асосий  
мақсад нафақат бозорга  
кириш ва максимал фойда  
олиш, балки қишлоқ  
хўжалиги тадбиркорлик  
бирликларининг барқарор  
иқтисодий фаолият  
юритишини  
таъминлашдир.**

Бу вазиятда маркетингнинг энг асосий вазифаси муаммоларни ҳал этиш бўйича бутун саъий-ҳаракатларни бирлаштиришдир. Маркетинг бу ерда тармоқ субъектлари манфаатларини интеграциялаштири оладиган ва бутун вертикал бўйлаб жойлашган корхоналар иқтисодий мақсадларни ягона жараёнга боғлай оладиган восита сифатида кўриб чиқилмоғи лозим. Айти пайтда вилоятда мева-резавор харидлари қоида тариқасида, куйидагича амалга оширилмоқда: ишлаб чиқарувчилардан воситачилар орқали сотиб олинаётган маҳсулотлар улгуржи нархлари бозор нархларидан 2-2,5 маротаба арзон. Бу эса қишлоқ хўжалиги корхоналари, фермер ва хусусий хўжаликларнинг даромадларида сезиларли йўқотишларга олиб келади. Шу муносабат билан, янги ва қайта ишланган шаклда мева ва резаворлар ишлаб чиқариш ва сотиш соҳасида фаолиятни тартибга солиш ва мувофиқлаштириш механизмини ишлаб чиқиш учун мўлжалланган боғдорчилик маҳсулотлари улгуржи бозори учун замонавий инфратузилмани яратишни талаб этади.

Аграр тармоқ бошқарув механизмларини янада такомиллаштириш лозим. Қишлоқ хўжалиги маҳ-

сулотларига давлат буюртмаларини шакллантириш, харид қилиш, улгуржи сотиш, қадоқлаш, маҳсулотларни давлат ва маҳаллий жамғармаларга сотишни ташкил этиш вазифаси юклатилган ҳудудий тузилмалар фаолияти йўлга қўйилиши лозим. Минтақалардаги деҳқон ва фермер хўжаликлари, боғдорчилик хўжаликлари бирлашмалари, қайта ишлаш корхоналари ягона интеграциялашган ташкилий тузилмаларга бириктирилиши мақсадга мувофиқ.

Ҳозирда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш дастурлари истиқболда агросаноат мажмуасининг, хусусан мева-сабзавотчилик тармоғининг тараққиётига хизмат қилади. Лекин ушбу дастурлар самарадорлигига тўсқинлик қилувчи бир қатор омиллар ҳам мавжуд бўлиб, фикримизча улардан энг муҳимлари куйидагилардир:

- бюджет маблағларининг салмоқли миқдорларини жалб қилиш зарурияти ва сарфланган бюджет маблағларининг назорати талаб даражасида ташкил этилмаганлиги;

- маҳсулот ишлаб чиқарувчилар учун ҳар доим ҳам мақбул ҳисобланган нархлар тизимини шакллантириш чора-тадбирларини амалга оширишдаги сусткашликлар;

- чуқур қайта ишлаш корхоналарининг аксарияти монопол мавқега эгаллиги қишлоқ хўжалик хом ашёси етиштирувчилари улардан амалий фойдаланишини сезиларли даражада мураккаблаштири ради ва самарали таъсир кўрсатиш имкониятини камайтиради;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сертификатлаш тизимининг доимий тарзда янгиланиб бораётган халқаро талабларга жавоб бермаслиги халқаро бозорларга чиқиш имконини бермайди;

- қишлоқ хўжалигини субсидиялашнинг мавжуд тизими ўзининг асосий вазифасини етарли даражада бажара олмайди.

Вилоят агросаноат мажмуасида боғдорчилик соҳасини янада ривожлантиришнинг йўлларида бири, соҳада янги ташкилий-ҳуқуқий шакллардаги ҳамкорлик ва интеграцияни жонлантиришдир. Ушбу интеграциялашувнинг асосий иштирокчилари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари ва қайта ишлаш корхоналари бўлиши керак. Масалан, консерва ишлаб чиқаришга асосланган кооперативни яратиш воситачилик тармоғини қисқартириш, хом ашё таъминотини кафолатлаш ва қайта ишловчининг монополиясини




бартараф этишнинг зарурати ва мақсадидан келиб чиқади (1-расм).

Жаҳон тажрибасига кўра қишлоқ хўжалигини молиявий қўллаб-қувватлаш имтиёзли солиқ ставкалари, имтиёзли кредитлар, субсидиялар, субвенциялар орқали амалга оширилади. Шу билан бирга маҳаллий бозорни ҳимоялаш мақсадида тариф ва нотариф усуллар ёрдамига таянилади. Қишлоқ хўжалиги маҳаллий бозори асосан республи-

камизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар эвазига тўлдирилишини эътироф этиш лозим. Лекин маҳаллий қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг экспорт имкониятлари ҳали биз кўзлаган даражада эмас. 1-расмда таклиф этилаётган ташкилий тузилма қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш жараёнини оқилона тарзда ташкил этиш имконини бериши мумкин. Бундай интеграцион тизимда аграр

тармоқда шаклланадиган иқтисодий хатарлар фақатгина ишлаб чиқарувчи ёки қайта ишловчи корхона зиммасида қолишининг олдини олади, бошқарув тизимининг демократик тизими шаклланади, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, хусусан мева ва сабзавотчилик маҳсулотларининг доимий бозори шаклланади ва мавсумийлик муносабати билан бозор баҳоларининг кескин пасайишига барҳам берилади.



1-расм. Мева-сабзавотчилик маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва сотиш кооперативининг ташкилий тузилиши.



Айни пайтда, қишлоқ хўжалигини кредитлаш тизими бўйича алоҳида давлат дастури ёки механизми яратилиши лозим. Ушбу механизм соҳага ажратилган кредит ва инвестициялар қайтарилишини кафолатлаши ва соҳанинг инвестицион жозибдорлигини таъминлаши лозим. Мазкур тизим орқали қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг доимий тарздаги айланма маблағларга бўлган эҳтиёжлари қондирилади. Қишлоқ хўжалигига кредит ажратувчи банк ёки кредит бюроси давлат кафолати остидаги кредитнинг фоизини белгилайди. Кредит мониторингини юритади, кредитлаш жараёни такомиллаштириш имкониятларини тадқиқ этади, бизнес режа тузишда кўмаклашади, бошқа инвестицион имкониятларни ўрганади. Юқорида таъкидланганидек тақлиф этилган тузилма қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари манфаатларига қаратилган бўлиб, уни яратишдан мақсад аграр тармоқнинг айланма маблағларга бўлган зарурати билан белгиланади. Етарли даражада қарз ресурсларига эга бўлган қишлоқ хўжалик корхоналари ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва иқтисодий жиҳатдан барқарорликка эришадилар<sup>3</sup>.

Кооперация таркибида бозор муносабатларининг асосий регулятори мослашиш даражасини белгиловчи маркетинг бўлими (хизмати) янги иқтисодий шароитга мослашувнинг асосий қуроли бўлиши лозим. Айнан маркетинг бўлими мева-сабзавот сотиш кооперациясининг асосий бир қисмига айланиши керак. Маркетинг бўлими бир қатор бошқарув функцияларига эга бўлади ва қуйидаги масалаларни ҳал қилади:

- боғдорчиликни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини

шакллантириш борасида узоқ муддатли, ўрта муддатли ва махсус лойиҳалар асосида маркетинг ва ишлаб чиқариш дастурлари ишлаб чиқиш;

- мева ва резаворларга бўлган эҳтиёжларни аниқлаш ва шакллантириш;

- қайта ишлаш маҳсулотлари учун янги бозорлар излаб топиш;

- фаол реклама ва кооперативнинг ижобий имиджини яратиш;

- талаб тенденциялари ва улар ҳақидаги маълумотлар тадқиқоти;

- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари ва қайта ишлаш корхоналари раҳбарлари учрашувини ташкил этиш;

- сотиш каналларини асослаш, бозор квоталарини ўрганиш, лицензиялар, гувоҳномалар билан шуғулланиш;

- қайта алоқа воситаларини шакллантириш;

- мижозлар ўртасида сўровномалар ўтказиш;

- эксперт баҳолаш усулларини қўллаш;

- товарлар шаклланиши ва ҳаракати устидан назорат инвентаризацияси ўтказиб бориш.

